

ВСЕВОЛОД ИВАНОВ



БРОНЕПОЕЗД 14-69

ВСЕВОЛОДИВАНОВ

248813

БРОНЕ
ПОЕЗД
14-69

ADIB SOBIR.TERMIZIY NOMIDAGI
SURXONDARYO VILOYATI AXBOROT-
KUTUBXONA MARKAZI
Kel. No 3970
248813/006 yil.

П О В Е С Т Ъ

Сурхандарьинская
ОБЛАСТНАЯ БИБЛИОТЕКА
г. Термиза

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва
санъат нашриёти Тошкент — 1973

Ёзувчи В. Ивановнинг «Бронепоезд 14—69» повестида Урал партизанларининг Совет ҳокимияти, ер ва ғалла учун олиб борган курашлари ва ниҳоят Сибирда Совет ҳокимиятининг барпо этилиш манзараси жуда ёрқин бўёқлар билан, содда тил-услубда тасвирланади.

Повесть ўзининг ихчамлиги, ибораларининг мухтасарлиги билан ўқимишлидир.

НУРБЕК
таржимаси

Ғира-шира тонг. Меҳмонлар эшик олдида тиқилишган. Зиёфат тугаган эди. Капитан Незеласовнинг қаллиғи Варя қалъа коменданти полковник Катиннинг қизи Верочка билан ичкарида бир оз ҳаяллаб қолди. Незеласов туманда сал нам бўлган шойи накидкасини қўлида ушлаб, остонада турарди.

Офицерлар кулишарди. Денгиз тумани тўсиб қолган қалъа девори ёнидан уйга томон соқчи оҳиста қадам ташлаб келди. Уйга ўттиз қадамча қолганда у орқасига шартта қайтди-да, яна туман ичида ғойиб бўлди. Уй ичини «шамоллатишни» яхши кўрадиган полковник Катин деразани очиб қўйди.

Кейин эса у роялнинг қопқоғини секин ёпиб, капитан Незеласовнинг олдига келди, ҳаммага ёқадиган тиниқ овози билан қатъий гап бошлади:

— Мамнунмилар? Яйраб танца қилдиларми? Ёшларни севаман. Афсуски, жуда ҳам кўп чекасизлар-да. Верочканинг боши оғрийди... Верочка, Верочка, ўртоқларингни кузатиб қўймайсанми?

Ичкаридан полковникнинг овозига жуда ҳам ўхшаш ёқимтой бир овоз эшитилди:

— Йўқ, дадажон, мазам қочиброқ туришти.

Ичкаридан Варя чиқиб, йигитнинг қўлидан накидкасини олди, қошларини маънодор чимириб:

— Верочканинг мазаси қочган, Саша. Титроқ босяпти, — деди ва секингина қўшиб қўйди: — Терламамасмикин ишқилиб?

Полковник Катин меҳмонларни қалъа дарвозасига-

ча кузатиб қўйиб, Незеласовга ўгирилди ва одатдагича баланд ва мағрур овози билан:

— Капитан, тайгага кетармишсиз деб эшитдим. Мужикларни тинчитгани, шу гап ростми?— деб сўради.

— Менинг бронепоездим бу ерда кўпроқ керак бўлади,— дея осойишта жавоб қайтарди Незеласов.— Ҳа, қалъа комендантлари жаноблари, шу ернинг ўзида у кўпроқ иш беради!

— Хафа бўлдингиз шекилли, капитан, мен ҳазиллашувдим! Мен сизнинг бронепоездингизга қўмондон эмасман... Бугун аллақандай хавфсираб қараётган кўринасиз.

Эҳ, тузукроқ хавфсирашса бўларди — капитан ҳам, комендант ҳам, умуман, ҳаммалари ҳам! Офицерлар қуюқ кўкиш туман ичида. Улар бундай пайтларда ҳар қандай хонимни осонгина ўғирлаш мумкин, деб ҳазиллашишяпти. Ана шу нам туманда Незеласовга қалъа девори устиданми, яқинроқданми, ғалатироқ бир товуш эшитилди. Капитан полковник Катиннинг енгидан тортқилаб:

— Эшитяпсизми?— деб сўради:

— Йўқ. Сиз-чи?

— Эшитилгандек бўлди,— деди Незеласов масхараомуз кулиб, овозини комендантнинг овозига ўхшатиб.

— Туман,— деди полковник ҳомуза тортиб.— Мана, қалъа дарвозасига ҳам келиб етдик. Ҳе, ким бор? Ўтказиб юборинглар. Уйлайманки, бундан нарига ўзларинг йўл топиб кетаверарсизлар. Мен бирор соат мизғиб олай, кейин — обход. Менинг турмам чакана эмас: Пеклеванов ҳам, унинг шериклари ҳам шу ерда.

Қалъа дарвозасидан нарида туман қуюқроқ эди. Офицерлар бир-бирларининг қўлларидан ушлашиб олишди, кулги янада қувноқроқ янграй бошлади, Варя Незеласовга хуррам гап бошлади:

— Эҳ, Саша! Бугун майдонда одамларнинг руҳи жудаям кўтаринки бўлди-я.

— Кеча,— деб гапга аралашди фон Кюн кулиб.

— Ҳа-я, кеча!— деди Варя.— Нақадар самимий кўтаринкилик! Иттифоқчи қўшинлар, уларнинг орқасидан бизникилар, Азиз Бут дружинаси эргшиб ўтганида, бутун шаҳар иона тўплашга киришди. Ё большевикларни енгиш, ё ўлим! Армия қўмондони генерал Саха-

ров тайгага партизанларни даф қилиш учун жўнаб кетиш олдидан ошхонасидаги сўнгги кумуш буюмларини ҳам иона қилибди.

— Епископ Макарий гавҳар доналар қадалган бутини берибди,— деди шошилиб юнкер Серёжа.

— Мен ҳам чидаб туrolмадим, охирги гавҳар кўзли узугимни инъом қилдим!

— Узугинг иккитамиди?— ярим хафа ҳолда сўради Незеласов.— Қўлингдаги қайсиси?

— Бермоқчи бўлдим, лекин ҳали берганимча йўқ... Ҳа, жаноблар, Серёжа акани табрикланглар! У Азиз Бут дружинасига кирди. Тасаввур қиласанми, Саша, дружинага қўмондонлик қилмоқчи бўлган епископ Макарий қўнжи баланд ов этигини кийиб, отга минса қанақа кўринаркин...

Незеласов совуққина қилиб:

— Ғалати кўринади,— деб қўйди.

Серёжа гитарани чертиб, ашула айта бошлади. Хонимлар унга жўр бўлишди.

Қалъа комендантининг ёрдамчиси, кекса офицер Фомин шаҳарга от чоптириб, ҳарсиллаб кириб келди.

— Жаноблар, жиминглар! Бахтсизлик!

— Нима, граждaнлар уруши тугабдими?— деб кулди фон Кюн.

— Қалъа турмасидан Пеклевaнов қочиб кетибди. Ҳамма алоқа симлари узилган!

— Мен қалъа деворидан шубҳали товуш эшитгандим,— деб хотирлади Незеласов,— Пеклевaнов денгизга тушган, Фомин!

— Қалъа деворидан-а? Бўлмаган гап! Бизда аниқ маълумот бор, Пеклевaнов бошқача кийимда қалъа дарвозасидан чиқиб, тўғри шаҳарга жўнаган!

У шундай деди-ю, шаҳарга қараб от солдириб кетди.

Незеласов унинг орқасидан нафрат билан қараб турди-да, паст овозда:

— Ана шунақаларнинг қўмондонлиги остида жанг қилганимиз-да!— деб қўйди.

Офицерлар илгаригидек ҳазиллашиб, темир йўл ёқалаб шаҳар томон боришарди.

Қамоққа олинган бир матросни келтираётган уч юнкер уларнинг олдидан чиқди.

«Аҳмоқлар! Албатта, бу матросни Пеклеванов деб ўйлашган!» — ҳаёлидан ўтказди Незеласов.

Фон Кюн юнкерларга:

— Тўхтанг, жаноблар! Бу матрос Семёнов-ку, менинг катеримдан! — деди. — Семёнов, сен нима қилиб юрибсан бу ерларда?

— Шундоқ, жаноблари, бир жонон билан дийдор кўришишга ваъдалашгандим. Жаноб юнкерлар мени бошқа биров деб гумон қилишяпти...

— Пеклеванов! — деди катта юнкер. — Шунақа кийиниб олган, жано...

Фон Кюн қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Шу-я, Семёнов-а?! — деди у хуноб бўлиб.

— Эҳ, сал фаросатлироқ, матонатлироқ бўлишса нима қиларкин! — деб қўйди.

Капитан гитарага жўр бўлиб ёқимли бир қўшиқни хиргойи қила бошлади, ғам-ғуссали қўшиқ таъсири туфайлими ёки Варя фон Кюнга очиқдан-очиқ шилқимлик қилган, Фон Кюн эса: «Афтидан, Незеласовнинг рашки келяпти» деган фикрда капитанга нигоҳ ташлаган эди, шунинг алаmidанми кўзларидан ёш томчилади.

Олға марш. Пайдо бўлди Россиянинг

Бахт йўлида гов.

Олға марш, дўстлар, олға,

Қизилларни қиринг беаёв!

— Незеласов, тайгага бронепоезд билан иложи борица тезроқ боришингиз керак эмиш, деб эшитдим?

— Бекор гап! Мен Пеклевановни тутмоқчиман. Мендан бошқа ҳеч ким уни тутолмайди, худо ҳаққи.

— Нега энди фақат сиз тута оларкансиз?

— Чунки сиз арақхўрлик қилиб юрибсиз, мен эса шаҳарни ўргандим, беш бармоғимдек биламан. Исённи ким бостирди? Сизми? Мен!

Зўрға кўринаётган қалъа деворида худди шу пайт икки соя ғимирлаётган эди. Туман бўлгани учун девордан порт кўринмас, шаҳар уйлари эса мутлақо кўринмаётган эди, денгизга туташ тепалик устидаги қалъани ҳам кўз илғамас эди. Хуллас, қийин эди юриш.

— Денгизга! Денгизга, Илья Герасимич, иложи борица тезроқ...

— Мен тўхталаётганим йўқ-ку, Знобов.

Кишан шилдиради. Пеклеванов:

— Секинроқ, Знобов!— деб пичирлади.

— Илья Герасимич, эговлай десам унамадингиз...

— Турмада эшитиларди-да, бу ерда эговлай қолинг!

Эговнинг паст овози туманни ҳайдаётганга ўхшарди. Комендантнинг уйдан деворга томон бораётган соқчи офицерларнинг гала-говур қўшиғидан мийиғида кулиб қўяркан, бошини кўтарди, унча эътибор қилмасдан деворга қаради. Эгов товуши тинди.

— Мой, мой томизинг, Знобов. Шошилманг ҳам.

— Зарари йўқ. Менинг тахминимча, темирйўлчилар гудок беришади ҳозир. Гудок товуши остида бежавотирроқ жўнаймиз.

— Яхши!

— Нима, Илья Герасимич?

— Ҳаммаси яхши, Знобов! Фақат шаҳар кўринмаяпти-да, эсиз. У ерда менинг қаллиғим бор.

— Қочганимизни биладимиз?

— Севса — кўнглига келади.

Паровознинг ўқтин-ўқтин берган гудоги қулоққа чалинди. Биринчи паровоздан кейин иккинчиси гудок берди, кейин учинчиси...

Кишан ҳам ниҳоят эговланди, Пеклеванов уни қўлида ушлаб туриб секин сўради:

— Кишанни нима қиламиз, Знобов?

— Денгизга улоқтира қолинг.

Кишан денгизга ташланди. Кейинроқ, бир неча кун ўтгач, уни эгов билан бирга топиб олишади, Пеклевановнинг қандай қочганини пайқашади. Ҳозир эса соқчи гудок, туман, денгиз шовқини остида ҳеч нарсадан шубҳаланмай, қалъа деворидан комендантнинг уйига қараб одимламоқда.

Девордан тушган Пеклеванов билан Знобов соқчининг оёқ товушини эшитишиб, ўзларини бута орасига олишди.

Соқчи уларнинг ёнгинасидан ўтиб кетди.

Улар қирроқ четидан эмаклашди. Знобов денгизга тош отди. Бир қайиқ бешарпа сузиб келди. Знобов Пеклевановга пастга тушишда ёрдамлашди, қайиқ туман ичида кўздан ғойиб бўлди.

Никита Егорич Вершинин Пеклеванов қочган кунни арафасида шаҳарга отланганди. Албатта у қочиш тўғрисида ҳеч нарса билмасди, Пеклевановни у шаҳарни оқлар эгаллашидан олдин бир митингда кўрган, ўшанда Никита Егорич билан йўллари дуч келишини ҳеч қачон хаёлига ҳам келтирмаган эди!

Мана йўллари дуч келди.

Арава тепаликдаги гиштин черковдан ўтди, бу тепаликдан кузги экинлари қўнғир тусга кириб етилган экинзорлар, тоғ, тайга, секин оқадиган кенг дарё, туман билан қопланган денгиз кўриниб турар эди.

— Шудгор қилсанг, молаласанг, эксанг киши,— деди тўнғиллаб Вершинин.

— Қилавер, қўлингни ким ушлаб турибди,— деди унга Настасьюшка.

— Кимлар учун?

Тишли мола араванинг кўп қисмини эгаллаган эди.

Вершининнинг хотини — Настасьюшка уни ушлаб борарди. Болалар ҳансирашиб арава кетидан югуришарди. Настасьюшка Вершининни кўрсатиб уларга дўқ қилар, Вершинин эса уларга ўгирилиб қараркан, жилмайиб қўярди.

Олдиларидан тўр ва балиқ билан қайтаётган балиқчилар чиқди. Қотма балиқчи Кольша:

— Темирчиликками, Никита Егорич?— деб сўради.

— Шаҳарга, темирчиликка,— титроқ овози билан жавоб қайтарди Настасьюшка.— Болалар йиғлаб қолишди, Кольша!

— Ҳечқиси йўқ, эрта-индин келасизлар-ку.

— Уруш пайти, ахир Максимич! Шаҳарда мериканлар, японлар, французлар бор эмиш...

— Уруш? Бизда-я?— кулди Вершинин.— Уруш нима қилсин? Хилват тайгада-я?

— Хилватликка-ку хилват-а, Никита Егорич,— гапга қўшилди пакана балиқчи Сумкин,— ҳатто мана бизлар ҳам балиқ тутиб, беш кун қишлоқда бўлмадик, қишлоқдагилар исён қилишибди деб эшитдик, тўғрими шу гап?

— Қанақа исён? Сал жанжаллашиб олдик. Олдин соқчилар қизларга шилқимлик қилишибди, мужиклардан самогон талаб қилишибди. Ушаларни дўппослашди.— Вершинин телпагини тўғрилаб кийиб олди-да, бо-

лаларга бақирди: — Жўнанглар уйга энди! — Ҳзини тутиб туролмай, жаҳлидан дарров тушди, аравадан сакради-да, болаларни чўли-чўли ўпа бошлади.

Яна қишлоқ, полиз, уйлар, дўконлар, эшик олдида дўкондор Обаб ҳомуза тортиб, осмонга қаради. Вершининга тикилиб, бош ирғади. Обаб бобо хушфеъл одам.

Арава темирчилик олдида тўхтади: Япроқлари саргайган қайин шохларини эгиб турарди. Вершинин молани қайин соясига ташлади.

— Кўклам тараддудими дейман, Никита Егорич? — сўради темирчи.

— Кўкламга кузда тайёрланмасанг, баҳорга бориб шошилиб қоласан.

Вершинин хотини билан темирчиликдан нарига, даланинг четига томон юрди. Хаёл суриб, ерга эгилди, бир ҳовуч тупроқ олди.

— Яхши, — деди хотини ҳам тупроқни эзгилаб туриб.

— Яхшиликка яхши-ю, шудгор қилгани қўйишармикан? Ерни эндигина тақсимлаб ола бошлагандик, янги хўжайинларни хурсанд қилиш керак бўлиб қолди. — Настасьюшка унинг гапига хўрсинди. Никита Егорич равон гапиряпти, демак, кўнгли ғаш.

Арава темирчиликни ортда қолдириб, далалар ўртасидан моласиз қайтарди.

Қишлоқдан шаҳаргача йўл олис: дарёгача аравада борилади, кейин сол билан дарёдан ўтилгач, тайга, қизил қум босиб тилоғоч ва қарағайлар оралаб юрилади, кейин денгиз ёқалаб нам мовий қоялар ёнидан ўтиб, кейин бўғозга, кўрфазга, ниҳоят, портга, шаҳарга борилади. Куз фасли, денгиз устини туман қоплаган, эшкак эшиш қийин, нафас олиш оғир. Қаёққа ҳам шошасан? Яхшиси, печга олов қалаб ётадиган пайт.

Ётиш қаёқда! Шошасан, шошасан! Вақт оғир, балиқ кўп, уни пуллайдиган пайт. Болалар ва кексаларга кийим ғамлаш керак. Ҳар дамда уруш ваҳимаси, янги гаплар. Вершинин уруш тайгага келолмайди, деб кулар эди-ю, лекин шундай бўлишига ич-ичдан ишонмасди.

Мужиклар камгапликни ва сир тутишни яхши кўрадилар. Вершинин буни билади. «Соболь ҳамма ҳай-

вонлардан индамасроқ, синчковроқ, шунинг учун ҳам чиройли» дейди у. Шунинг учун ҳам Вершинин йиғинлардагина узоқ гапириши мумкин, уйда ёки ўртоқлари даврасида қисқа-қисқа латифа ёки маталлар билан кифояланади, буларнинг кўпчилигини ўзи ўйлаб топади.

Тўғриси, индамаслиги қийин, чунки билимга ҳаваси зўр эди. Унинг турли-туман китоблари кўп, кўпчилиги табиётга оид: уни вулқонлар, момақалдиروқ, зилзилалар кўпроқ қизиқтирарди. «Илоҳий куч қидиряпсанми?» — деб сўрайди ундан бирор билимдон, Никита Егорич бут қўйилган токчада сақлайдиган китобларга кўз ташлаб. Вершинин «Худо ёмон эмасу, поплар унга халақит беришади» деб муҳмал жавоб қайтаради. У шаҳарга борганида албатта синематографга киради, драмаларни эмас, манзаралар кўрсатиладиган картиналарни кўради. «Ер чиройли,— дейди у, синематограф биносидан чиқаётиб, хотинига меҳр билан қараркан.— Инсон ёвуз. Нега шундайикин-а?»

Вершинин ҳали ёш, эндигина ўттизга кирди. Соқоли, новча ва бир оз букчайганлиги уни кекса қилиб кўрсатади. У буни тушунади ва бундан норози: «Кексаликдан қўрқаман, кексалар кўп ёлғон гапиришади»,— дейди у. Шунинг учун бўлса керак, синчковлигига қарамай, у-бу нарсани кексалардан камдан-кам сўрайди, кўпроқ дарвиш, ўткинчи, дайдиларга мурожаат қилади, улар ўртасида «назрчи» деб ном чиқарган. Бадавлат ҳам эмас, камбағал ҳам: зўр бериб балиқчилик қилади, ов билан шуғулланади. Деҳқончиликни ҳам қойил қилиш мумкин эди, лекин 1917 йилгача ери йўқ эди, 1917 йилнинг февралидан кейин эса ерлик бўладиганга ўхшар, лекин ер ундан қочаётган эди.

— Эҳ, Никита, бойликка талпинма бунча: турган битгани ташвиш,— дейди унга Обабга ўхшаган бадавлат чоллар.

— Мен ерга талпиняпман, бойликка эмас,— дейди Вершинин.— Ерни тузатмоқчиман. Бузишган уни.

— Ким бузган?

— Сиз.

— Валдирама! Қайнатанг-ку хонавайрон бўлди, нима, уни баттарроқ қилмоқчимисан?!

Ростдан ҳам Настасьюшканинг отаси бадавлат одам эди, катта хўжалиги бор эди, кўзи тўймади, савдога ҳам қўл урди, Обаба чолни савдода синдирмоқчи бўлди. Ўч қизини бадавлат хонадонларга узатди, қизлари учун кўп сеп берди, тўртинчи қизи, кенжа Настасьяга эса ип билан игна ҳам қолмади. Настасьянинг ишқида юрган йигитлар отаси камбағал бўлиб қолганини билиб, жуфтакларини ростлашди. Шундай қилиб, Настасьюшкани Никита Вершининга беришга тўғри келди: у кўпдан бери Настасьянинг атрофида парвона бўлиб юрган эди.

Янги куёв ҳайрон қолдирди. Тож кийганида гердаиб ва жиддий қиёфада турди, бошидан тожни олишлари билан чидаб туrolмай, қаҳ-қаҳ уриб кулди, черковдагилар олдида: «Биз, камбағаллар, бахтли бўлишимиз учун сизларни, бойларни талашимиз керак экан!» деб қайнатасига имо қилди. Умуман, у бошқаларига қараганда яхши куёв чиқди, қайнатаси бутунлай хонавайрон бўлиб, алаmidан ётиб қолганида, Никита унга ғалла, балиқ, кийим-кечак бериб, ёрдамлашиб турди. «Бу менинг ёрдамим эмас, қизингизнинг ёрдами. Теракдай новча қизингиздан»,— дерди у қайнатаси миннатдорчилик билдирганда.

Настасьюшка ростдан ҳам теракдай новча, киприклари узун жувон эди. Рўзғорда у фаросатли, меҳнаткаш, эрига камдан-кам гап қайтарарди, унинг сал хириллаган майин овози Никитага жуда ёқарди. Ёқмасинми? Илгари Настасьюшка ашулачи эди, лекин пичан ўриш маҳалида овози бўзилди. Кўп ашула айтганидан эмас, Никита унга ўз севгисини изҳор қилганида хурсанд бўлганидан ашула айтавериб, овозини бўғиб қўйди.

— Худога шукур, турмушимиз яхши,— дейди Никита хотини билан бирга ёлғиз, унга узун қора кўзларини қадаб қимир этмай, меҳр билан турганида,— фақат кўзларим ерга зор.

— Кўрарсан ҳали.

— Қариб қоляпман! Герман урушида ҳам бўлдим, нима кўрдим? Госпиталу бинтдан бошқа нарса кўрмадим.

Рост. Уларни Узоқ Шарқдан солдат қилиб олиб келишди, Шарқий Пруссиянинг аллақасерида вагонлардан

муслалаган ботқоқликка ҳайдашди, эрталаб довул тингандан кейин атака, Вершинин кўкрагидан яраланди, позиция ёнида палаткада тўшакда бир оз ётди, кейин яна вагон, Омск, деразалари ниҳоятда тор-тор уч қаватлик уй атрофида баланд гиштин девор, бу ерда уни текшириб кўришди, комиссиядан ўтди, яраси енгил экан, тузалиб кетди. Ҳеч қанақа ишга, ҳатто овга ҳам халақит бермайди, ўзи ҳам қувноқроқ бўлиб қолди. Вершинин ярадор бўлгани ҳақида гапирар экан, жилмайиб: «Докторлар қишлоққа мени яхшилиқка юборишгани йўқ»,— дейди. У бу сўзларни кўп маъноли қилиб айтар, ҳам-суҳбатининг бундан ранги ўчарди. Юз ёки икки юз йил муқаддам балки у дуохон ёки жодугар ҳисобланарди. Ҳозир эса у жодугарлар устидан кулар, «Шаҳарда университетда шунақа нарсаларни билиб олишибдики, уларга, олимларга илгариги жодугарликлар бир пақир бўлиб қолибди»,— дейди. У черковга худога эътиқодидан ёки савлат кўрсатгани эмас девона дейишларидан қўрқиб борарди. Унинг олдида эътиқод тўғрисида гапирганларида:

— Эсимда, болалигимда отам билан Иркутскка конга борардим. Ўшанда шаманлар кўп учрар эди. Эътиқодни қаранг-а! Шаман нимага ишонарди денг? Одам худони кўндирса бўлармиш! Агар, гапга уста бўлсанг, худо ҳам писанд эмас эканда-а? Албатта бунақа эътиқодда, инсонни ҳурмат қилишда бизларнинг попларимиз ҳамма шаманларни йўлда қолдирган,— дейди.

1917 йилдан кейин қишлоқда тез-тез йиғинлар ўтказиладиган бўлиб қолди. Агитаторлар, турли партияларнинг вакиллари келаверди, қишлоқ ва волость Советларига, кейин эса Таъсис кенгашига сайловлар ўтказилди, кейин оқ гвардиячилар пулемётлар билан ўтишди, ниҳоят, ҳамма ёқ тинчиди қолди.

Оқ гвардиячилик бошланишидан олдин большевиклар ва Ленин мужикларга ер берилажагини эълон қилган эдилар. Қишлоқ йиғинида ер тўғрисидаги декрет ўқилиб, ҳамма қангу манг бўлиб қолганида Вершинининг овози чиқди:

— Текинга? Ерни, дейман, текинга беришармишми?

— Текинга,— деди декретни ўқиган киши.

— Каторгага кетарканмиз-да.

— Бу нима деганингиз, гражданин?— сўради ундан декретни ўқиган киши.

— Бу шундай деганимки,— деб жавоб қилди Вершинин,— бойлар каторгага ҳайдашади. Тортиб олармишимиз-а! Ўзи елкаларимиз қичиб турибди.

Оқ гвардиячилар, японлар, америкаликлар ва бошқалар ҳамма большевикларга қарши деб кўрсатишмоқчи бўлишди-ю, бир зумда ёпирилиб келишди, елкалар қичишди, лекин қўллар, қадимий қўшиқда куйланганидек, мушт бўлиб тугилишга улгурганича йўқ.

Ҳамма нарсанинг ҳам ўз вақт-соати бор-да.

Қайиқ енгил, ҳаракатсиз туман ичида, зангори қоялар орасидан сузиб борарди. Порт ҳам, шаҳар ҳам яқин. Вершинин шопшмай эшкак эшарди. Унинг хаёлига темирчи келди. Бу темирчи яқиндагина қизиқчи ва ашулчи шўх йигит эди, энди эса негадир индамас бўлиб қолибди, меҳмонхонасининг олдинги бурчагига бут осиб, лампада ёқиб қўйибди, ҳар оқшом чўқинармиш. Нега энди? Оқ гвардиячилардан қўрқаётганмикин?

— Қара, Никита,— деди Настасьюшка.— Хмаренко эмасми?

Отставкага чиққан матрос билан дурадгор Хмаренко Вершинин қўнадиган карвонсарой ёнида яшарди. Жуда ҳам оғир ҳаёт кечирар, кўпинча оч юрар, Вершинин балиқ берганда қувонар эди. Аслида бунақа билимдон одам оч қолмаслиги керак эди. Унинг Вершининга топиб берадиган китобларида оқилона гаплар кўп, бундоқ қараганда, отставкадаги матрос Хмаренко кўп нарсадан хабардор кўринар эди.

— Балиқ тутяпсанми?

— Қаёқда! Сенинг ҳузурингга келаётган эдим.

Хмаренко қайиғини Вершининнинг қайиғига томон бурди, тамаки сўраб олиб, ўради, лекин чекишга шопшилмади, ўчган гугурт донасини денгизга улоқтириб ташлаб, гап бошлади:

— Сен, Никита Егорич, шаҳарга бормасанг ҳам бўларди.

— Балиқ ҳидланиб қолади.

— Балиқ жонингдан ҳам азизми?

— Мен солдат эмасман-ку.

— Солдатми, солдат эмасми, ҳаммани тинтишяпти.

— Нимани қидиришяпти?

— Пеклевановни.

— Менинг ўзим ҳам уни излашим мумкин. Билимдон дейишади. Олим эмиш. Чет элларда ҳам бўлган, чор турмаларида ҳам ётган, ҳаётини деярли минг тўққиз юз бешинчидан бошлаган экан.

— Ўзи сен тенги, Никита Егорич.

— Гап ёшда эмас, кураш тажрибасида.

— Рост.

— Ўша Пеклевановни, айтишларича, Хмаренко, исён қилгани учун оқлар қалъа турмасига қамаб қўйиб, бронепоезд билан асраб турганмишлар.

— Ҳа, 14—69 бронепоезд билан! Ўша бронепоездда, оғайни, Незеласов деган командир бор, ёшлардан, жуда баттарин-да.

— Қаттиқ қўриқлашаётганакан-да бўлмаса?

— Қўриқлашувди.

— Ҳо!— деди Вершинин хотиржамгина.

— Қочди.

— Қалъадан-а? Бронепоезддан? Довюрақ одам. Қаёққа жўнатдинглар?

— Мен қаёқдан билай?

— Қўй, билиб турибман!

— Ҳали жўнатганимиз йўқ,— деди бир зум жимликдан кейин Хмаренко.

— Жўнатиш керак.

— Керак. Пеклевановни ҳаммага ишониб бўлмайди.

— Ҳаммагаймиш!

— Сенга, Никита Егорич, партия ишонса бўлади. Тайгага яширасанми?— Вершинин жилмайиб қўйди:

— Худо хайрингни берсин, Хмаренко! Мен сизларнинг урушларингга қўшила олармидим? Бизлар — деҳқонмиз, осойишталик керак бизга. Биз омон, ер, денгизу қайиқни биламиз, холос. Ўз даламдан бошқа нарса ни кўзим кўрмайди. Бизлар уруша олармидик?

Настасъюшка гапга аралашди:

— Бизлар хрестянмиз, деҳқонмиз, осойишталик керак, Хмаренко жаноблари. Уруш бизнинг ишимиз эмас.

Вершинин гапини давом эттирди:

— Билимсиз, саводсиз одамлармиз, оиламиз ҳам катта. Қарияларни ҳисобламаганда, хотиним, жиянларим, ўзимнинг ҳам икки болам бор — Митька билан Сашка.

— Биладан, яхши болалар! Ҳаммаси ҳам қўлтигингиздан кирган...

— Болалар-ку чакки эмас-а, эпчил, шўх. Йўқ, мен урушга аралашолмайман...

У эшқак эша бошлади. Хмаренконинг қайиғи унинг кетидан қолмади.

— Мужикларингиз ғалаён қилибди деб эшитдим? — деди Хмаренко.

— Ғалаён? Ҳеч қанақа ғалаён бўлгани йўқ! Икки соқчини, мастлик қилгани учун дўшпослашди.

— Утган куни оқлар менинг укамни отиб ташлашди, Никита Егорич.

— Павлушани-я?

— Павлушани.

— Ун еттига ҳам кирмаган эди-ку? Яхши бола эди. Худо раҳмат қилсин!

— Никита Егорич!..

— Эплай олмайман, Хмаренко. Гапга тушун, худо ҳаққи, эплай олмайман! Ҳарбийларни нега яширай? Мен урушмаяпман-ку. Менга хотиржамлик керак! — бир оз жим туриб, эшқакни кўтариб шавқ билан деди: — Бирор дарвиш ўтаётган бўлса бу бошқа гап... Ҳув анави ерда, қоялар орасида яшириб қўйилган одамдан кўра бундайларни қайиқда бемалол олиб юрса бўлади... Бундайларга раҳмим келади, ҳимоя ҳам қиламан, миллион сўм ваъда қилсалар ҳам сотқинлик қилмайман, тушунарлими?

— Тушунарли!

Хмаренко паст товушда «Мен узоқ вақт юрдим қишанда...» деб бошланадиган бир қўшиқни хиргойи қилиб, туман ичида қоялардан нари сузиб кетди.

Вершинин унинг орқасидан ўйчан тикила туриб деди:

— Юрагим гап, Настасья.

— Пеклевановини биз нега яширарканмиз?

— Пеклевановдан эмас, бошқадан... Настасья, сен билан биз шошилдик, кўринмас бало эса ҳаммадан кўпроқ шошиляпти. Бу, Хмаренко фақат Пеклеванов учун-



248813



ADIB SOBIR TERMIZZY HIDEMLIDAGI
SURXONDARYO VILOYATI AXBOROT-
KUTUBXONA MARKAZI
Kel. № 3450
248813 2006 yil.

Гурхандарьинская
ОБЛАСТНАЯ БИБЛИОТЕКА
г. Термеза

гина сузиб юргани йўқ. Эшитяпсанми, қоядан нарида Кольшанинг овози эшитиляпти? Кольша биздан ўзиб кетганга ўхшайди.

— Кольша балиқчи бу ерда нима қилсин?

— Ўзиб кетибди,— деди хафа бўлиб Вершинин.

Туман орасидан балиқчи Кольшанинг товуши аниқ эшитилди:

— Никита Егорич? Настасьюшка? Шу ердамисизлар?

— Вой, яхшиликка эмас бу!— деб қичқирди Настасьюшка, қайиқда ўрнидан туриб.— Шу ердამиз!

Балиқчилар ўтиришган қайиқ сузиб келди.

— Никита Егорич, сени излаб юрибмиз,— деди секингина Кольша.

— Кулфат, Никита Егорич,— деди ундан ҳам секинроқ Сумкин.

— Нима кулфат, мужиклар?— йигламсираб сўради Настасьюшка.

— Қанақа кулфат?— ҳаяжон билан сўради Вершинин.

— Офат, Никита Егорич,— жавоб қайтарди Сумкин.— Волость юборди бизларни сенга.

— Волость юборган бўлса, яхшиликка эмас экан-да.

— Қишлоғимизни жазо отряди ўраб оляпти, дўкандоримиз Обаб чолнинг ўғли прапоршик. Пулемётлар ўрнатишди. Сен кетишинг билан улар бизга пулемётдан ўқ ёғдиришди. Каттани ҳам, кичикни ҳам аямай!

— Кичикни ҳам дейсизларми?

— Кичикни ҳам, Настасья Митреевна.

— Кичикларни ҳам? Эҳ худо, бу нимаси?! Қимларнинг жанозасини ўқидинглар? Қимларнинг?— сўради Вершинин.

— Биз кетаётганда дадангиз — Егор Иванич болаларга жаноза ўқитаётганди. Митяга ҳам, Сашенькага ҳам.

— Митяга ҳам, Сашенькага ҳам дейсанми? Иккаласига ҳам-а?

— Иккаласига ҳам.

— Онажоним!— дод солди Настасьюшка.— Митенькага жаноза!.. Сашенькага жаноза!.. Болажонларим!..

Шаҳарга йўл олган балиқчилар қўрага шошилишди. Улар ростдан ҳам Вершининдан ўзган, лекин ўзлари ҳам бунга ишонмай, Хмаренконинг олдига боришган эди. Отставкадаги матрос уларни кўргач, хурсанд ҳам бўлди, хафа ҳам. Вершининнинг кулфати уни хафа қилди, Пеклевановни яшириб қўядиган бежавотир жой тайгадан топилганидан қувонди. Хмаренко ўз дўсти, матрос Семёновни денгизга, Знобовнинг олдига, Зангори қоялар сари тезда жўнатди.

Хмаренко яширин иш олиб бораётган ревком аъзоси эди ва Пеклевановнинг қочишига кўмаклашган Знобов Зангори қоя ковакларида уни вақтинча яшириш ташвишидалигини билар эди. Семёнов Вершининнинг ватани бўлган қишлоқда ғалаён бўлганини ҳам билар, лекин воқеалардан тўла хабардор эмасди, Никита Егоричнинг болалари ўлдирилганини эшитмаган эди. Мужиклар оқлар билан тўқнашганларидан кейин тайгага кетганларини эшитган эди. Тўқнашиш эса ҳамма вақт ҳам қонли бўлавермайди. Матрос Семёнов шунинг учун ҳам қувноқ, Пеклевановнинг ҳам димоғи чоғ эди.

— Вершинин келгунча соқолингизни олиб қўйсамикин дейман, Илья Герасимич? Турмада орттирганимизни қириб ташлаймизми-а?

— Майли.

— Чўққи соқол қилиб қолдирсаммикин, Илья Герасимич?

Пеклеванов жилмайиб жавоб қайтарди:

— Чўққи соқол бўла қолсин. Вершинин ревкомнинг раиси жуда ёш экан деб ўйламасин.

— Вершининнинг ўзи ҳам кекса эмас.

— Биладан, биладан. Вершининларингиз таниш менга!

— Таъкидлайманки, Вершининнинг боши барча мужиклар орасида энг яхши бош саналади, ҳа.

Знобов пақирга сув олди. Пеклеванов денгизга энгашиб, ҳузур қилиб ювина бошлади. Знобов бу вақт атрофга кўз югуртди, қайиқда сочиқ йўқ эди, у Семёновга имо қилди, Семёнов дарҳол ўзининг оқ кителени ечди. Пеклевановнинг артинаётган нарсага парво қилмагани ҳам Семёновга маъқул тушди. «Ажойиб донишманд экан-да!» деб ўйлади у хурсанд бўлиб.

Пеклеванов сўради:

— «Граф Монте-Кристо»ни ўқиганмисиз, Знобов?

— Уқиганман, Илья Герасимич.

— Эсингиздами, матрос, оти Дантесмиди, Иф қўрғонидаги турмадан қочиб чиққанида худди менга ўхшаб роса бароқ соқол эди.

— Унинг аҳволи яхши бўлган, турмада кўп ётганидан шаҳарда уни ҳеч ким танимаган, сиз бўлсангиз бир ойгина ётдингиз, сизни таниб қолишади.

— Барибир шаҳарга боришим керак. Эҳ, шаҳар яхши! Бизнинг учрашувимиз Вершинин учун хатарли эмасмикин?

— Балиқчи учун денгиз — энг хатарсиз жой, Илья Герасимич, — деб жавоб қилди Знобов.

— Ревком аъзолари Вершининнинг ишончлироқ кандидатура эканига ишончлари комилми? Менинг ўзим уни кўрмаганман. Армияда хизмат қилганми? Анчами? Ким бўлиб хизмат қилган?..

Туман ичида аёл кишининг чуввос солгани қулоққа чалинди.

Знобовнинг қайиғи Вершининнинг қайиғи билан ёнма-ён сузиб борарди. Балиқчилар сал нарида эдилар. Вершинин букчайиб, қўлларини хотинининг бошига қўйиб ўтирарди. Пеклеванов мачтага суяниб Вершининга жимгина қараб турарди. Қоронғи туша бошлаган. Кўкимтир туман қайиқни яшириб секин сузарди.

Ниҳоят, Пеклеванов:

— Сизнинг олдингизга сузиб келгунча, Никита Егорич, биз ревкомдаги ўртоқлар билан ўз кучларимизни чамалаб чиқдик. Енга оламиз. Шаҳар ҳали исён қилиши керак. Энди енгамиз! Агар, албатта, сизлар ёрдам берсангизлар, — деди.

— «Сизлар» деганингиз кимлар? — сўради Вершинин ҳасрат билан.

— Мужиклар.

Знобов тушунтиришга уринди:

— Ҳамма бирлашса — бўлади! Биз — шаҳарда, сиз — тайгада. Масалан, Никита Егорич, сенинг ёнинг-

га Илья Герасимич тунашга жой сўраб келса йўқ де-
майсан-ку...

Вершинин алам билан ёниб, оғир хўрсиниб деди:

— Қўноққа келадиганлар бўларди, энди тамом!
Рўзгор ҳам бор эди, уй ҳам, ҳурмат-иззат ҳам, қишлоқ
ҳам бор эди. Энди йўқ. Кеча жазо отряди қишлоғимиз-
нинг алангасини осмонга чиқарибди! Деҳқонларнинг
ғалласини ёндиришибди. Фақат ғалланигина эмас.
Ғалла билан бирга менинг болаларимни ҳам ёқи-
шибди. Осмонга тутун бўлиб чиқиб кетишибди бола-
пақирлар!..

— Ҳасратингиз кўп, Никита Егорич,— дея уни
юпата бошлади Пеклеванов секингина ва тўхтаб-тўхтаб
гапириб.— Билиб турибман, билиб турибман!..

Қайиқлар секин сузарди.

Пеклеванов Вершининга:

— Тинчлик, меҳнат ва социализмнинг буюк ҳалова-
ти катта курашлар оша етиб келади. Илм, интервент-
ларни, помешчиклар ва буржуазияни қандай қилиб
енгиш-илми қийин илм. Жуда кўп нарсани билиш ке-
рак. Айтайлик, Никита Егорич, мана, мисол учун сизни
олайлик, бутун уездда обрўйингиз катта, лекин ажаб-
мас, кўпайтириш жадвалини ҳам билмасангиз керак?—

— Билмайман, оғайни,— деди Вершинин бошини
кўтармай.— Билмайман, топдинг.

— Кўпайтириш жадвалини эса болалар ҳам били-
ши керак.

— Кўпайтириш жадвалини... болалар?! Менинг бо-
лаларим... О-о-о!— Вершинин хотинининг елкасини ту-
тиб ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

Туман. Денгиз. Қайиқлар. Пеклеванов:

— Партизанлар тарқоқ ҳаракат қилишяпти, Ники-
та Егорич. Большевик бўламиз — партизанларни ар-
мияга қўшамиз! Интизомли, матонатли армияга!—
деди.

Қирғоқ яқин шекилли. Уша ёқдан най товуши кел-
ди. Пеклеванов Знобовга савол назари билан қаради.
Знобов:

— У ерда, соҳилда қашшоқ студент най чалади.
Бизларга хайрихоҳ у, Илья Герасимич. Бу ерларда ҳам-

ма ёқда бизга хайрихоҳ кишилар қўйилган. Қочоқлардан ҳам бор ҳатто,— деди.

— Ҳа, қочоқлар,— деди Пеклеванов,— Никита Егорич, қочоқлар келганда уларни ранжитманглар.

— Нега?

— Қочоқлар — бизнинг энг яхши ёрдамчиларимиз,— деди кулиб Пеклеванов.— Улар ваҳима тарқатишади. Жуда ҳам яхши тарқатишади.

У скамейкада оёқларини чалиштириб, қайиқ остига қараб ўтирарди. Вершинин унга жуда ёқиб қолди, у билан узоқ-узоқ гаплашгиси келарди... Пеклеванов бир хўрсиниб олиб, бошини кўтарди:

— Қисқа гаплашдик. Никита Егорич, нима ҳам дейсан киши. Бошқа сафар узоқроқ суҳбатлашармиз деб ўйлайман.

Вершинин унга ҳаяжон-ла жавоб қайтарди:

— Раҳмат сенга, Илья Герасимич, соддадил одам экансан. Сен билан гаплашиб, юрагимни бўшатдим. Елкаларим қичишяпти, уҳ, жуда ҳам қичишяпти! Момақалди роққа.

иккинчи боб

„евганейлар“

— Сашенька, Обаба сени қидириб юрибди. Ҳозиргина у қишлоқдан, жазо экспедициясидан келибди. Сени излаб бизларнинг олдимиздан қалъа коменданнти ҳузурига кетган эди. Топдимми?

— Ҳа...

— Гаплашдимми?

— Гаплашди, шекилли. Зиёфатда...

«Шошманг, унда, мен комендантникида зиёфатда Обабага ҳеч нарса деганим йўқ-ку,— деб ўйлади Незеласов, онасига уйқусираб тикилиб.— Зиёфатга борганмиди у ўзи? Эсимда йўқ. Албатта, биз тоқатли бўлиб қолдик, масалан, ватан ҳимоясига халқ орасидан одамлар сафарбар этяпмиз, лекин ҳар қолда, тайга қишлоқларидан бирида дўкондор бўлган Обаба деганининг ўғли қовқош бир аҳмоқ...

Йўқ, мен у билан гаплашганим йўқ, яхши эсимда. Энди уни шу аҳмоқона уйда қабул қиламанми? Бу квартирани шунақаям ёмон кўраманки, шунақаям ёмон кўраман! Арзон баҳо, пасткашлик! Онам эса мамнун, Семён Семёнич ҳам, Серёжа ҳам, ҳатто диди жуда ҳам яхши, нозик бўлишига қарамай, Варя ҳам мамнун... — ўйларди Незеласов, деншиги ечиб қўйган бўхчаларга жирканиб қараб. — Ҳа, квартира, квартира бу! Ҳа-ҳа! Квартира эмас, катак!»

Илгари бу ерда, шаҳар марказида, катта гул магазини бор эди, энди эса шу ерда машҳур капитан Незеласов яшайпти, қаранг, иттифоқчиларнинг қўмондонлигига қадар ҳамма юксак фикрда бўлган, лекин бу билан унвони ҳамон ошмай турган бир киши шунақа жойда яшайпти-я. Ҳасад, ҳасад, рақиблик, Бонапартнинг ҳадиги!

Деворлардаги кенг тоқчалар бўм-бўш, бурчакда таги тешик гул туваклари устма-уст тахланган. Витринанинг ойнасидан кўча, кўчадан порт иншоотлари, темир йўл бинолари, нарироқда эса тўлқин тўсар ва денгиз кўзга ташланади. Кўчада бир тўда одам кетяпти, аҳён-аҳёнда биров тўхталиб, витринага ҳорғин нигоҳ ташлайди, хуноб ҳолда кўйлагининг ёқасини тузатади-да, йўлига равона бўлади.

Незеласовнинг деншиги билан бронепоездлик икки артиллериячи юк тойларини бу ерга ташимоқда эди. Незеласовнинг онаси Надежда Львовна ҳар бир той юкни ғамхўрлик билан жиддий кузатар, уларни тезроқ очишни буюрарди.

Унга Незеласовнинг узоқ қариндоши, сахий, лекин жуда ҳам нодон барин Семён Семёнич ёрдамлашарди. Унинг нодонлиги соқолидан ҳам ўтади. Бай-бай, соқолни қаранг! Кейинчалик, тайгада Незеласов гул магазини биносини, Варяни, хонанинг ҳар бир бурчагида ётган беҳисоб тувакларни хотирлаганида ҳар бир тувакда Семён Семёничнинг соқоли кўзига кўринди. Қуюқ соқол тувакларга сиғмай, чиқиб тургандек хаёлида гавдаланаверди...

Незеласов, албатта, онасини яхши кўради, лекин нега бу аёл бунақа бемаъни вайсайди, Семён Семёнич эса қалин, малла соқолини серкиллашиб бош чайқайди?

— Сашенька, одамлар кўпайгани-кўпайган,— деди Надежда Львовна хўрсиниб,— ҳаммаси қочоқлар, қочоқлар-а ҳаммаси...

— Ҳаммаси қочоқлар, қочоқлар,— гапга қўшилди Семён Семёнич.

— Жиминглар, солдатлар, марҳамат қилиб,— Надежда Львовнанинг овози эшитилди яна.— Яхши гулдон экан! Гулдон бору, ҳатто гул магазинида ҳам гул йўқ.— У тойларни санади.— Ун саккиз... йигирма бир! Бўпти, энди, ҳаммаси шу шекилли. Семён Семёнич, Сашеньканинг китобларига токча буюрдингларми?

— Ҳа, буюрилган.

— Энди Варенькага ширма бўлса бас, бошқа нарса керакмас.

Семён Семёнович бўлса гўё биров унинг ҳақида ўйлаб, уни ақллилар сафига қўшаётганидан хафа бўлаётгандек, ҳовлиқиб ўзининг навбатдаги аҳмоқчилигини ўртага ташлади:

— Александр Петрович! Бугун шаҳарнинг каттақони Трофим Ефимович Преображенскийни кутиб олдим, эсингиздами у? Жасур одам-да! Ўзининг уч отли арава-сида Самарадан Омскка, у ердан то Красноярсккача қочиб келган. Минг чақирим-а! Фақат Красноярскдагина поездга ўтирган, шунда ҳам отларининг ҳаммаси ўлгани учун поездга ноилж чиққан. Илгаригидай одамшаванда, мени сигара билан сийлади.

— Сигара билан? Янгилик билан сийламادими, Семён Семёнич? Пеклеванов турмадан қочиб, яширинибди-ку.

— Ким у Пеклеванов?

Э худо! Капитан оғир луғат томини олиб, кеча ўзи учратган сўзни излади. Кўп маъноли сўз. Гвинеяга ҳам ўхшайди, афтидан, ўша ёққа қочиш ҳамманинг ҳам пешанасида бор, евангелияга ҳам ўхшайди, умуман, ҳаётга, тўлиб-тошган маънисизликка ўхшайди!

У хафа ва киноя билан овоз чиқариб ўқиди:

— «Евганейлар. Аппенин ярим оролининг шимоли-шарқий қисмида қадим замонларда яшаган ва у ердан венетлар томонидан сиқиб чиқарилган қабила». Мана энди евганейлар ҳам йўқ, венетлар ҳам: уларини ҳам, буларини ҳам суриб чиқарганлар! Уларни ҳам, булар-

ни ҳам унутганлар. Биз билан сизларни ҳам, Семён Семёнович, ўшаларга ўхшатиб суриб чиқаришди. Унутиб ҳам юборишади, ҳатто луғатга ҳам номинг кирмай қолади, ҳа!

Семён Семёнич қулоқ солиб турарди: у китобни ҳурмат қилади. Надежда Львовна ҳамон бидирларди:

— Мана, энди вақтида овқатланиш мумкин, демак, энди навбат жангга-жанг қилишларинг керак. Океанга-ча қочиб келдинглар-а, Тинч океанга-я! Бошқа қочадиган жой қолмади. Энди иста, истама жанг қиласан. Бошқа илож қолиптими? Кўчага қарасам: тикилинч, ҳамма деразаларда бўхча-ю, чамадон. Тикилинч! Қарасам, бахтимиз бор экан, гул магазинига жойлашиб олибмиз. Бошқалар жудаям ёмон жойларда туришади.

— Ҳа,— деб маъқуллади Семён Семёнович.— Менга бир жойга хизмат ваъда қилишди. Мақташди: овозингиз янгроқ экан, дейишди. Овозим, балки янгроқдир, лекин керакми — опера ҳам эмас, эҳром ҳам эмас, интендантлар бошқармаси экан!

«Евганейлар» сафсатасини Обаб бўлди. Прапорщик кирди, ҳаяжонидан қўлидаги фуражкани титрарди:

— Мен бугун сизни кун бўйи қидирдим, капитан жаноблари. Бронепоездга уч марта бориб келдим. Шарқий фронт штаби бошлиғи генерал Спасскийнинг буйруғига бионан, бугундан бошлаб партизанларга қарши курашиш учун сизнинг ихтиёрингизга топширилдим.

— Сиз, ахир уларни ҳозиргина босиб қўйган эдингиз-ку?

— Ёқдим, ўлдирдим, лекин ҳаммасини эмас.

— Тайгага, ўрмонга, тоғларгами?— деб сўради Надежда Львовна бисотларидан диққатини узиб.

Обаб Незеласовнинг юзига тикилиб туриб жавоб қилди:

— Шундай, тайгага буйруқ берилган.

Незеласов ҳайрон бўлиб, ҳатто чинқириб юборди:

— Буйруқ берилган? Ким буйруқ берибди? Сизга, Обаб, турмадан Пеклевановнинг қочгани маълумми?

— Қочган бўлса, тутишади.

— Ким?

— Бизникилар. Бизникилар тутишмаса, японлар тутади. Японлар тутмаса, америкаликлар тутади. Биров тутади-да, ишқилиб.

— Агар тутишмаса-чи? Агар Пеклеванов яна ғалаён кўтарса-чи? Такрорлайман: ишчиларнинг барча ғалаёнларини ким бостирди? Мен! Менинг бронепоездим! Тўғриси айтганда, мен гарнизонга қўмондонлик қилсам ҳам бўларди, энди — камида полковник мартабасида. Мен эса ҳали ҳам капитанман.

Обаб лабини кўп маъноли тарзда тишларкан, тўсатдан Незеласовга шаҳар яқинидаги артиллерия складларига жўнашни таклиф қилди.

Ҳа, ҳа, ҳамма гап складларда эди!

Артиллерия складлари ҳам туман ичида. Обаб кенг эшикларни ғижирлатиб очди. Узун склад замбаракларга лиқ тўла. Обаб Незеласовга кўзини қисиб деди:

— Замбараклар, Александр Петрович, биринчи навли. Американики. Снарядлар, қарашга рухсат этинг, камроқ экан. Бир комплектдан.

— Снарядлар бошқа складда. Америкаликлар жуда ҳам кўп снаряд туширган, яхши хабарим бор.

— Туширганлари рост. Лекин генерал Сахаров уларни қайта юклатди.

— Пароходларгами?

— Ўзининг темир йўл составига, Александр Петрович. Генерал Сахаровнинг ўзи партизанларга қарши. «Бирлашишларига қўймай, уларнинг ҳаммасини ер юзидан супуриб ташлаш керак!» Бунақа составлардан унда бештами, саккизтами бор. Балки ўн иккитадир.

Незеласов қалтироқ овоз билан сўради:

— Генерал Сахаровга бунча снаряд нега керак? Ўн икки состав-а!

— Ростини айтсам, ҳаммаси ўн бештача келади.

— Шуни сўраяпман-да мен сиздан.

— Кейин, Александр Петрович, яна бир нарса қўрқинчли. Қарбийлар ҳозир ишончли одамлар эмас. Партизанларни тор-мор қиласан, шуҳрат қозониб, дўстларинг олдига қайтасан, ана шу дўстларинг сени снарядлар билан қарши олишади.— Обаб секингина илова қилди:— Шарқий фронт штабининг бошлиғи генерал Спасский айтадики, агар сиз генерал Сахаров изидан борсангиз, осонгина полковник бўларкансиз, Александр Петрович. Полковниклик мартабаси сизга жуда ҳам

муносиб! Сахаровнинг қилаётган иши аблаҳликка ўхшайди: ҳамма снарядларни тайгага олиб кетади, бизнинг бронепоездимиз эса снарядсиз қолади. Борди-ю, Пеклеванов яна бош кўтарса-чи?

Албатта ҳамма ишни складлар ҳал қилар эди! Уйларда эса чиройли имо-ишораларсиз иш битмасди! Нима ҳам қилишсин? Евганейлар-да!

Варенька — қаллиқ, демак, унга мардликни намоиш қилиш керак, шунга эришиш керакки, Варя тайгага бронепоездни қапитан Незеласов менинг раъйим билан олиб кетди, деб ўйласин. Варя Спасскийларниқига тез-тез бориб туради. Генералнинг хотини мушукларни эрмак қилиб юрадиган бир тентак аёл бўлса ҳамки, ахмоқ хотин-да, генерал Спасский, Вяча тоға эса китоб тикиб юради, муқова қилишга қизиқади... Умуман, билиб қўйишсин, Незеласов тайгага кетишга қарор қилди! Варя Незеласовнинг дағаллиги тўғрисида гапиргудек бўлса, бу ҳам ҳатто фойдали. Эсда бўлса, Бонапартнинг ҳам тили аччиқ бўлган, агар борди-ю, шундай бўлмаса, уни, Бонапартни ҳам жин урсин! Лекин биз аччиқ сўз бўламиз!

Зиёфат подрядчик Думковнинг гапи билан бошланди. Бу малла, ёқимтой жаноб Варяга хушодад қилиб юрибди, умиди бор. Гап, умуман, Варяда ҳам эмас, муҳаббатда ҳам эмас, полковник унвонида, шухратда! Шухрат қозонсақ бунақа Варялардан юзтаси топилади!

Шундай қилиб, оқшомги чой маҳалида меҳмонлар ва подрядчик Думков ҳам оқ армияни Азиз Бут дружинасигина сақлаб қола олади, дейишди.

Незеласов кулиб, подрядчикнинг гапини бўлди:

«Салбчилар-эй! Шу аҳмоқона Азиз Бут дружинасини ўйлаб чиқариш учун Тинч океанга қараб беш минг чақирим қочганмидинглар!»

«Сен-чи, қочмадингми? — сўради Варя дарғазаб бўлиб. — Нима, сен осмондан тушдингми?»

«Варя!» — уни тинчлантиришга уринди Надежда Львовна.

«Йўқ, Надежда Львовна, мен ҳаммасини гапирман!»

«Тўғри!» дейишди бир оғиздан юнкер Серёжа, подрядчик ва ҳатто аҳмоқ Семён Семёнич.

«Биламан, айтмоқчи бўлганларингизнинг ҳаммасини биламан. Қўрқоқ, фронт орқасида ётган маҳмадана, фитначи...»

Незеласов Обаба ўтирилди ва муштларини титратиб, йиғлагансимон овозда бақирди:

— «Прапоршчик! 14-69 бронепоезд тайгага!»

«Евганейлар, даф бўлинг!»

Мана энди у тайгада.

— Генерал Спасскийнинг буйруғи.

— Нима хусусда?

— Сахаровнинг составлари снарядлари билан ҳаммаси Мукленка станциясида экан.

— Хўш?

Эҳ, худойим! Армия қўмондони генерал Сахаров артиллерия снарядларининг ҳаммасини, ҳаммасини-я, ўзи билан бирга тайгага олиб кетганини эшитганида қанақа алам қилганди унга. Шу нарса ҳаммасидан ҳам даҳшатлироқ эди, бу жуда ҳам кўнгилсиз изтиробнинг ёқимли жиҳати ҳам бор эди: генерал Сахаровни муттаҳам ҳисоблашаётганди, агар капитан Незеласов қўмондоннинг «адабини» берса, бошқариш тизгинини ва снарядларни ўз қўлига олса, шуҳратга тезлик билан йўл очиларди!

— ...сонли...

Рақам, рақам! Генерал Спасскийнинг буйруқлари умуман рақам билан тўла.

«14-69 бронепоезд иложи борича тезроқ, 2 сентябрдан ҳеч ҳам кечикмай Мукленка станциясига етиб борсин ва шу станция номидаги дарё яқинида позицияни эгалласин: 85-разъезд олдида, 37-кўприкни бекитсин. Шарқий фронт штабининг бошлиғи генерал-майор Спасский».

Бронепоезд эшикларида, дераза ромларида рақам, револьверларнинг қайиш ва қинларида ҳам рақам. Ҳатто капитан Незеласов устма-уст чекаётган, кули бронзадан ишланган хитой бутига тушаётган америка сигараларида ҳам рақам.

— Ер ютсин бу рақамларни! — деди жаҳли чиқиб Незеласов. — Булар, Обаба, афтидан, бизнинг шу кунларимизга боқдир-да, ҳамма нарса тўғридек тасаввур ҳосил қилиш учун керакдир. Бронепоездда — рақам... Буйруқда — рақам... Йўналишда — рақам... Аслида

эса ҳеч нарса йўқ. Нуль! Нуль ишларимиз! Асли Пек-
левановни қўлга тушириш учун шаҳарда бўлишимиз
керак эди, биз эса фалон рақамли йўналишга, генерал
Сахаров томонга келдик, бу ерларда эса унинг қораси
кўринмайди, қаердалиги ҳам номаълум! «Иложи бори-
ча тезроқ» эмиш! Ҳа-ҳа-ҳа! Албатта, мен уларни ғажиб
ташлайдиган бўлсам, бу— яхши усул, мендан фойда-
ланмоқчи бўлишаётган бўлсалар...

— Фойда кўришмаса бизларни тайгага жўнати-
шармиди, капитан жаноблари?— деди Обаб.— Фойда
бўлмаса, мушук ҳам офтобга чиқмайди, ҳа-ҳа!

— Албатта, тушунарли: ярадан чиқаётган йиринг
сингари... четга чиқяпмиз. Биз — тайганинг четига, қо-
чоқлар билан ҳукумат эса ҳаёт четига!

Обаб капитаннинг буришган юзларига кўз қирини
ташлади. Маънодорроқ қилиб:

— Даволансангиз бўларкан. Керак. Ҳа!— деб
қўйди.

Прапоршчик Обаб Қолчак армиясида кўнгилли бў-
либ хизмат қилганлардан эди. Барча офицерлар тўғри-
сида гапириб: «Ҳаммаси касал» дерди. У капитан Не-
зеласовни ҳурмат қилар эди: «техник», Петербургда
бронетанк қисмларида хизмат қилган, шу қисмларни
ҳатто Октябрь кунларида кўчаларга, большевикларга
қарши олиб ҳам чиқмоқчи бўлган эди. Тўғри, удалай
олмади, у пайтларда ҳеч ким ҳам удалай олмаган эди,
бир капитанни айблаб бўлармиди! Мана ҳозир фурсат-
ни бой бермаслик керак, фурсат, ҳар қалай, октябрда-
гидан кўра яхшироқ. Ҳозир истаганингча ер ҳам
ола оласан, пул ҳам, ҳурмат ҳам... Айтайлик, атаман
Семёнов ўзиникиларни тузуккина мукофотлаяпти!
Капитан Незеласов, албатта, чарчади, тинкаси қу-
риди...

— Даволанмасангиз ҳолингиз оғир. Фельдшерни
чақирайми?

Незеласов сигаретани тез-тез сўрди:

— Парчинлаб қўйилгансиз, Обаб!..— Сигарасининг
кулини тезда силкитиб чинқирди у:— Ахир ғусса,
Обаб, ғусса! Ватан бизларни қўйнидан... улоқтирди!
Ҳаммамиз керак, жуда ҳам керакмиз деб ўйлардик,
бирдан, даф бўлинг... Даф бўлинггина ҳам эмас, орқа-
мизга... орқамизга... орқамизга тепишди!!

— Тайга орқага тепишми? Қўйинг, Александр Петрович! Фахрли топшириқ: Вершининни қўлга олиш.

— Фахрли?! Мол сўяётганингизда сиз олдин танадан бошни жудо қиласизми ёки думними?

— Бошни,— деди Обаб бир оз ўйлаб туриб.— Кейин оёқларни. Мен студен¹ни яхши кўраман.

— Пеклеванов — бош, Вершинин эса дум.

— Унчаликмас! Вершинин — тана. Пеклеванов ҳам бошми, йўқми эканлиги бу аниқланадиган масала. Мен, Александр Петрович, ишчиларга умуман ишонмайман, айниқса, бизнинг Приморье ишчиларига. Арақхўр, муттаҳамлар! Менингча, мужиклар асосий куч. Лекин Александр Петрович, улар эркалантириб юборилди, аблаҳлар! Уларни аввало бир дўшпослаш керак. Атаман Семёновни олайлик. У миясини ишлатмайди, эсерлик қилмайди, беаёв савалайди!

— Атаман Семёновнинг ўз фазилатлари бордир бўлмаса... Қатъийлиги, масалан.

— Тўғри! У бирпасда...

Яна рақам! Худди ҳуркак подани асраш учун қурилган қўтоннинг чор атрофга қоқилган ёғоч деворидек-а. Сўқир ҳўкиз бўлган бу Обабга пода ичида турткилашиб юриш яхши, лекин шахсиятинг ва фаҳм-фаросатинг билан сен нима қилиб юрибсан? Мана у — капитан Незеласовнинг ёрдамчиси прапоршчик Обаб, худди баҳайбат 8 рақамга ўхшаб, кенг елкасида сочи қисқа қилиб олдирилган боши билан тўшакка ўзини ташлабди. Қаёқдан келди ўзи? Нега? Биринчи марта уни қаерда кўрган эди? Генерал Спасскийнинг мулозимлари орасидамиди? Шунақа эди шекилли.

— Рост-да!

«Ростмикин? — ўйлади Незеласов. — Биринчидан, снарядлар ташилгани ростмикан, иккинчидан, Пеклевановнинг тайгага қочгани ростмикан ва ниҳоят, Вершинин билан партизанлар шунчали кучлимикан?»

Ҳеч нарсага тушуниб бўлмайди, ҳамма нарса аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Генерал Сахаров 14-69 бронепоездни кутиш ўрнига ўз қисмларини тайганинг чеккасига, Мукленка яқинидаги далаларга, айтгандек,

¹ Студень — гўшт ёки балиқ гўштини роса қайнатиб тайёрланадиган овқат. (Таржимон.)

генералга ҳукумат томонидан яқинда инъом қилинган ерларга олиб кетди. Бу тушунарли — озмунча эмас, уч минг десятина аъло даражадаги ер, лекин нима учун бу аблаҳ ва тентак кечирим-печирим сўраб Незеласовга бирор хатча қолдирмади?

Капитан йўталди, тупугини сачратиб, тутун пуркаб бақирди:

— Аҳмоқ, ярамас бандалар! Бўгилиб кетяпман сизлар билан.

Незеласов деразани кўтарди. Обаба уйқуга кетган эди.

Тошкўмир ва қизиган тупроқ ҳиди анқимоқда. Гавжум станция чувалчанг солинган банкага ўхшаб терлаган. Девоглар ва эшик олдидаги кичик қўнғироқ намда ялтирарди.

Янги пўлат перо сингари силлиққина ўқитувчи келар, елкасида ифлос латта ҳилпирарди. Хонимлар таранмаган, бирининг бир юзи қизариб-буришган; ёстиги қаттиқ бўлса керак, балки ёстиқнинг ўзи йўқдир ҳам — бошини қопга қўйиб ётгандир. Ҳамма ёқ чанг, лой, ҳар нарсада қочқинлик тамғаси!

— Яна телеграмма, капитан жаноблари, — деди артиллериячи кира туриб.

— А, нима?! — қичқирди уйғонган Обаба. — Генерал Сахаров? Қаерда?

Незеласов юмшоқ кул ранг телеграмма қоғозига истар-истамас кўз югуртирди. Ҳамма нарсадагидек, телеграммада ҳам — рақамлар. Одатдагича Обабнинг кўзлари хиралашди. У бирор нарсадан қўрқяптими? Агар Обаба қўрқаётган бўлса, ишимиз чатоқ.

— Шаҳардан телеграмма, — деди Незеласов. — Шарқий фронт қўмондони генерал Спасский телеграф орқали буйруқ бериб, генерал Сахаровни топишни буюрибди. Бу иблис қаердайкин? Нега яшириняпти у? Нима, ё тўнтариш тайёрлаяптими? Большевиклар томонига ўтиб кетдими ё? Қаёқда ўзи? Э, худо!

— Бу тўғри.

— Нима?

— Худога сиғинаётганингиз, — деди Обаба. — Худога сиғиниш керак, улар эса бизга худди худога кўз тиккандек тикилиб туришибди.

— У мани ўлдирай-ўлдирай... сал қолди. Уйим бунда эди. Ман окоп қаздирди. Ман келдим, уй йўқ, болалар йўқ, хотин йўқ.

— Ғалаён қилишда айблашдими?— сўради бақувват новча слесарь Лиханцев.

— Ҳа-ҳа. Ғалаён айблашди. Ман хафа. Жаҳл чиққан.

Кекса темирйўлчи Филонов қўлидаги тугунга имо қилиб хитойга деди:

— Жаҳлинг чиққани билан нима ҳам қиласан? Мен ҳам икки ҳафтадан бери овораман: передача олишмайпти... ўғлимга. У ҳам ғалаёнда иштироги учун қамоққа олинган...

— Маники саникини тушунди!— қичқирди хитой.

— Унга бирор иш топиб бериш керак эди,— деди Лиханцев.

— Портга юк ташувчи қилиб юбора қолайик!

— Йўқ, слесарь бўла қолсин, партизанликка жўнаши осонроқ бўлади,— деди машинист Никифоровнинг ёрдамчиси Шурка паст овозда.

Лекин Лиханцев хитойни портга олиб борди, портда ҳам унинг партизанликка кетгани маъқул дейишди. Шунда Син Бин-у Мукленка станциясига отланди. Ишчилар узел станция бўлган Мукленкага партизанлар ҳужум қилишлари керак, ўша ерда Син Бин-у улар билан учрашади, деган эдилар.

учинчи боб

кудрин кўли яқинида

Кекса, серажин, ташвиш кўплигидан озиб кетган шаҳар врач Сотин шошилиб бемор ҳузурига кетаётган эди. Ҳарбий ҳолат жорий қилинган, қоронғи тушиб қолган. Уйда креслода Машанинг ёнида ўтириб, Маша варақлаётган Глеб Успенскийни тинглаш, гоҳ Машанинг тиззасига сакраб, гоҳ стол устига чиқиб, оёғини секингина китоб муқовасига тегизадиган мушукни силаб ўтириш яхшироқ эди.

Сотиннинг хотини чамадончасини очиқ ушлаб турар, кўзлари эса гоҳ эрига, гоҳ қизига тикиларди. Кўзларида ваҳима! Кўп нарсани ҳис этиб турибди, лекин нималар рўй бераётгани тўғрисида жуда ҳам кам тушунади!

Маша бирдан ўрнидан турди, китоби билан столдан мушукни ҳайдади, стулни бир чеккага қўйиб, накидкасини қўлига олди.

— Маша! Яна илтимосгами?

Она унинг ҳар бир ҳаракати маънисини англайди. Сотин ҳам тушунади. У хўрсинди:

— Маъмурлардан илтимос қилиш энди фойдасиз.

Қизи унинг гапини бўлди:

— Полковник Катин учинчи куни ваъда берган эди...

— Унинг ваъдаси ҳам ёрдам беролмайди. Гап шундаки...

Брачнинг юзида ҳокимиятдан қўрқиш ҳам, воқеликка кўниш ҳам, жасоратдан фахрланиш ҳам, янгиликни билдириш иштиёқи ҳам акс этиб турар эди.

— ...Гап шундаки, Иван Николаевич телефон қилибди: Пеклеванов...— Врач пичирлади: — Қочибди.

— Қаердан?— деб сўради она, гарчи у Пеклевановнинг қаерда турганини жуда яхши билса ҳам.

— Қалъа турмасидан. Кишани билан қочибди!

— Нима, у яширина олармиди? Ҳокимият мустаҳкам.

Врач киноя қилибми, жиддийми, деди:

— Кучсиз ҳокимиятни ҳайдашади, зўридан қочишади. Афтидан, тайгага қочган. Ҳамма негадир уни Кудрин кўли яқинида яширинган дейди. Қулай жойда: тайга қалин. Лекин, шунинг учун ҳам қулайки, у бу ерда яшириниб ўтирмайди.

Она, рўй берган воқеани ниҳоят тушуниб, чўқинди, ваҳима аралаш қизига:

— Ёмон бўлибди! Пеклеванов сенга хушомад қилиб юрган эди шекилли, Маша,— деди.

— Хушомад қилгангина эмас, у мени севади, -ойи. У менга ишқ изҳор этган, мен унга хотин бўлишга розилик берганман.

— Қочоқ каторгачига хотин бўлмоқчимисан?!

Маша индамай отаси орқасидан эргашди. Кўчада улар бир-бирига маънодор тикилишиб, хайрлашишди. Сотин шаҳар бозорига, Маша эса порт томонга қараб кетди.

Оқшом. Минора соати тез орада саккизга занг уради: шундан кейин махсус пропускиси бўлганларгина шаҳар кўчаларида юра олади. Шунинг учун ҳамма бир-бирига қарамай, шошиларди. Ҳатто денгиздан паға-паға бўлиб келаётган туман ҳам шаҳар кўчаларида, айниқса, жуда ҳам ифлос чорраҳаларда чўкишга шошилаётгандек.

Кекса темирйўлчи Филонов лойгарчиликка эътибор бермай, қўлда тугунини силкита-силкита чаққон одимларди. Мана, у кулбаси жойлашган Пролом кўчаси яқинида тўхталди ва: «Қалъага қайтиб, яна бир илтимос қилиб кўрсаммикин? Саккизгача улгураман» деб ўйлади. Уйга боргиси йўқ. Хотини яна дод-вой билан қаршилайди. Иккаласи бирга бўлса, ғусса яна кўпаяди.

Темирйўлчилар кийимидаги икки нотаниш киши унга етиб олиб, ўзиб ҳам кетди. Бўйи пастроғи орқасига қайтди. Пеклевановнинг юзига тикилиб туриб қўлини қисди.

— Илья Герасимич?— Филонов таажжубланиб ва ҳаяжонланиб сўради:— Қаёқдан?

— Юрибман,— деди жилмайиб Пеклеванов.— Бемаҳалда сен қаёққа боряпсан?

— Қалъага ўғлимга передача олиб боряпман.

— У артиллериячи эди шекилли?— сўради Пеклеванов.

— Артиллериячилар орасида пропаганда қилгани учун уни қамашди,— Филонов пешанасини тириштириб қайғу билан гапини давом эттирди:— Илья Герасимич, кулфат! Афишани ичингизда ўқидингиз-а?

— Қанақа афишани?— сўради Знобов.

— Анави будкадагини.

Филонов қалъага бурила туриб, пичирлади:

— Кулфат! Уғлимга передача олиб боряпман, Пеклеванов бу ерда... Уғлимнинг аҳволи ёмон бўлса керак... Кулфат...

Знобов Пеклевановни тутиб берган кишига мукофот ваъда қилинган эълонни ўқиди. Сурат унча ўхшамасди. Знобов суратни оригинал билан таққосларкан, мамнун жилмайди: билишолмайди!

— Илья Герасимич учун ўттиз минг ваъда қилиш-япти. Қимматбаҳо калла,— деб пичирлади Филонов туманда кўздан ғойиб бўла туриб.

У ўз кўзига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасди. Пеклеванов?! Ҳеч нарсадан қўрқмай, худди тушдаги каби ўтиб кетди. Демак, яна исён тайёрлаётган экан-да? Бўлмаса, нега артиллериячиларни эслаб қолди? Э, худо! Агар Пеклеванов Серёжани озод қилишга улгурса, яхши. Агар улгуролмаса-чи? Худо! «Йўқ, мен қалъага бормаيمان, уйга бораман. Бу учрашув тўғрисида кампирга гапирсаммикин? Кампир, албатта, оғзи бўшлардан эмас, ҳар қолда, афтидан, Пеклеванов бизларнинг Пролом кўчамизда яширинганга ўхшайди. Яхшиси, гапирмаслик керак».

Лекин Пеклеванов Пролом кўчасида яширинмаган эди. У шу кўчадан юрди, кенг ялангликка чиқиб, ялангликни кесиб ўтди. Паға-паға туман артиллерия складларининг қорамтир бинолари оша учарди.

Пеклеванов кулиб, Знобовга:

— Ҳаяжон босяпти. Артиллерия складларими-а? Замбаракни яхши кўраман, жин урсин! Кўпдир? Снаряд ҳам кўпдир? Ўзимизнинг кишилардан бормикин бу ерда?— деди.

— Ким ўзимизники? Большевикларми?

— Йўқ, монархиячилар,— деб кинояли жавоб қилди Пеклеванов кулиб.

— Йўқ, Илья Герасимич.


— Бўлиши керак эди, аллақачон бўлиши керак эди.

Бир ўткинчи Знобовга шубҳали кўринди. Знобов Пеклевановни дарвоза аркига олиб борди. Кўчада одам камайишини кутиб туришаркан, Пеклеванов секингина сўради:

— Сиз ҳам артиллериячисиз шекилли, Знобов?

— Ҳарбийда денгиз артиллериячиси эдим.

— Мен ҳам бир вақтлар артиллериячи бўлганман, фақат қуруқликда. Артиллерия мактабида ҳам бир оз ўқиганман.— Пеклеванов кулиб, юзларини кафти билан артди.— Намгарчилик. Артиллериячилар тўғриси-





да гапирганда Толстой эсимга тушади. «Уруш ва тинчлик»ни хотирланг.

— Ҳўқимаганман, Илья Герасимич.

— «Уруш ва тинчлик»ни ҳўқимаганмисиз-а?

— Ҳафсала қилмадим, Илья Герасимич. «Граф Монте-Кристо»га бир ҳафсала қилгандим.

— Кейинроқ ҳафсала қилинг. Ҳамма китобни бирдан ҳўқиб бўлмайти. Жуда ҳам, жуда ҳам яхши ёзилган!— Уйни кўрсатиб, сўради:— Бу ер ҳали ҳам юк ташувчилар ётадиган жойми? Илгаригидек бизга хайрихоҳлари кўпми?

— Илгаригидан ҳам кўпроқ.

Пеклеванов билан Знобов юк ташувчилар тунайди-ган уйдан ўтиб, хитой кварталининг сойлигига тушишди. Хитойча кулба — фанзалар, тор, ифлос кўчалар, булар ўртасида тепалик ҳукмрондек чўққайган, тепада гиштин уй вайроналари.

— Вайронанинг нарёғида бизларнинг фанзамиз бор, Илья Герасимич. Шу ерда турасиз. Бу ерда сизни ҳеч ким безовта қилмайди.

— Муҳаббатдан бошқа.

Пеклеванов муҳаббат тўғрисида ўйлашдан қочиб, бошқа бирер нарса, масалан, артиллерия тўғрисида ўйлаш пайида жилмайиб сўради:

— Ҳа, мен артиллериячи, ҳатто офицер бўлганман. Бу сизга ғалати туюлмайтими, Знобов?

— Нима, Илья Герасимич?

— Революцион комитет раисининг собиқ офицерлиги?

— Мен, Илья Герасимич, илгари офицерларнинг ҳаммаси аблаҳ деган фикрда эдим. Энди баъзи нарсаларни тушуниб қолдим. Лекин аблаҳлар ҳам кам эмас эди. Кемада бир аблаҳ бор эди, эсимда. Овозини денг! Протодьяконнинг ўзгинаси. Бақирса бутун кема титрар эди.

— Бу ҳали унча аблаҳлик эмас.

— Аблаҳлиги бошқа нарсада эди. Биз революциядан кейин ундан: «Эътиқодинг қанақа?»— деб сўрадик. «Мен монархия тарафдори»,— деб жавоб қилди. «Шунақами ҳали? Монархия, биродар, сувга чўкди, сен ҳам чўка қол»,— дедик. Биз уни денгизга улоқтирдик. Чўкиб кетди. Лекин ўзи тузуккина офицер эди.

...Тахминан худди шу дақиқаларда Маша кўчадаги будкалардан эълонларни йиртиб ташлаётган эди. Отаси ёнига секингина борди-да, елкасига қўлини қўйди:

— Маша, уйга бор!

— Бормайман, ота.

— Эҳтиёткорлик керак. Кетдик, сенга гапим бор.

Врач Сотин қизи билан квартирасининг емакхонасига кирди. У портфелидан бир ўрам эълоннома олиб, фахр билан стол устига қўйди. Дастурхон ёзаётган хотини ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. Сотин эса ўзини бепарвога солиб, хотинига:

— Анчагина пулга сотиб олдим,— деди.

Хотини жим турарди, лекин қизи ҳаяжонланиб деди:

— Раҳмат, ота! Лекин бу ишингиз Пеклевановни қидиришга халақит берармикин.

Минора соати еттига занг урди. Ошхонада учаласи ҳам негадир катта дуб соатга қаради, у бир оз орқада қолган эди, соатнинг занг уришини кутиб туришди. Охирги занг урилгач, врач Сотин қўлларини белига қўйиб, ошхона бўйлаб у ёқдан-бу ёққа вазмин қадамлай бошлади, бир даста эълонномалар олдида тўхталиб деди:

— Пеклеванов билан фахрланаман. У Россия учун ростдан ҳам қайғуряпти. Большевиклардан бошқа ҳамма сиёсий партиялар интервентларнинг этикларини ялаяптилар.

Хотини ғазабланиб, қизариб кетиб, омбур билан қанддонга тўқиллатди:

— Бунақа гапларни асти гапирма! Йўл қўймайман!

— Мен эса Машанинг бу ерда қолишига йўл қўймайман! Шу хатарли дақиқаларда у ўшалар билан бирга бўлиши керак.

— Сен ҳам ўшалар билан бирга бўла қол!

— Балки бирга бўларман ҳам.

Хотини жаҳл билан эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди. Қиз йиғлаб, ҳаяжонланиб отасини қучоқлаб олди. Онаси эшикни очиб қараб:

— Қарғайман! Икковингни ҳам!— деб бақирди.

— Маша, гапимга қулоқ сол...

Сотиннинг ишонч билан гапириши ўзига ҳам ёқар, уларнинг яхши, софдил кишилар эканлиги, бошқаларга софдилликлари ва яхши яшашда ёрдамлашажаклари, агар лозим бўлса бундай орзу йўлида ҳалок бўлишга ҳам тайёрликлари уларнинг олижаноблиги эканини у яхши тушунар, бундан жуда ҳам мамнун эди.

Сотиннинг кўзларида ёш кўринди:

— Бор, Маша, бора қол! Бор унинг ёнига.

— Мен уни қандай топаман, ота? Бундан ташқари, мени танишади. Унинг пайига тушишади... Уни қўлга туширтириб қўймасмикинман, деб қўрқаман!

— Афишаларни ол-да, ўша ёққа жўна. Ёпиштир! Агар сени сўкишса, ҳатто уришса, билки, демак, Пеклеванов яқинда! Уртоқлари сени таниб, унинг олдига олиб боришади... Кел, мен сенга фотиҳа берай, мен, албатта, атеистман, фотиҳа беришимнинг кераги йўқ эди, лекин одат одат-да.— У овози борича қаттиқ қичқирди:— Қидир! Изла! Керак бўлса, Кудрин кўлига ҳам бориб изла!

Отасининг маслаҳати иш берибми ёки бошқа бирор ҳолат туфайлими, минора соати саккизга занг уришига салгина қолганда Маша Пеклеванов яшириниб ётган кулбанинг зулфинини қоқди. Даҳлизда бировнинг оёқ товуши эшитилди, бу товуш Машага таниш эди. Эшик очилди.

— Нега бу ерга келдинг, Маша? Нега келдинг?

Маша меҳр билан ва сал жаҳл аралаш — жаҳл қилмаса ҳам бўлар эди — Пеклевановнинг қути ўчган навқирон юзига тикилди. Кейин нигоҳи кишан изи кетмаган қўлларига тушди, кўзда ёши билан у шу қўлларни ушлади, йиғи аралаш бидирлади:

— Ёнингга, сенинг ёнингга келдим! Турмага, яширин ишлашга, каторгага, қаер бўлса ҳам, ишқилиб, сенинг ёнингга, Илья! Кудрин кўлига ҳам ҳатто!

Пеклеванов уни бағрига босди:

— Азизим, жонгинам! Рафиқам!

Зим-зиё кечада, Кудрин кўлидан ўттиз чақиримча нарида бир неча деҳқон билан биргаликда Вершинин қўлида фонарь, жазо отряди ўт қўйган қишлоқ оралаб борар эди. Деҳқонлардан бири ҳаллослаб пулемётни

судрарди. Жазо отряди қишлоқдан яқиндагина чиқиб кетган, ёнгин ҳам яқиндагина ўчирилган эди. Теварак-атроф бурқсаб тутаб ётар, у ер-бу ерда учқун, чўғ кўзга ташланарди.

Фонарь ёғдуси ёндирилган мактаб олдида бир жасадни ёритди. Қоронғилиқда ўқитувчи аёл болаларининг йиғиси эшитиларди. Вершинин ўгирилиб:

— Мен бу ерларга уруш келмайди, деб юрибман, — деб тўнғиллади: — Мана келмагани. «Уруш керак эмас бизга!» Кимга керак у? Антервентларга, оқ гвардиячиларга, жазо отрядларига керакдир? Ҳей, мужиклар! — унинг овози ёниб кул бўлган қишлоқ бўйлаб янгради. — Йиғлаганларинг етар! Тўпланинг, мужиклар! Биродарлар! Қўлларингизга тушган қуролларни тўпланг!

Кудрин кўли томон юриб сал кам ўн беш чақиримча йўл босган унинг отрядига тонгда турли қишлоқлардан сайлаб чақирилган кўп чоллар келишди. Улар овчилар кулбасига сиғишмай, дераза ва эшик тагида ерда ўтиришди. Вершинин ходадан қилинган стол олдида қелди, студент Миша унинг устига ер тақсимоти ифодаланган харитани қўйди.

— Белгиланган ҳамма волостлардан киши келганми? — деб сўради Вершинин чолларга таъзим қилиб. — Сизлардан, қариялар, маслаҳат, ёшлардан эса куч керак.

— Маслаҳат керак эмиш!

— Куч керак эмиш!

— Тушунтириш керак...

— Жиминглар!

Ҳамма жимиғач, Вершинин бир кўзини қисиб, яна қарияларга мурожаат қилди:

— Мужиклар, ёрдам беринглар энди — Расияни қутқазиш керак.

— Ҳа, керак, керак, — деб секин бош силкитишди қариялар.

Уларнинг сўзлари самимий бўлса-да, лекин мужмалроқ эди. Бу мужмалликдан хафа бўлган Вершинин қизарди, тишларини қисиб:

— Керак, керак... Дадилроқ гапирсанглар-чи? — деди.

— Гапирдик-ку, Никита Егорич.

— Хўш, Сосновкадан одам борми?

— Биз, Никита Егорич.

— Сосновкадан одам кўп.

Вершинин бўз қопни олди, ичидан газета қоғозига ўралган бир даста фотосурат чиқарди, уларни оча туриб, секин деди:

— Сосновка волостида, Кудрин кўли яқинида каттаконлар генерал Сахаровга беш минг десятина ер беришибди. У ажратиб берилган ерига қўшин ҳам келтирган эмиш. Тўғрими?

— Тўғри,— дейишди деҳқонлар.

— Яхши ерлар!

— Қўшин келтирмасинми бунақа ерларга!

Вершинин гапни давом эттирди:

— Ўртоқ Пеклеванов менга барча волостларнинг ер харитасини берди, сизларникини ҳам. Мен у ерда Пеклеванов билан гаплашаётганимда биров қирғоқда най чалган эди...

Вершинин Пеклеванов билан суҳбатини хотирлаб, ўйланди, бошини чайқаб, кўзларини қисди:

— Мана шу студент Миша най чалган экан, ер ўлчовчи йигит.

— Мен тоғ институтида ўқиганман, Никита Егорич.

— Тоғ ер эмасми? Фақат шудгордан қаттиқроқ. Тоғни ўлчай оласанми? Экинзорларни ҳам ўлчай оласан, ўлчаб тақсимлаб беришинг керак.

Аллаким баланд овоз билан:

— Ер тақсимлашимиз керакмикин?— деб сўради.

Вершинин фотосуратни кўрсатди:

— Танидингларми?

— Жазоловчи!

— Генерал Сахаров!

— Тўғри,— деди Вершинин.— Харитада Сахаровга ажратилган ерни унинг портрети билан қопласак бўларкан. Шундайми, Миша?

— Тахминан шундай, Никита Егорич.

— Ерни ўлчай олмайман, дейсан тагин.

Вершинин фотосуратни харитада генерал Сахаровга ажратиб берилган жойга қўйди. Кейин бошқа суратни олиб, уни Мишага узатди:

— Ким бу? Майда ёзилган экан, ўқиёлмаяпман.

Миша ўқиди:

— Приморье ҳукуматининг ер ишлари министри молфуруш Пименов.

— Уни ҳам ери устига қўй. Униси ким экан?

— Буниси атаман Малашин.

— Ери устига қўй.

— Бу ким, мужиклар, танияпсизларми?

— Савдогар Григорий Иванович Балаяв.

— Қўй!

— Бу-чи?

— Муштумзўр Обаб.

— Қўй!

Мужикларга алам қилди, хафа бўлишди. Улар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига, фотосуратлар билан бутунлай қопланган харитага эса ғазаб билан тикилишар эди.

Вершинин қўлларини ёзиб, деди:

— Ҳамма ер тақсимланган, мужиклар! Муштумзўрга, савдогарга, казаклар атаманига ё генералга. Ҳали антервентлар ҳам бор, унутманг! Уларга ҳам ер керак. Ана шулар учун бу ерларни сизлар ишлаб берасизлар!

— Биродарлар, ерни бойлар олишяпти!— қичқирди биров ғазаб билан, бу овоз-қулоққа эндигина уйғонган кишининг овозидек чалинди.

— Ерларни олиб қўйишяпти!

— Бермаслик керак!

— Берма, Никита Егорич!

Вершинин эътироз билдириб янграётган овозларга қулоқ соларкан, мамнун бўлиб, сўради:

— Хўш, нима қилиш керак, мужиклар?

Сочлари оппоқ бир чол ҳаммани итара-итара стол олдига келди.

— Нима керак сенга, бобо?— сўради Вершинин жилмайиб.

— Ер!

— Қайси волостдансан?—

— Мутьёвка волостидан, Никита Егорич.

— Миша, Мутьёвка волости қани?

— Ер қолмаган, Никита Егорич.

— Нега қолмас экан?— ғазабланиб сўради чол.

Вершинин елкасини қисиб деди:

— Йўқ-да, бобо, мана кўряпсанми, ҳаммаси бойларнинг суратлари билан тўсилган.

— Мен бу бойларга кўрсатиб қўяман!

Чол хаританинг бир учидан тортиб юборди, ҳамма фотосуратлар полга тушди.

Мужиклар кулиб юборишди.

Жазо отряди Катта Мутъёвка қишлоғига чекиниб, окопларга ўрнашиб олди. Йирик полизлари бўлган бу қишлоқ Мутъёвка дарёси бўйлаб чўзилган, шу дарё кўпригини капитан Незеласов ўз бронепоезди билан қўриқлаши керак эди. Мутъёвка тайга ва тоғлар оралаб ўтиб, шу ерда Кудрин кўлига қуйилар эди. Қишлоқдан темир йўлгача йигирма чақирим, ортиқ эмас.

Темир йўл билан қишлоқ ораси серҳосил экинзор ва ўтлоқлардан иборат. Революцияга қадар бу ерлар жаноб олиларининг кабинетига қарарди. Революциядан кейин бу ерларни мужиклар ҳайдаб, ўзлари экиб олишди, энди эса бу ерлар генерал Сахаровга инъом қилинибди. Сахаров бу ерларда ғалла экиб, чорвачилик билан шуғулланмоқчи. Кўпроқ чорвачилик билан. Яйловлар кишини ҳайрон қолдирадиган даражада серўт! Айниқса, Кудрин кўлини тўсиб турган тепаликлар атрофларида яйловлар серўтроқ. Кўл саёз, фақат қайиқ ҳайдаш мумкин, генерал чорвачиликдан бойигач, ғалла билан молларни ташиб ўтиш учун кўлни кесиб, канал қазиш ниятида.

Ҳозирча қишлоқда ва унинг атрофларида на мол бор, на ғалла, улкан экинзорларни ўт босиб кетган. Шу ўтлар орасида мужиклар қўл гранаталари ва милтиқлар билан қуролланиб ётишарди. Кеча ойдин, лекин мужиклар соқчиларга кўринмасди. Соқчилар экинзорларда юришдан қўрқар, шунинг учун ҳам кўчаларда изғишар — жазочиларнинг интизоми кечалари мустаҳкам эмасди.

Беш деворли уйда бир неча офицер кулча тушиб, пичан устида қатор ётишибди. Овқатланадиган стол банд: унда бошини муштлари устига қўйиб катта офицер ухлаб ётибди. Шунинг учун ҳам хитой Син Бин-уни четроқда тергов қилишаётган эди. Ёшгина прапоршчик ялтироқ рангдор тунука билан қопланган сандиқ устидан судралиб туша туриб, боғланган Син Бин-уга маъюс

нигоҳ ташлади. Чироқнинг мойи кам, офицер унинг пилигини кўтара туриб, ҳомуза тортиб:

— Хўш, хитойвой, бу ерга қандай қилиб келиб қолдинг? Большевикларга қўшилгинг келдими? Партизанларга?— деб сўради.

— Ман Хитой кетади.

— Алдаяпсан, хитойвой. Сенинг Хитойинг бутунлай тескари томонда-ку.

Қўли устига бошини қўйиб ухлаётган киши — новча, сариқ офицер жойидан турди. Ноқулай ухлашдан эти увушган ва ланжлашган офицер этигини гижирлатиб яна ўтирди. Утира туриб, прапоршчикка деди:

— Ғалати туш кўрдим, Павел Андреевич, жудаям ғалати туш! Волга, Нижний, ярмарка...

— Халақит беряпсизлар, — тўнғиллади тергов қилаётган. — Ҳеч номини ёзолмаяпман. Номинг нима?

— Бу хитойвойни бошингизга ташвиш қилиб ўтирасизми? Отиб ташланг, вассалом. Яхшиси, менга беринг, ўзим отиб ташлай.

Сариқ офицер револьверни қўлига олди. Прапоршчик терговни тўхтатиб, стол олдига келди, чойнакдан тунука кружкага совуқ чой қуйиб, истар-истамас ичди. Офицерлар зериккандилар.

— Соат неча?

— Уч ярим.

— Э худо, ғалати туш!

Новча офицер бошини ваҳима билан кўтариб қулоқ солди ва жиддийлашиб:

— Ташқарида биров юрибди!— деди.

— Соқчи!

— Қадам ташлаши бизларникига ўхшамайди.

Син Бин-у ҳам, афтидан, ташқарида рўй бераётганларни фаҳмлаб, офицерларнинг диққатини тортишга интилди:

— Семичка олди. Қишлоққа келди, семичка олишга. Семичка йўқ, нима савдо қиламан?

Новча офицер столга мушти билан уриб қичқирди:

— Уйғонинглар, жаноблар! Деразадан нарида бировлар борга ўхшайди. Бир қаранглар!..

У буйруғини тугатмаган эди ҳамки, дераза роми қасирлаб қулади, хонага, стол устига қўлида граната билан Вершинин сакраб тушди.

Мана, Кудрин кўли, ўтлоқ, экинзор, тепаликлар. Бу ер нақадар соф, ёрқин, кенг. Ўрилмаган ўтлоқни солдатлар поймол қилмаганида, тиканак симлар тортилган окоплар экинзорларни бузмаганида, айтишларича, бир неча поезд снаряд билан келган генерал Сахаров тепаликларда жойлашиб олмаганида бу ерларда нақадар кўп пичан ўриш, экинзорларни шунчалик яхшилаб шудгор қилиш мумкин бўлар эди. Сахаров олти округ волостидан араваларни ҳайдаб келтиришни буюрган эди. Икки ҳафта снаряд ташишди, ўн кун давомида артиллериячилар ўз араваларига замбаракларни келтиришда ёрдамлашдилар: ёмғир ёққанидан йўл билчиллаб қолган эди.

Яхши ҳамки, ёмғир тўхтади, акс ҳолда, генерал Сахаровнинг позицияларига лой, ёпишқоқ ердан ўрмалаб бориш осонмиди. Лекин барибир, Кудрин кўлига ҳужум қилиш қийин бўлади. Қани энди бир жуфт замбарак, ярим вагон снаряд бўлса эди! Милтиқ билан пулемётларга ўқ етмай турганида, замбарак тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Сибирь мужиги патронни эҳтиёт қилишга одатланиб қолган, лекин ҳамманинг алами кучли, бунақа пайтда патрон тежаб бўладими? Бундай вақтларда миллион патрон ҳам камлик қилади. Оқлар яширинган тепаликларни кузатиб отряддан анча олдинда қуруқ. кузги пичан орасида Вершинин, Миша студент, Син Бин-у ва уч мужик ётишибди. Окоплардан ўқ товуши эшитиларди.

Вершинин осмонга қараб:

— Қолган мужиклар ўрмалашяптими? — деб сўради. — Орқада қолиб кетишди-ку.

У ҳаяжон билан, жаҳли чиқиб такрорлади:

— Бошқа роталар келишяптими, деяпман?

— Йўқ, ҳали, Никита Егорич, — жавоб қилди Миша.

— Йўқ, — деди хитой, — ҳеч йўқ.

— Бу ёққа кел, Петров! Мужиклар қани, қани, улар?

Мужик Петров эмаклаб келди, Вершинин унга савол назари билан тикилди.

— Ўрмалаб қайтишди, — деди хўрсиниб Петров. — Чекинишди.

— Милтиқдан қўрқишдими?

— Милтиқдан эмас, Никита Егорич. Генерал Сахаровнинг позициясида, бир қара ўзинг...

Вершинин қаради.

— Замбараклар, Никита Егорич. Қара, гумбурлаб қолади ҳали.

— Ҳа, замбараклар, албатта...— дея ҳаваси келиб гап бошлади Миша.

Вершининнинг жаҳли чиқиб, унинг гапини бўлди:

— Нима, албатта? Нима бўпти? Замбарак замбарак-да...

У Петровга кескин бурилди:

— Бор, мужикларга айт, мен уларни яхши кўраман!

Тўлқинланиб такрорлади:

— Айт, мен уларни жуда ҳам яхши кўраман. Шунақа яхши кўраманки, мана ҳозир милтиқлар, окоплар қаршисида, тиканак сим билан тўсилган окоплар қаршисида, ўша замбараклар қаршисида тикка тураман! Мужиклар қайтиб келмагунларича ёки солдатлар мени ўлдирмагунларича тикка туравераман. Ер учун, Расия учун тураман!

Петров эмаклаб кетди.

Вершинин папирос ўради, уни икки марта тортиб, кейин Мишага узатди.

— Мен чекмайман, Никита Егорич. Наҳотки турсангиз?

— Нега турмас эканман?

— Мен бунга ҳеч ҳам тушунолмаймаман!

— Керак ҳам эмас. Сен, Миша, ёт. Нима тўғрисида бош қотирапсан?

— Менми? Мен, Никита Егорич, келажак тўғрисида ўйлаяпман, ўтмишни хотирлаяпман, биласизми, хурсандман жуда ҳам. Ўқинг-келади. Истасангиз, Никита Егорич, мен сизга Тургеневни ёддан ўқиб берардим.

— Нима?

— Китоб ўқийман.

— Эсингни едингми? Атрофга бир қара, Миша, қанақа жойдасан!

Вершинин ўрнидан секин туриб, қаддини ростлади, олисларда кўзга чалинаётган окопларга ва тепаликларга нигоҳ ташлади. Ўша томондан тез-тез ўқ товуши эшитила бошлади.

— Биродарлар, яйловлар ўрилмаган-а,— деди Вершинин баланд овозда, ҳаллослаб.— Кўриб ачинасан киши! Пичан бел баравар, ўрсанг...— Кейин қўлини пешанасига қўйиб тикилди.— Замбарак тагин. Генерал Сахаров ҳам ҳар ҳолда чакки эмас.

Ҳозиргина партизанлар қайтиб ўрмалаб кетишган сойликда Петров қўлларини силкита-силкита жаҳл билан қичқирди:

— Тушунсанглар-чи, мужиклар! Вершинин ўққа қарши тик турибди! Сизлар сойда дам оласизларми? Мужикларга меҳрим зўрлигидан тик тураман,— дейди!— Оқлар мени то ўлдиргунларича тураман,— дейди! Тушуняпсизларми бу гапга, э худо!

Сукунат. Ниҳоят, одамлар орасидан кескин овоз янгради:

— Яхши иш қилмадик, мужиклар!

— Яхши эмас,— деб унинг гапини маъқуллади иккинчи овоз.

Петров «яхши эмас» деган мужикнинг ёнига бориб ўтирди ва секин:

— Яхши эмас, уят ҳам!— деди.

Мужик сакраб туриб, қичқирди:

— Менга яхши эмас, уят ҳам! Нега мен энди сен тентакларнинг гапларингга кирдим?

— Замбарак-ку!

— Бўлса бўлмайдими,— гапини давом эттирди мужик.— Менинг юрагим эзиляпти! Вершининни ўлдиришади! Бир умрга виждон азобига қоламан!

Сукунат. Лекин бу сукунат энди бошқача эди. Петров мужикларнинг иккиланаётганларини фаҳмлаб, милтигини ростлади:

— Сафга!

Мужиклар сойдан сакраб чиқишди.

Ўтлоқлар. Тепаликлар. Кудрин кўли, бунчаям яхшисан!

Ўқлар Вершининга гоҳ етиб келмас, гоҳ унинг тепасидан ўтиб кетарди.

Тўсатдан хитой Син Бин-у ўрнидан турди:

— Ётган керак йўқ, ман ҳам ёнида тураман!

— Албатта, яхши эмас, ўзимга ҳам ҳайронман,— деди Миша ҳам туриб.

Учаласи бир сафда!

Бошқа мужиклар ҳам ўрмалаб келиб, уларнинг ёнида тура бошлади.

Улардан бири ўқ учиб ўтаётган томонга қараб, қувониб, Вершининга:

— Никита Ёгорич, оқ солдатлар бизларни нишонга олаётганлари йўқ-ку, — деди.

— Қўйсанг-чи!

— Худо ҳаққи!

Кимдир бир оз ўйлаб:

— Балки хоҳламаётгандирлар? Балки, отишни билишмас? — деди.

Пулемёт ҳам ишга туширилгач, бир мужик Вершинининг ёнига борди, хурсанд бўлиб деди:

— У ёқда, оқлардан биров ўрмалаб келяпти. Жасурга ўхшайди, иблислар, довюррак, бошқа гап йўқ.

Мужиклар милтиқларни отишга тўғрилашди. Вершинин секин буйруқ берди:

— Тўхта! — қичқириб сўради: — Ким у, пичан орасидаги?

— Бир одаммиз, — қалтироқ овоз эшитилди.

— Кўрганмиз сендақа бир одамларни, — бармоғини тепкига тўғрилаб деди Вершинин. — Гапир! Ер кимга?

Қалтироқ овоз яқинлашди.

— Халққа.

— Фабрикалар-чи?

— Фабрикалар ҳам.

— Тинчлик?

— Аннексиясиз ва контрибуциясиз!

Вершинин милтиғини ерга қўйди.

— Келавер.

Пичан орасидан ранги ўнгиган узун қизил кўйлак кийган Васька Окорок бош кўтарди: қўлида зангори кизакли, ранги ўчган фуражка. Қонга бўялган ҳолда, омон қолганига ишонқирамаётгандек, чўккалаб турарди.

— Генерал Сахаров отмоқчи бўлди, мен...

— Нега отмоқчи бўлди?

— Мен бир юз йигирма тўртинчи революцион полкнинг секретари, душман сафини бузиш учун боргандим.

— Полкинг қани?

— Фронтдан қайта туриб, уй-уйларига кетиб қолишди. Менинг уйим йўқ, революцион полк секретари бўлганим учун жазочилар уйимни ёқиб юборишган.

— Саводлимсан?

— Ёзиш, ўқишни биламан.

— Кўпайтирув жадвалини биласанми?

— Сал-пал, Никита Егорич.

— Менинг номимни қаёқдан биласан?

— Мени отиб ташлани керак бўлган йигитлар айтишди: «Дала ўртасида турган Никита Егорич Вершининдан бошқа киши эмас. Югур»,— дейишди. Орқамдан ёлғондака ўқ узишди, қара, юзимни ялаб ўтди.

Ўқ визиллаб ўта бошлади.

— Ҳе!— бақирди Вершинин.— Яхши! Сал қолди!

— Яралантирдими?

— Баттароқ. Этигимни тешди. Торт.

Саха этикни тортиб, ярани боғлади.

— Визниқилар ҳаммаси шу ерда, Никита Егорич, эмаклаб келишди.

Вершинин мужикларга қараб ўтирилди:

— Аллақачон келиш керак эди. Энди ўтирсак ҳам бўлади. Худонинг ғазабини келтирмайик. Атака олди-дан, демак.

Ўтиришди.

Вершинин милтиқни қўлтиқлаб, нилини чертиб хафа қолда Окорокка:

— Бизда ҳам ҳар хил жангчилар бор. Кўрдингми, чекинишди! Ўзларини тагин большевик ҳисоблашадди,— деди.

— Сенга, Никита Егорич, ячейка керак,— маслаҳат берди Васька Окорок.— Ячейка бўлганда, булар ҳеч ҳам чекинишмасди.

— Ячейкани қаёқдан оламан энди?

— Танлармиз?

— Бу ҳақда Пеклеванов билан гаплашиш керак. У менга жуда ишонади. «Боравер, бутун уезд сенинг таъсирингда»,— деди. Уезд қаёқда, Волость, холос. У менга шундоқ қил, деб ишора қилди шекилли. Эпладим ҳам. Мухими, комиссар бериб ўтирмади. У менга ишонади, мен унга ўн ҳисса кўпроқ, билдингми.

Вершинин бир сиқим пичан юлиб олиб, унга узоқ тикилди, ўйлаб, Васькадан сўради:

— Генерал Сахаров, унинг ҳамма амалдорлари тепаликда бўлса керак?

— Тепадан нарида, блиндажда, Никита Егорич. Унг қанотдан зарба берсак, душманнинг орқасига ўтиб олишга имкон туғилади.

— Бошимга бир фикр келди, ўртоқлар.. Менинг қилганимни қил!

Ҳамма яна Вершининга тақлид қилиб жойидан тик турди. Мана у бармоғини сўриб, кейин уни юқори кўтарди. Бошқалар ҳам ўйлаб ўтирмай, шу ҳаракатни такрорлашди. Фақат Миша студент ўйлади: «Ифлос бармоқ оғизга?! Нима ҳам қиласан?»

Ўтиришди. Вершинин сўради:

— Шамол қаёқдан келаётганини билдингларми?

— Орқадан, Никита Егорич,— тез жавоб қилди Окорок.

— Тўхта, номинг нима?— сўради Вершинин.

— Васька Окорок.

— Окорок? Нима, чўчқамисан?

— Фамилиям Василий Окороток эди. Болалар: «Нега калта бўларкин, узун-ку. Биз қисқартирақолайик: бундан кейин Окороксан», дейишди. Шундоғ қилиб, Василий Окорок бўлиб қолдим.

— Миша, шамол қайси томондан?

— Никита Егорич, ҳаяжондан елкам ҳўл бўлди, шамол ҳам орқадан.

Петров ўрмалаб келди:

— Полк, Никита Егорич, тап-тайёр.

— Бўпти. Ҳаммадан гугурт йиғ. Ёшроқлар бутун фронт бўйлаб югуриб, чўлга ўт қўйсин. Олов кетидан ҳужумга ўтамиз!

Ёш партизанлар пичан тўплаб, ўт ёқишга киришдилар. Қуриган ўтлар ёниб, шамол алангани оқ гвардиячиларнинг окопларига томон ҳайдай кетди.

Олов аралаш тутун окопларга, блиндаж ва замбаракларга томон ўрмалади.

— Ура!

Милтиқ, берданка ва ҳатто болта тутган мужиклар атакага ташландилар.

Тиканак симлар чопилди. Окопларга ёпирилишди. Қувишди. Уришди.

Замбараклар турган тепа этакларида, блиндаж ол-

дида бир гуруҳ офицерлар ва генерал Сахаровнинг ўзи турарди.

Вершинин секингина генералнинг қошига келди, тўхтади ва чап қўлининг бармоқларини ўнг қўли бармоқлари билан чалкаштириб, осойиштагина сўради:

— Генерал Сахаровмилар? Қўмондон?

Генерал эса Вершининга қарамай, жавоб қилди:

— Ўзинг ким?

— Вершинин. Мужикман.

— Қўриб турибман, хотин киши эмассан.

Вершинин генералнинг погонларини юлқиб улоқтирди:

— Рус олтинини тақиб юришга арзимаёсан!— Чоллардан сўради:— Бобойлар, нима қиламиз буни?

Чоллар бир-бирларига қарашди. Бирови тамаки олиб ҳидлади, акса урди, бошқа бири хижолатда йўталди.

Ниҳоят, озгингина бир чол дўриллаган овозда:

— Отиб ташлаш керак!— деди.

Серсоқол ҳурматли бир чол генералнинг бошидан оёғигача назар ташларкан, Вершининга мурожаат қилди:

— Осан тузукроқ, Никита Егорич, рост, осан маъқул.

— Нима?

— Бизнинг одамларимизни у жуда ҳафсала билан осарди, биз ҳам бир ҳафсала қилайик. Отсанг, гўр қазиш керак, анча ер ҳам бекор кетади. Қайрағочга осиб қўйсак, қузғунларга ем бўлади.

Ёш пучуқ бир офицер олдинга чиқиб честь берди ва Вершининга ҳаяжон билан:

— Мен генерал Сахаровнинг адъютантиман,— деди,— золим одам бу. Нафратланардим ундан, нафратланаяпман! Гражданин қўмондон, рухсат этинг, ўзим арқонни...

— Нима?

— Рухсат этинг, арқонни ўзим совунлаб берай. Ҳузур қилиб совунлай.

Вершинин кўзларини катта очиб адъютантга тикилди ва бир неча қадам орқага юрди. Кейин олдинга юрди, ҳам қўрққанга, ҳам таажжубланганга ўхшаб, худди оламда шунақа ҳам ёввойи борлигига ишонқирама-

ётгандек, адъютантнинг энгидан тортқилаб қаради, сўнг:

— Ўз командирингни осасан?! Сен, итвачча, итвачча-ей! Қўпайтирув жадвалини биладиганлардан тагин,— деди.

У генералга мурожаат қилди:

— Менга қолса, генерал, оттирардим, лекин қариялар бор. Қариялар жуда ҳам дарғазаб ҳозир. Ёз, Васька, унга ҳукм ёз. Тўхта...

У ўйлаб олиб, адъютантга ишора қилиб, ғазаб билан деди:

— Буни ҳам ҳукмга кирит. Уни биринчи осийш керак!

тўртинчи боб

партизанлар темир йўл бўйларида

— Партизанлар темир йўл бўйида,— деди хириллаб Обаба, телеграммани кўрсатиб.— Телеграммада; темир йўл яқинида Вершининнинг отряди кўринди... Шаҳарда эса осойишталик, деб ёзилган.

Обаб бесўнақай гавдаси билан деразадан узоқлашди:

— Кофирлар, капитан. Шаҳарда — кофир, Вершинин отрядидагиларнинг ҳам ҳаммаси кофир. Сигарета беринг. Бу, Пеклеванов ҳам кофир.

— Нега?

— Ҳаммани бошлади. У, сўзсиз, Вершининнинг ёнида. Агар Пеклеванов бўлмаганида у генерал Сахаровни...

— Нима бўлибди генералга? Қаерда у?

Обаб қўлини баланд кўтариб, ҳавода силжитди. Незеласовнинг юраги музлагандек бўлди.

Незеласов сакраб туриб, шошилиш сўради:

— Прапорщик... бошлиғимиз ким?.. Бевосита бошлиғимиз ким ўзи?

— Генерал Сахаров.

— Эҳ-е? Қаерда ўзи у?

— Партизанлар осиибди.

— Эҳ-е?.. Демак, сиз билан биз ёлғиз эканмиз-да.

— Америкаликлар ёрдамга келишади. Японлар ҳам.

— Генерал Сахаровнинг қисмати маълумми уларга?

— Ҳозирча маълум эмас.

— Маълум ҳам қилманг.

— Қочиб кетишадими?

— Албатта.

Обаб калтакка ўхшаш узун ва текис қўлларини сонларига урди:

— Яхши!..—прапорщик Незеласовнинг қовоғи шишган кўзлари тикилиб турганини пайқаб, деди:—Иттифоқчиларнинг қочгани жуда яхши-да, кўп яхши нарсалар қолдириб кетишади.

— Агар сизларни.

— Нима?

— Омон қолдиришса.

— Мен абжирман, қутулиб қоламан.

— Сув олиб, бронепоездни жўнашга ҳозирлашсин!

Обаб аҳмоқона гап ташлади:

— Қаёққа?—Илова қилди:—Сахаровнинг мулклари энди сизнинг ихтиёрингизга ўтадими, Александр Петрович?

Капитан қайишини таранг қилиб «Кўп гапирманг, буйруқни бажаринг», деб бақирмоқчи бўлди-ю, лекин ромнинг бўёғини тирноғи билан тирнаб, шаштидан қайтди, секингина сўради:

— Прапорщик, кимга итоат қиламиз?.. Аҳ-а! Сиз билан биз кимни телеграмма орқали... Тўхтанг.

Обаб бронза бутга шапиллатиб урди, ниманидир эсламоқчи бўлди, лекин эслай олмади.

— Билмадим... Сув бўлса сув-да... Отиш керак бўлса, отаверамиз — осон.

Обаб қаноти ўсиб чиқмаган ғозга ўхшаб вагон даҳлизиди галифесини шалвиратиб юрганча тўнғилларди:

— Менга нима... бу ҳақда ўйлаш менинг ишим эмас-ку... лента, обойма... Керакми менга...

Капитан перронга сакради, ҳаммасини ўзи текшириб кўриши керак: машинист Никифоров ҳам Обабга

ўхшаш топширилган ишни бажаради, лекин унга ўхшаб тентак ҳам. Бундан ташқари, шаҳардан телеграмма келиши мумкин. Қўмондоннинг ўрни бўш. Кимни белгилашаркин? Наҳотки Вяча амакини, муқовачини, генерал Спасскийни тайинлашса? Ишқилиб, қизиқ, жин урсин! Вершининдек бир мужик қўмондонни бутун штаби билан қўлга олганини қаранг, бу қанақаси бўлди? Обабнинг гапи рост чиқса-чи? Пеклеванов партизанларнинг қисмларига раҳбарлик қилаётган бўлса-я? Демак, Незеласов ҳарна қилиб бўлса ҳам Вершининни тор-мор этиши керак экан-да? Шунда у Сахаровнинг ўрнини эгаллайди. Ҳа! Бошқача бўлиши мумкин эмас! Демак, ҳозир билиб олиш керак: Вершининнинг асосий кучлари қаердайкин? Аҳ-а! У станцияга келяпти? Жуда соз! Мен уни шу ерда кутиб оламан! Америкаликлар ва японлар қанчайкин? Майли, уларни ўртага қўйиш керак, иттифоқчилардан олинадиган мадад ҳамма ёқда бир текисда бўлсин. Шундай қилиб, иттифоқчи қўшинларнинг етиб келишини кутиш керак!

«Бунча ифлос, ярамас станция экан бу! Наҳотки келиб-келиб ана шу станцияда шуҳрат қозонсам?»

Зангори француз обмоткаси ўраган, катта бутса кийиб олган нимжон бир солдат шошилиб честь берди.

Незеласовнинг перронда турткиланиб юргиси келмади, бронепоезднинг броня билан қопланган вагонларини айланиб ўтиб, эвакуация қилинган қочоқлар жойлашган юк вагонлари орасида кезди.

«Кераксиз Россия!— деб ўйлади уялиб ва қизариб кетди эслаб.— Сен ҳам шу Россия ичидасан».

Капитан баланд овозда:

— Аҳмоқ!— деди.

Юзини қизартириб қуюқ бўёқ сурган бир жувон унга қаради. Кўзлари ичига ботган, ғуссали, пешанаси торгина, ажин тўла.

Вагонларга қорайган тахталар қоқилган. Тирқишларни мох босган. Эшик тутқичлари қайишдан. Эшиклар олдида, миҳларда, чипта халталарда гўшт, овланган парранда, балиқ. Айрим эшиклар устида оқ қарағай новдаси, бунақа вагонлардан ёш жувонларнинг овози қулоққа чалинади. Бир вагондан рояль товуши эшитилаётганди.

Вагонлардан тер, пелёнка ҳиди анқир, темир йўл излари яқинларидан босилган нажосат ҳиди аммиак билан қўшилиб димоққа урилар эди. Бир вагон олдида солдат чўққайиб ўтириб сариқ тишларини кўрсатиб:

— Во-ей, во-ей,— деб чинқираётган эди.

«Дизентерия,— деб ўйлади капитан, чека туриб.— Демак, тамом».

Уят ва алам ҳисси капитанни ҳамон тарк этмаганди. Буқрироқ бир чол оғир болтани зўрға кўтариб чиррий бошлаган шпалани ёряпти.

— Қаердансан?— сўради Незеласов.

— Сизранданман,— деб жавоб қилди чол.

— Қаёққа кетяпсан?

Чол болтани ерга қўйди, тирноқлари ёрилиб кетган яланг оёқларини шап-шун босиб, ғамгин:

— Бош оққан ёққа,— деб жавоб қайтарди.

Кекирдак олмаси қат-қат ажин билан қопланган, боланинг муштидек келар, гаплашаётганда томоқ ажинлари ёзилар, тоза, оқ териси кўзга йўл-йўл бўлиб кўринарди.

«Афғидан, кам гапиради шекилли» деб ўйлади Незеласов.

— Сизранда ерим бор,— куйиниб гап бошлади чол,— энг яхши қора тупроқ. Ер эмас, тилло, танга қилса арзийди... Ташлаб кетишга тўғри келди-я.

— Кўзинг қиймаяптими?

— Албатта, кўзим қиймаяпти-да. Лекин ташлаб келдим. Барибир бораман.

— Қийин. Йўл олис... жуда ҳам олис...

Чол болтани ерга қўймай бошини тебратди. Бутун вужуди билан оғир хўрсинди:

— Олис... Йўлда, жаноблари, Вершинин пайдо бўлганмиш.

— Ёлғон. Ҳеч ким йўқ.

— А? Ёлғон экан-да!— Чол жаҳл билан болтани ўтинга урди.— Келяпти, дуч келганни сўйиб келяпти, дейишди. Молларни ҳам аямай сўяётган эмиш, дейишди. Бутун умид бронапойизда дейишди. Фақат. Қаранг-а... Ёлғон экан-да?

— Ёлғон...

— Жудаям яхши, жаноблари. Балки Владивосток-

ка борарсан?.. Улмасак, мен кейин орқага қайтардим. А?

— Бардош беролмайсан... Уринма... Ҳа.

— Йўлда ўласан, дейсанми?

— Бу ер ёқмаяптими?

— Одамлар бегона. Бизларнинг одамларимиз меҳрибон, бу ерда гапиришни ҳам билишмайди. Хитойлар рус тилини ҳеч ҳам тушунмас экан. Турмушлари оғир. Жудаям. Қуртлаб кетасан бу ерда. Орқага қайтсак-чи, а? Ҳамма нарсани ташлаб орқага қайтсак? Большевиклар ҳам одамдир, а?

— Қайдам, — деб жавоб қилди капитан.

Кечқурун станцияни тутун босди.

Ўрмон ёнаётганди.

Тутун енгил, йссиқ бўлиб, ҳамма ёқдан смола ҳиди анқирди.

Станциянинг хурмага ўхшаш ғиштин уйлари, хитой фанзалари, сариқ гаолянзорлар кўкимтир тутунга чулғанди, одамларнинг қути ўчди.

Прапорщик Обаба қаҳ-қаҳ урди:

— Ғойибдан хабар қилувчилар-эй!.. Қўрқманг бунча!..

Кулгисини тутмоқчи бўлгандек узун қўллари ҳавода ўйнарди.

Жигар ранг мантоли, белини ип билан боғлаб олган заҳил юзли сил бир қочоқ жувон станцияда майда қадам ташлаб у ёқдан-бу ёққа югурар, пичирлаб:

— Партизанлар... партизанлар... тайгага ўт қўйишибди... отишаётганмиш... Вершинин келаётганмиш, — дерди.

Ун икки эшелондагилар ҳаммаси уни кўрди. Баҳмал мантоси кул билан қопланган, қоқ чакаklarини тер босган. Ҳаммани очликка ўхшаш зориқиш эзди.

Станция коменданти — солдатлар уни «тўртқат» деб аташар эди — хум калла, бўғотдаги муз сумалагига ўхшаш оппоқ мўйловли киши бошқаларни тинчлантирган бўлди:

— Телба эканда, бамайлихотир томоша қилаверинг. Парво қилманг.

— Чита ишғол қилинибди!.. Владивостокни ҳам большевиклар олибди.

— Ёлгон. Қулоқларингизга йўқ гаплар ҳам кирадиган бўлиб қолибди. Чита билан ҳозир гаплашдик, генерал Ноксинг энагасини телефон орқали қидирдик.

Ва мийғида киноя билан кулиб, дангал деди:

— Инглиз генерали Нокс энагасини йўқотибди. Қидирапти. Мукофот ваъда қилишди. Дипломатик энага-да, жиң ургур!

Гуллаб турган-шумуртга ўхшаш, жингалак соч оқ сариқ йигит штабнинг плакат ва оператив маълумотларини вагонларга ёпиштираётганди. Гарчи бу штаб қардалигини, большевиклар билан қимлар курашаётганини ҳеч ким билмаса ҳамки, ҳамма руҳланди.

Илиқ сув томчилари ерга шариллаб туша бошлади. Момақалдироқ гумбурлади. Тайга шовиллади.

Тутун кўтарилди. Сел тўхтаб, камалак ҳосил бўлганда яна кўкимтир паға-паға тутун бостириб келаверди, яна ҳаво исиб кетиб, нафас олиш қийинлашди. Ёпишқоқ лойдан оёқ узиш қийин эди.

Нам шудгор ҳиди келар, фанзалар орқасида ҳўл бўлган гаянзор шувилларди.

Икки казак платформага водокачка орқасидан фельдфебелнинг жасадини келтириб қолди. Пешанаси мажақланган, бурун ва қўнғир мўйлов қуюқ қон аралаш мия қатиғи билан булганган.

— Уни партизанлар...— бели ип билан боғлиқ манто кийган қочоқ хотин пичирлади.— Вершинин... Улар...

Жигар ранг вагонларда одамлар қимирлаб қолишди ва:

— Партизанлар... Партизанлар...— деб пичирлаша бошладилар.

Бир вагоннинг майдончасида жигар ранг манто кийган жувон турар ва солдатлардан ҳовлиқиб:

— Поездларингиз бизларни ташлаб кетишдими?— деб сўрарди.

— Халақит берманг,— деди унга Незеласов, ингичка бурунли бу жувонни бирдан ёмон кўриб қолиб.— Гапириш мумкин эмас!

— Улар сўйиб кетишади, капитан!.. Биласиз-ку!..

Капитан Незеласов эшикни қаттиқ ёпиб, бақирди:

— Даф бўлинг ҳамманг!

Яна телеграмма келтиришди. Кимдир темир йўл атропофларида изғиб юрган Вершинин тўдаларини ҳайдаб юбориш тўғрисида мужмал қилиб, рақамларни чалкаштириб буйруқ берган эди.

— Қани, америкаликлар, Обаба?

— Яқинлашиб келяптилар.

— Японлар-чи?

— Яқинимизда. Мукленка дарёсининг нариёғида, кўприкдан у ёқда.

— Бу хитой қаёқдан келган?

— Семичкафуруш.

— Семичка — хўжа кўрсинга. Бу сариқ кўзлар ҳаммаси шунақа. Сўранг-чи, кокаини бормикин?

— Кокаин борми?

— Кокаин йўқ. Семичка бор.

Обаб билан Незеласов кетишди. Хитой Син Бин-уларни орқасидан кузатиб, машинист Никифоровдан сўради:

— Капитан жаҳли чиққан. Солдат кам? Партизанлардан қўрққан.

— Солдатлари етарли.

— Қанча?

— Сенинг нима ишинг бор?

— Мани иш йўқ.

— Ишинг бўлмаса оғзингни юм! Қонун гапиришга рухсат этмайди, тушундингми? Мен, биродар, қонунни ҳамма нарсадан устун қўяман. Мен қонунни айниқса, ҳурмат қиламан, юк, йўловчилар поездлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ, паровозни мен поезднинг олдига қўяман, тушундингми?

— Бу — яхси.

— Албатта яхши!

— Американслар келар?

— Олдин улармас, қонунга кўра, биринчи бўлиб японлар келади.

Ростдан ҳам, аввал японларни келтиришди. Америкаликлар беш соатдан кейин келдилар.

Семизгина паровоз ўқтин-ўқтин нафас олиб перронга олти вагон япон солдати келтирди. Ундан кейин яна бошқа паровоз келди. Сариқ бош жўжаларга ўхшаш, тоза кийинган, жуссаси кичик одамчалар перронда ғимирлаша бошладилар.

Япон офицери капитан Незеласовни бронепоезднинг паровозидан топди. Япон офицери револьверининг қинини силаб, тирсакларини қимирлатиб, русча мулойим гапириб, «р» товушини тиниқ талаффуз қилишга уринди:

— Ман... под-рр-лючик Танако Муццо бўламан. Бирга жанг қилишга командировка қилинганман.

Бирдан овозини баландлатиб, афтидан, ёдлаб олган сўзини такрорлади:

— Мажақлаб ташлаймиз!.. Мажақлаб ташлаймиз!..

Унинг ёнида ялтироқ яшил тугмали френч кийган, йўл-йўл ранг пайпоқли америкалик мухбир турарди. У станциянинг у ёқ-бу ёғига кўзини ўйнатиб, қаламини тез-тез қимирлатиб ўрганган сўзини тез-тез такрорларди:

— Бу нимма?.. А, манна бу?.. Нимма бу?..

Обаб билан аллақандай бир офицер терлаб, йўталиб унга тушунтиришарди.

— Яхши,— деди Незеласов.— Обаб, жангга ҳозирланишни буюринг.

У оғир пўлат эшикни ёпиб чиқиб кетди.

— Кетдик, кетдик!— деб чинқирди у.

14—69 сонли бронепоездда қочоқлар вагонларидаги ғуссани кўриш, пайпаслаб қараш истаги унга ором бермасди.

Капитан Незеласов поезд ичида югурар, револьвери билан ваҳима сочар, вагонларнинг пўлат ва намат билан қопланган деворларидан ўта оладиган қилиб қичқиришга уринарди... Унинг бу овози нимага кераклигини ўзи ҳам билмасди.

Кир-чир солдатлар қаққайишар, тўртбурчак юзлар музларди.

Прапорщик Обаб капитаннинг орқасидан лом-мим демай, чаққон югурарди.

Буферлар жаранглади. Кондуктор қисқа ҳуштак чалди, темир пақир товуши эшитилди, темир изларни ерга босиб, станцияни, стрелочникларнинг кулбаларини, тутун босган ўрмонни, иссиқ ва нам шамол уфураётган ёнар тоғнинг харсангларини ортда қолдириб оғир вагон қутилар ғусса ва алам билан тўлиб-тошган юзлар

ча гавдаларни ичига сиғдириб зулмат қаърида олға уча бошлади.

Капитан Незеласов:

— Хўш, Россия техникасининг сўнгги намояндаси, 14—69 бронепоезд, шон-шухрат сари олға!— деб бақирди.

«Вершинининг партизан шайкалари бирлашган рус-иттифоқчи қўшинлари томонидан, 14—69 бронепоезднинг қўллаб-қувватлаши оқибатида тўзғитиб юборилди.

Биздан 42 киши ўлди, 115 киши ярадор бўлди. Иттифоқчиларнинг жанговар матонати ҳар қанча мақтовга арзийди. Душманни таъқиб этиш давом этмоқда.

14—69 бронепоезд бошлиғи капитан Незеласов. № 8701-19».

Незеласов буйруққа имзо қўя туриб кулди:

— Тўғриси, ким кимни тор-мор қилгани ноаниқ. Ҳар ҳолда, генерал Сахаров осилди. Эшитар қулоққа ёмон.

— Иккинчи буйруқни эшиттиришга рухсат этинг, капитан жаноблари?— сўради Обаба ҳурмат билан.

— Қанақа?

— Сизга полковник унвони бериш тўғрисидагисини.

— Марҳамат!

Незеласов мамнун, албатта, қўмондонлик унга бир неча унвон оша полковниклик мартабасини берганидан эмас, станцияларнинг бирида генерал Сахаровга қарашли бўлган бир неча вагон снарядни қўлга киритганидан. Яширмаган экан, аблаҳ, турган экан!

— Ҳа-ҳа! Шундай генерални осийди-я! Афсус, афсус. Менга қўшни бўларди! Менга у билан ёнма-ён ер беришганди, эшитганмисиз?..

Незеласов ўрнидан сакраб турди:

— Ўт очинг! Партизанлар юришибди!

Обаба бронепоезд бўйлаб югурди, артиллериячиларга:

— Ўт очинг! Ўт очинг!— деб қичқира бошлади.

чалвори отнинг туёғидек катта тиззаси кўзида таранг тортилди, денгиз шамолида қотган, қорайган юзи бурушди.

Васька Окорок Вершининнинг соқолига қорғин ва ўйчан нигоҳ ташлаб, дам олиш тўғрисида гапирётгандек:

— Расияда, Никита Егорич, албатта Вавилон миносини қуришади. Бизларни ҳам, албатта, калхат жўжаларни қувгандек ҳайдашади. Одам одамни танимай қолади! Мен сенга: «Никита Егорич, мусаллас ичасанми?»— дейман. Сен эса тала-бала, япончалайсан. Син Бин-у, эса, яшин ургур, русча ашула айтади. Шунақами?— деб бўлдиради.

Васька олдин конда ишлаган, гапирганида худди ёмби олтин топгандек ҳовлиқиб гапирди, ўзига ҳам, ҳеч кимга ҳам ишонгиси келмайди. Малла сочлари жингалак, бошини сарак-сарак қилиб қўяди. Денгиздан эсиб, ер ва дарахтларнинг ҳидини олиб келаётган қайноқ майин шамолда боши худди эриётгандек туюлади.

— Эҳ, мужиклар, бу иссиқлик яхшиликка эмас, ёмғир ёғадиганга ўхшайди,— деди Вершинин.

Ўрмон ва тепаликлардан одамлар, отларнинг оёқ товуши, арава, темир қурол-анжомларнинг гижирлаган ва шақир-шуқур қилган товушлари қўшилишиб, аллақандай товуш ҳосил қилиб қулоққа чалинарди. Тепада, қояларда кедрлар қорайиб кўринади. Юраклар иссиқдан қуриган шох каби ёнар, оёқларни эса ёнғин ичида қолгандек қўйишга жой топиб бўлмасди.

Орқадан ўқ товуши эшитилди.

Бир неча партизан отряддан орқада қолиб, отишмага ҳозирланди.

Окорок кулди:

— Аравалар олдига боргандим. Қизиқ!..

— Хўш?— сўради Вершинин.

— Хўроз қичқирди. Тентаклар паррандаларни ҳам олишибди. Мен уларга: «Сўйиб енг, барибир, ўлиб қолади»,— дедим.

— Қийин. Одамга ҳайвонсиз, паррандасиз қийин. Шуларсиз яшай олмайди одам. Ҳа...

Син Бин-у шангиллаб:

— Казаклар ямон. Япон ямон, хотинларни олади. Яхши эмас! Казаклар ямон. Рус қизиллар...— деди-да,

лабларини бурди, тишлари орасидан чирт этиб туфурди, олтин тусидаги юзи, қовуннинг уруғига ўхшаш тор кўзлари кулди:

— Шанго!..

Син Бин-у маъқуллаб, бош бармоғини юқори кўтариб кўрсатди.

Лекин яна ҳар галгидек, партизанларнинг қаҳқаҳасини эшитмай, деди:

— Яммон...— ва хафа бўлиб бурилди.

— Нима ёмон?— деб сўради Окорок.

— Ёмғир ёғади,— хитойнинг сўзларини тушунтирди Вершинин.— Ёмғирга хафа бўляпти. Олға, йигитлар, тезроқ юринг!

Отряд чаққонроқ одимлади.

Вершинин тепаликларга қараб, ҳамон отларнинг келишидан умидвор ҳолда отряд ортидан шошилмай қадам ташларди.

Тикка, қояли қирғоқда йўл тугаб, қояга тиркалган осма кўприк чиқди. Оқимнинг шиддат билан оқаётган қисми тошларга урилар, юқорига кўпик ва томчилар сачратарди: кўприк ҳўл, тийғончиқ. Партизанлар ўйлаб-нетиб ўтирмай, кўприкдан ўта бошладилар.

— Мужикларимиз яхши, дадил кишилар,— деди хўрсиниб Вершинин.— Отлар билан замбараклар ҳам бўлсайди...

— Бронепоезд ҳам!— илова қилди Васька.

— Нега кулясан?

— Никита Егорич, бизларга бронепоезд йўл бўлсин!

— Вавилон минорасини орзу қилиб юрибсан-ку. ўзинг?

— Ҳазиллашгандим.

— Мен эса жиддий гапиряпман.

— Вавилон минораси тўғрисидами, Никита Егорич?

— Йўқ, бронепоезд тўғрисида.

— Ҳўш?!

— От топ, ҳўш-пўшингни кейин айтасан.

Осма кўприкдан ўтаётиб Вершинин сўради:

— Бир оз дам олсакмикин?

Мужиклар тўхтаб, чекишди.

Лекин дам олмасликка қарор қилишди. Давья қиш-

лоғидан ўтиш керак, ундан нарида яна тепа бор, кечаси ўша тепада дам олиш мумкин.

Давья қишлоғи атрофидаги ғов ёнида оёқ яланг бир мужик оқ жийрон отини йўрғалатиб келиб:

— Жанг бўлди, бу ерда, Никита Егорич, — деди.

— Ким билан?

— Посёлкада. Япон партизанлар билан урушди. Роса жанг бўлди-да. Япон кетди-ю, лекин сезилиб турибди, эртага яна келади. Бизлар нарсаларимизни йиғиштиряпмиз, сизлар билан бирга тепага кетсакмикин, деяпмиз.

— Қанақа партизанлар? Кимларга қарашли?

— Билмайман. Сизларнинг волостдан эмас. Лекин христианлар. Пулемётлари бор, яхши пулемётлар. Росаям ўқ ёғдиради-да.

Кенг кўчада аравалар, одам ва отларнинг ўлиги ётарди.

Штик билан бўғизланган бир япон рус жасади устида ётибди. Руснинг кўк кўзи юзига оқиб чиққан, қон билан бўялган гимнастёркасида пашшалар ғужғон ўйнарди.

Тўрт япон худди уялаётгандек юзини ерга бериб ётипти. Елкалари илма-тешик бўлиб кетган. Мундирларининг елкаларида қаттиқ сочли бош териси кўзга чалинар, сариқ қўнжлар ялтирар, худди японлар Владивосток кўчаларида сайр этмоқчидек.

— Кўмиш керак эди уларни, — деди Окорок. — Сасийди.

Одамлар араваларга нарсаларини юклашяпти. Болалар молларни ҳайдашар, ҳаммаларининг юзлари ҳам одатдагидек осойишта-хотиржам.

Фақат ошпоқ бир кучукча ақлдан озиб ҳовлидан ҳовлига ўтиб, жасадлар устидан сакраб-сакраб айланарди.

Соч-соқолининг у ер-бу ерини куя еганга ўхшаш бир чол келиб қолди. Сочи тўкилган жойларининг териси қизариб турар эди.

— Урушиб юрибсизми? — деб сўради у Вершининдан ҳазин овозда.

— Урушишга тўғри келяпти, бобо.

— Қарасам — халқнинг шўри қурибди. Бунақа ярамас уруш ҳеч қачон бўлганмас. Подшо ҳам бў деди,

энди, қара, подшо ҳам у ёқда қолиб, бир-бирлари билан урушиб юришибди.

— Юришга юрибмизу, аравамиз шалақ, бобо! Бу арава аллақачон чириган экан, янгилаш керак.

— Нима?

— Подшонинг араваси шалақ бўлиб қолган, деяпман.

Чол бошини ҳам қилди, гўё оёғи остидаги шовқин-суронга қулоқ солаётгандек деди:

— Тушунмаяпман... Нима дединг?

— Арава бузилиб қолди, деяпман!

Чол, хўдди қўлидан сувни силкитгандек ҳаракат қилиб, тўнғиллади:

— Ҳа, ҳа... эндиги аравалар... Одамлар кофир бўлиб қолди, энди яхши арава қаёқда?

Вершинин сирқираб оғриётган белини уқалаб, атрофга қаради.

Кучукча ҳамон гирдикапалак бўлиб ангилларди.

Бир партизан карабиндан унга ўқ узди. Кучукча кулала тушди, худди уйқудан тураётгандек бутун гавдаси билан бир керишди. Жон берди.

Чол хуноб бўлиб гап бошлади:

— Қара, ит ҳам аламидан ўлди, Никита Егорич. Одам боласи чидайди-да... Чидайди, Егорич. Бранпойиз тепага чиқади, олиб чиқишади. Ҳаммани ўлдиради, ҳамма ёқни ёқади.

— Бекор гапни гапираверманг. Тепага темир йўл қурмагунча чиқариб бўлмайди.

Чол ғазаб билан туфурди:

— Чиқади! Японлар билан тил бириктиришинптими — чиқади! Япон билан америкаликнинг қўлидан ҳар иш келади. Ажалимиз етган экан, Егорич. Ажалимиз етган экан. Одамлар ёмғир остида қолган ғалладек чирияпти... Бу бранпойизинг капитани чор авлодиданмикин?..

— Вайсайвераркансан...

— Барвастаймиш, бўйи ҳам, айтишларича, бир сажендан новчароқ, соқоллариям...

Вершининнинг чол билан эзмалик қилиб ўтиргиси келмади, чаккалари боғлиқ мужик болани чақириб, унга:

— Генералдан динамит топиб олдик. Мукленкани яхши биларсан, кўприкни? — деди.

— Тажрибамиз кам эди-да, Никита Егорич.

— Бошқа одам йўқ. Динамитни ол, бронепоезд тайгада юрган пайтда, кўприкни портлат.

Тепалиқдан кўриниб турибди: яйловдан арава югуриб келяпти. Арава устида уч партизан тиззаларига динамит солинган яшикни қўйиб олишган. Мукленка дарёсидан ўтиладиган кўприк уларга кўриниб турган бўлса керак. Шундай отлардан икки юзтаси топилганда, бунақа ташвиш бўлмасди! Мужиклар Сахаровнинг отларини ҳайдаб кетишган, уларни мана энди қайтариб олиб кўр: от қиммат ҳозир, эҳ, жуда ҳам қиммат, тушунарли. Тушунишга тушунарли-ю, лекин отларни йиғиш керак!

— Никита Егорич, ҳе!

Васька Окорок унга мурожаат қилди:

— Ўртоқ қўмондон! Генерал Сахаровнинг собиқ позициясига қараб унга ёрдам учун америкаликлар келишяпти.

— Америкаликлар? Қанча?

— Бир ротача бор?

— Мукленка отрядини жўнат.

Винтовка билан қурулланган йигитлар гармонь чалиб ашула айтиб йўлга чиқишди:

Эҳ, аравам-амиркон,

Мен алдамчи бир жонон.

Вершинин қошларини нохуш чимирди ва ҳатто ер тегинди:

— Нима, уларинг бошқа ашула топишолмаптими?

— Ашула яхши, Никита Егорич, шўх ашула-ку, — ҳайрон бўлиб деди Васька.

— Рақс тушгани яхши, лекин жангга ярамайди. Жанг учун вазмин қўшиқ керак, иблислар!.. Етти карра етти неча эди ҳали?.. Ҳеч эсимда турмайди!

Шаҳар ҳам иссиқ. Денгиз сокин. Денгиз сукунати кемаларга ёрдамлашаётгандек — кемалар бирин-кетин портга чиқишяпти. Қалъадан салют овози келяпти,

қирғоқда юрган бекорчилар мамнун қарашяпти: генерал Сахаров снарядларнинг ҳаммасини олиб кетибди, деб вақиллашганди. Олиб кетган бўлса қалъада замбараклар шунақа сайрармиди? Тагин генерал Сахаровни партизанлар осган эмиш, деб ҳам гапиришга журъат қилишади-я!

— Бунақа миш-мишлар учун, жаноблар, осиш керак, ҳа, осиш керак!

— Анави пушти кема кимникийкин?

— Италияники.

— Кечирасиз, Италияники эмас, Португалияники.

— Барибир эмасми?

— Нега барибир бўларкан? Осиш керак!

Қирғоқда пудратчи Думков, Надежда Львовна Неласова ва Варя юрибди.

— Ўғлингиз қалай у ёқда?— сўради Думков.— Яъни Александр Петрович?

— Жанг қилипти,— деб хўрсиниб жавоб қайтарди Надежда Львовна.

— Шу ерда бўлсайди. Ҳа! Юк ташувчиларни жинурди.

— Нима бўлди?

— Айнишди. Мен кемани бўшатишим керак. Америкаликлар мол келтиришган.

— Снарядми?

— Снаряд ишқал бўлиб турибди. Улар ҳозирча газлама юборишибди.

— Худога шукур-э! Россияни яп-яланғоч ҳолда қутқазиб қоляпмиз-а.

Сарой тагида осмонга қараб ётишган юк ташувчилар олдидан ўтишди. Надежда Львовна билан Варя уларни пайқамади, лекин юк ташувчиларнинг бу бепарволиги, Думковнинг гашига тегди, жаҳли чиқди.

Думков ҳамроҳларидан кечирим сўраб, катта-катта қадам ташлаб юк ташувчиларнинг олдига бориб, шартта тўхталди:

— Йигитлар, нима, юкни туширишга команда бўлмадимми дейман?

— Бўлди.

— Нега ётипсизлар бўлмаса?

Сукут.

— Мен кимман сизларга?

— Пудратчи.

— Нега менинг буйруғимни бажармаяпсизлар?

— Узинг бажар.

— Полицияни чақирайми, казакларни, японларни чақирайми?

— Қўрқитма!

Бекса темирйўлчи Филонов қўлида тугуни билан уларнинг ёнидан ўтди.

— Ўғлимга передача олиб келгандим, олишмади. Қачонгача бу гаплар, э худо!

— Забастовкагача.

— Забастовка!— деб пичирлади пудратчи, шошилинч кета туриб.

Филонов юк ташувчиларга:

— Забастовка қиласизлар, ё ҳаммаларингизни отиб ташлашади, ё оқ армияга сафарбар қилишади,— деди.

Юк ташувчилар орасида ётган слесарь Лиханцев пудратчи келиши билан узилган ҳикоясини давом эттирди:

— Шундай қилиб, оғайнилар, ўша француз докерлари ўша француз солдатларига дангал...

— Қара!

Қувноқ, қизил юзли юк ташувчи ўрнидан туриб кемани кўрсатди. Кема занжири шақир-шуқур қилиб, лангар туширилди.

— Японникими?

— Американики,— деб жавоб қайтарди қувноқ юк ташувчи.— Тушунарлими?

— Пачақ экан-ку, тушунарли.

Америка солдатлари взводи ўтди, унинг қаршисидан японлар взводи чиқди, офицерлар бир-бирларига честь беришди. Шўх юк ташувчи эса:

— Америкалик ҳам пачақ экан-ку!— деб хахолаб кулди.

— Японнинг ҳам мазаси йўқ. Кийими янги-ю, ба шаралар пачақ. Уруш-да.

— Бас!— юк ташувчи шунда Лиханцевга мурожаат қилиб, қизиқиб сўради: — Ўша француз докерлари дангал нима қипти?

— ...Француз докерлари ўша француз солдатларига: «Кўғирчоқлар!» — дейишибди.

— Тўхта! — унинг гапини бўлди шўх юк ташувчи. — Мен сўраб билмоқчиманки...

У Пеклевановнинг қаердалигини, тайгадами ё шаҳардами, унинг фикри қанақалигини билмоқчи. Лекин у ўртоқларига қаради; улар ҳам шу тўғрида сўрамоқчи, лекин ҳозир Пеклеванов тўғрисида сўрашнинг мавриди эмаслигини билиб турганликларини фаҳмлади...

— Нима демоқчийдинг?

— Йўқ, ўзим... ўзим тўғримда сўрамоқчийдим...

Кечқурун юк ташувчиларнинг забастовкаси бошланди.

Кечаси Пеклевановнинг кулбасига слесарь Лиханцев, ярим соатдан кейин эса Знобов кириб келди. Знобовнинг фикрича, юкчилар забастовкаси умумий забастовкага айланади, умумий забастовка эса...

У кўзларини катта очиб, нафас ҳам олмай, Пеклевановга тикилди.

Пеклеванов Знобовнинг қувонч ва ташвишини тушуниб, унинг елкасига қўлини қўйди:

— Знобов! Лиханцев ҳам муҳим хабар топиб келди: артиллерия омборлари ростдан ҳам бўш эмиш.

— Ишонishingни ҳам билмайсан, ишонмаслигингни ҳам, Илья Герасимич. Балки оқлар провокация қилаётгандир.

— Нега?

— Бемаҳал исён кўтартириб.

Пеклеванов қўлини қўлига уриб, кулди:

— Эҳ, қандай яхши!

Қатъиятсизлик билан, хушxabарга ишонқирамаётгандек, Машанинг олдига ёни билан яқинлашди:

— Эшитдингми, Маша? Қандай яхши-а!

— Оқлар оқлигини қилади, — деди Маша. — Разиллар.

— Шунчалик ҳам бўладими! Шундай масъулиятли пайтда ҳамма снарядларни олиб кетишса-ю, замбараклар қолса!

— Сахаровнинг замбараклари бор.

— Кам, кам-ку!

Бир оздан кейин матрос Семёнов келди. Знобов уни кулбанинг бир бурчагига тортиб, реўкомнинг қарорига мувофиқ у, Семёнов Вершинининг олдига жўнатилишини тушунтирди.

Семёновнинг ранги ўчди.

Знобов матроснинг қути ўчганини сезмай, гапини давом эттирди:

— Вершинини исёнимиз плани билан таништириб, кейин қайтиб келасан. Таъкидла, темир йўлга чиқсин. Бизга снаряд керак, снаряд! Генерал Сахаров артиллерия снарядларининг ҳаммасини олиб кетган. Шаҳарда замбарак бору, ўқ йўқ.

— Биладан, — деди Семёнов гандираклаб ва ранги баттароқ ўчиб, — лекин боргим келмаяпти!

Пеклеванов яқин келиб Семёновнинг қўлидан ушлади:

— Биз Вершининга ўз планларимизни мажбуран қилдиrolмаймиз, лекин ҳар ҳолда Вершинининг темир йўлга чиқиб, бронепоездни эгаллагани маъқул. Снарядлар ортилган составларни ҳам қўлга киритса! Уларни шаҳарга олиб келса, айти муддао бўларди!..

— Илья Герасимич! Мен исёнда қатнашмоқчи эдим-да.

— Ўртоқларинг шуни сендан талаб қилади, Семёнов.

Тайга ёняпти.

Америкаликлар отряди яқинлашиб келаётган ёнғиндан хавотирланиб-хавотирланиб, ўрмон этагида одимларди. Қумлоқ йўлни кул қопламоқда, йўл атрофидаги қалин ёш қарағайларнинг шохларини ҳам кул қоплаган. Атроф тутундан қоронғилашган, қурум юзларга ҳам тушяпти. Қаёққа қарама, ҳамма нарса таъби хира қиларди.

Отряд орқасидан кичиккина карвон борарди.

Металл банкалар ортилган бир арава карвондан орқада қолди. Аравакаш — паст бўйли ёшгина йигит аравадан сакраб тушиб, гилдиракларга қаради. Араванинг ўқи шикастланганга ўхшайди. Новча узун юзли, тишлари йирик иккинчи солдат ёнаётган тайгага қараб бўғиқ овозда деди:

— All is on fire, all! Why are we here?¹

— Ёш солдат бошини кўтарди:

— I'll tell you...²

Унинг гапи оғзида қолди. Қалин қарағайлар орасидан милтиқли икки мужик билан икки аёл чиқиб келди. Ёшроқ солдат қаршилик қилмоқчи бўлганди, аёл ўғирнинг дастаси билан унинг бошига уриб, тинчлантириб қўйди.

— Боғла!— деб буйруқ берди чўтир мужик ўзига ўзи ва новча солдатнинг қўлини боғлади.

Аёлларнинг бири — Настасьюшка Вершинина. У дугонасининг бир банкани очиб қараганини, кўтариб ичганини томоша қилиб турди. Банка унинг қўлида титради, суюқлик тўкилди.

— Маззайкан!— деди аёл Настасьюшкага ўгирилиб.— Қарасам, Настасьюшка, рангинг ҳам оқармабди-я. Наҳотки жанг қилиш сенга қўрқинчли бўлмаса?

— Жудаям даҳшат!

— Шундаям урушиб юрипсанми?

— Мужигим сержаҳл бўлиб қолди,— деди Настасьюшка.— Осон эмас унга, ҳозир қувноқ ҳам эмас. Илгарилари жуда қувноқ эди.

— Зарари йўқ, яна қувноқ бўлиб қолади.

Олисдан қулоққа ўқ товуши, қичқирдиқлар чалинди. Аёллар бир-бирларининг қўлларидан ушлаб ўқ товуши келган томонга қарашди.

Партизанлар келишди:

— Нима қилдинглар?

— Мана, бир келгиндининг овозини ўчирдик.

Куйган кулбалар ёнидан, қиялик бўйлаб Вершинин черковга борар эди. Бутун қиялик отлиқлар, аравалар, капалар билан тўла. Черков ҳам ёнғиндан шикастланган, унга кенг йўлак орқали борилади.

— Никита Егорич, шаҳардан қандай хабарлар бор?— деб сўрашди аравадагилар.

— Кутяпмиз, кутяпмиз!

Оёқ яланг, сочлари опноқ, кўйлак ва чориқлари йиртиқ бир мужик бола йўлда тўхталиб алам билан чинқирди:

¹ Ҳамма нарса ёняпти, ҳамма нарса! Бизларни нега бу ёқларга келтиришди?

² Мен сенга айтсам...

— Никита Егорич, ўлиб бўлдик-ку! Жаҳон инқилоби яқинлашдими?

— Жаҳон инқилоби ўзимиз-да.

— Ўзимиз?

— Ҳа, сен ва мен.

Оёқ яланг мужик бола зўр таажжуб билан ўзига тикилди:

— Ё худо!

Вершининнинг қаршисидан Окорок югуриб чиқди.

— Васька! Кўприкда нима гап?

— Никита Егорич, портлатилганига ярим соатча бўлди, ҳеч дарак йўқ! Портлаш товушини ҳаммамиз эшитдик — ҳеч дарак йўқ!

— Одам юбор.

— Никита Егорич, мериканларни, хабар келди, тор-мор қилишибди. Эшитдингми?

— Ғалаба катта эмас: бир рота экан.

Вершинин черков томи томон юрди.

Черков томига чиқадиган қилиб нарвон кўприк қурилган, ундан кўп киши осонгина юқорига чиқа оларди, черковнинг томи энди ҳам кузатув пункти, ҳам штаб жойлашган жой эди.

Черковнинг томи ёнган, тунукалари куйган, оёқ остида ётарди; чириган тунукаларга кишиларнинг оёғи тегиб қирсилларди. Стропиллар четга суриб қўйилган, у ер-бу ерга тахта ташланган, жомхонада тили кўк камар билан боғланган қўнғироқ тагида ёзув столи, куймайдиган шкаф ва стуллар қўйилган.

Вершинин мактаб ўқувчиларининг дафтарига алланималар ёзиб ўтирган, соқоллари қирилган бир партизандан сўради:

— Кўприкдан дарак борми?

— Йўқ, Никита Егорич.

Васька келди. Унинг орқасидан мункайиб қолган бир чод эргашган эди.

— Бобо, нима керак эди сенга?

— Мен ибодат қилмоқчийдим. Ибодатхонага кирсам, ҳамма ёқ пулемёт, қурол. Иблислар, худонинг эҳромини нима қилмоқчисанлар? Нима, бузмоқчимисанлар?

— Бобо, сенга Расия керакми?— сўради Вершинин.

— Расиясиз яшай олармидим мен? Русман-ку ахир.

— Шундоғ бўладиган бўлса, бобо, Расия учун ибодат қил, Мукленкадан ўтиладиган кўприкни яхшилаб портлатишсин, шунга дуо қил.

— Кўприкни бузмоқчимисан? Кейин ким қуради уни? Яна ўзимиз-қурамиз-да!

— Бу провокатор қаёқдан келиб қолди?— хуноб бўлди Окорок.— Егорич, бу аблаҳнинг тумшугига туширайми?

Вершинин стол ёнида ўтириб, далага қараб тўнғиллади:

— Худо... Худо худо-ю, лекин ўзинг ёмон одам бўлма-да. Худо, кўряпсанми, жазо отряди бутун қишлоқни ёндирганда индамади, ибодатхонани ўзига қолдирди. Бизга бунақа худо керакмас! Уч карра етти — йигирма бир. Бу тўғри. Худо эса... Тўққиз карра тўққиз қанча бўлади? Мана буни худо билади. Васька, пастда нега бақиряпти?

— Ёрдам етиб келди.— Васька жомхонадан пастга қараб бақирди:— Йигитлар, қайси волостдансизлар?.. Подлисьеволиклар ва комендантчилар келишди, Никита Егорич. Озмунча халқни оёққа турғизмадик. Никита Егорич. Милёндан кам эмас!

Оғир қадам остида тахта қисирлади, пушти ранг кўйлак ва қўнжи баланд ов этиги кийган бир хотин кўринди:

— Биродарлар! Никита Егорич! Асир олиб келишди! Сенинг Настасьюшканг тутиб келганмиш!

— Денгизда ҳам сузган, интервентларни ушлаш унга писанд эмас,— деди секин Вершинин.

Сочсиз, сал маст мужик оқ жийрон отга беаёв қамчи босиб муюлишдан ўтди.

У отнинг яғринига ёпишган, юзида қувонч қалқиб, муштини туккан, завқ билан бақирарди.

— Амирконни тутдик, оғайнилар-р!..

Окорок бақирди:

— О-хо-о!

Муюлишда милтиқли уч киши кўринди.

Уларнинг ўртасида ёзги фланел формада америка солдати бир оз оқсоқланиб келарди.

Унинг соқоли олинган, ёш кўринарди. Очиқ оғзи-

даги тишлар ваҳима аралаш титрар, ўнг юзида ёноқ мушаклари бўртиб қалтираётганди.

Америкаликни олиб келаётган узун оёқли, сочлари оқарган мужик:

— Каттаконларинг ким?— деб сўради.

— Қайси масалада?— сўради Вершинин.

— Каттаконимиз ўшанинг ўзи, ўзи!—бақирди Окорок.— Никита Егорич Вершинин! Сен қандай қилиб тутганларингни гапиравер!

Ибодатхона одамга тўлди, Син Бин-у ҳам югуриб келиб қолди. Новча америкаликни олиб келган чўтир мужик ўрнидан турди. У шошилмай гап бошлади:

— Биз буни, Никита Егорич, ҳаққонийлигинг туфайли, демак, олдиларингизга олиб келдик. Суд қилинглр.

— Ўзинг қайси қишлоқдансан?— сўради Окорок.

— Ким?

— Сен, деяпман.

— Менми? Биз бутун қишлоғимиз билан бирга жанг қилиб юрибмиз... Пепино қишлоғи, эшитганми-сан?

— Ўт қўйишган, деб эшитгандим.

— Ўт қўйишди. Сизларда, ишқилиб, ибодатхона қолибди, бизларда ҳаммасини ёндириб юборишди. Эҳ, сен!— Чўтир америкаликнинг бўйнига бир мушт урди, яна бир урмоқчи эди, Окорок уни тўхтатди. Чўтир мужик гапини давом эттирди:— Йўлда хотинларни учратиб қолдик. Улар: «Амириконларни кўрдик, анав ёқда» деб қолишди. Биз ўша ёққа қараб юрдик...

Чўтир мужик туфламоқчи бўлди, лекин атрофга кўз ташлаб, шундагина ўзининг ибодатхонада эканини фаҳмлади, бошидан шапкасини олиб, стропил яқинига бориб, пастга туфлади. Шапкасини ушлаган ва қўнғироққа ҳурмат билан тикилган ҳолда у ғазабланиб гапини давом эттирди:

— Бу амириконлар ўтиб кетишаётган экан... Тунука банкаларда сут тапишаётган экан! Ғалати халқ, қарасам! Бизларни босиб олишга келишибди-ю, шоколад билан сут ичишмоқчи!

Америкалик қаддини солдатларча ростлаб турар, судьяга қараётгандек, Вершининдан кўз узмасди.

Мужиклар тўпланишди. Улар дарғазаб эдилар.

Америкаликнинг димоғига тамаки ва мужикларнинг аччиқ тер ҳиди урилди.

Бир-бирларига сиқилишган гавдалардан ҳарорат чиқиб, бошдан оёқ ҳамманинг қалбини бир ғазабу алам чулғаб олмоқда эди.

Мужиклар чуғурлаша бошладилар:

- Нимани кутишяпти!
- Аблахни отиб ташламайдими!
- Қиймалаб ташла!
- Даф қилинг!..
- Бошқа гап йўқ!

Америкалик солдат сал энгашди ва қўрқув ичида бошини елкаси ичига тортди, унинг бу ҳаракати мужикларнинг ғазабини тобора орттирди.


- Ут қўйиб юришибди, аблахлар!
- Хўжайинлик қилишяпти!
- Ўз юртларидагидек!
- Зўравонлар-эй!
- Чаллаганмидик!
- Тумшугига бир сол, ибодатхонадан учиб кетсин!
- Суд қилиб ўтиришадими! Аллақачон ҳукм чиқарилган!

- Шунақа хўжайинларга мунтазирмидик?
- Ўлдириш керак!— деди оломондан биров.— Ўлдириш керак, бошқа гап йўқ!
- Васька, пана қилма! Бехосдан оёғимиз остида қолиб кетма тағин!

Васькани қўрқитиш қийин. Америкалик унга қапишди, Васька жаҳл билан оломондан сўради:

— Ўлдириш керак? Бировни ҳамма вақт ҳам ўлдириш мумкин. Жуда осон. Қишлоқларимиз кўчаларида ўлдирилганлар озмунча эмас, ётишипти. Ҳозир, оғайнилар, бахтимиз юришган. Генерал Сахаровни осдик, америкаликларни енгдик. Мукленкадаги кўприкни портлатдик, 14—69 бронепоезд бурчакка сиқиб қўйилган! Биз овқатланамиз, мусаллас ичамиз, кейин, бронепоезд ўз қўлимизда бўлади. Демакки... Оғайнилар, бу жин урган америкаликка ташвиқот қилмоқ керак!

Васьканинг гапидан мужиклар кулишди, қаҳ-қаҳ уришди.





Сочсиз мужик туфугини сачратиб Васькага бақирди:

— Сен, Васька, шимингнинг тугмасини қадасангчи!

— Вась, майли, ечавер!

Мужиклар томда ва тахта тўшама устида ўзаро гаплаша бошладилар:

— Васькага ҳеч ким бас келолмайди.

— Тош ҳам гапга кўнади, бу одам-ку ахир.

— Тушун,— деди хитой гердайиб.

— Сол!..

Норғул хотин Авдотья Степченкова малла юбкасини кўтариб, энгашиди ва америкаликнинг елкасидан туртди:

— Сен тушун, тентак, сенга яхшилик қилишяпти.

Америкалик солдат мужикларнинг серсоқол қизил юзларига, Васьканинг тугмалари ечилган шимига қаради, нотаниш гапларга қулóқ солди, соқоли қирилган юзида сал кулги жилоланди.

Мужиклар зарда билан унинг атрофидан ўтишар, уни туртишар, у сувдаги япроқдек қалқирди, қар одам билан гаплашаётгандек унга бақирди.

Америкалик эса кўзларини жавдиратиб, худди тутун ичида қолгандек, бошини юқори кўтарар, илжаяр, ҳеч нарса тушунмасди.

Окорок америкаликка овози борича бақирди:

— Сен у ёқда уларга тушунтир. Муфассалроқ. Яхши эмас, де.

— Бизга халақит беришмасин!

— Ўз биродарларига қарши боришга мажбур қилишади!

Вершинин вазминлик билан деди:

— Яхши одамларсиз, тушунмоқларинг керак. Бизларга ўхшаш деҳқончилик қиладиган одамлар. Японугуруч ейдими, нима, унга бошқача гапириш керакми!

Окорок америкалик олдида вазмин қадам ташлаб мўйловини силаб, деди:

— Бизлар йўлтўсарлик қилаётганимиз йўқ, тартиб ўрнатаймиз, билдингми. Сизлар буни билмайсизлар, денгизнинг нарёғи олис, бегона юртнинг кишиси-сан...

— Тўғри: бегона юртдан келган.

Хитой Син Бин-у гапга қўшилди:

— Ўз юртинг тартиби керакми, а? Мен Хитойим ҳам тартиб керакми?.. Сан тартиб манга керак йўқ!

— Тўғри, тўғри, хитой!

— У ҳам бегона юртдан келган, лекин тушунади.

Овозлар борган сари баландлашди, қуюқлашди.

Америкалик ноилож атрофга аланглар ва:

— I don't understand! — деб жаврарди.

Мужиклар бирдан жимиб қолишди.

Васька Окорок:

— Тинч қўйинг. Русча билмайди-ку, ахир, бу шўрлик! — деди.

Мужиклар ўзларини америкаликдан сал орқага тортишди.

Вершинин мужикларнинг хижолат тортганларини фаҳмлади.

— Буни карвонга жўнатиш керак, эзгилаб ўтиришнинг нима ҳожати бор, — деди у.

Васька эътироз билдириб, қаттиқ туриб олди:

— Йўқ, у бизларни тушунини керак! Сўз топиш лозим... Эҳ, бирорта суратли китоб бўлгандайди... Суратли китоб, деяпман, жин ургурлар!

— Суратлиси қаёқда, Васька, — деди пушти ранг рўмолли хотин. — Китоб бор эди, русчайди-да, уларни ҳам тамаки ўраб чекиб юборишди.

— Тушунади! Фақат китоб топиш керак... ё бўлмаса... шунақа бир сўз бўлсаки...

Америкалик оқсоқланиб, бир оз гандираклаб зўрга турар эди.

Шамол пичан ғарамини тўзитганидек, русса унинг юзини буруштираётгани авзойидан кўринаётганди.

Син Бин-у америкалик яқинида ерга ётиб, кафтлари билан кўзларини беркитди, хитойча бир қўшиқни хиргойи қила бошлади.

— Азобга солиб қўйдинг-ку, — деди Вершинин, ташвишланиб. — Бунақа сўз топилмапти!

— Бор, — деди Васька, ўйланиб ва равшан қилиб айта олишига шубҳалангандек, қатъиятсизлик билан. — Бор! Сўз бор.

! Мен тушунмаяпман!

Васька қувониб қўлини силкитди, америкаликни ёқасидан ушлаб ўзига тортди, кейин юзига қараб:

— Сен, йигит, қулоқ сол!— деди.

Васька қижжалаб, овозини борган сари кўтариб бақирди:

— Ле-е-е-ни-ин... Ленин!..

Бу сўз томда, партизанлар билан тўлган тахта тўшама, майдон устида янгради. Мужиклар, аёллар, болалар бошларини юқори кўтаришди, капалардан бошларини чиқаришди, отлар устида қотиб туришди:

— Л е н и н!

— Ленин?— гўё ўз овозини ўзи ҳам танимаётгандек секингина сўради америкалик.— Ленин?

Мужиклар яна йиғилишди, улардан яна нон, тамаки ҳиди анқиди.

— Ленин,— қатъий ва баланд овозда такрорлади Васька ва майингина жилмайиб қўйди.

Америкалик бир сесканиб тушди, кўзлари чақнади ва қувонч билан:

— That is a boy¹,— деди.

Васька кўкрагига мушти билан уриб, мужикларнинг елкаларига қоқиб, қичқира бошлади:

— Совет республикаси!

Америкалик мужикларга қўл чўзди, юзлари пирпирлади ва ҳаяжон билан қичқирди:

— Ура! Hourray! All right!²

Мужиклар хурсанд бўлиб қаҳқаҳа уришди.

— Тушунди, аблаҳ!

— Вой ярамас-эй!

— Бу Васька америкачани ҳам қотирворяпти-ку, а!

— Васька, сен уларнинг буржуйларини боплаб бир...

— Болохонадор қилиб, онасини!

Пушти ранг рўмол ўраган хотин пастдан, черковдан катта бир бутни олиб кела ётиб, атрофдагиларга тушунтирарди:

— Бунда ҳам сурат бор. Муқаддас бўлса ҳамки, авлиёларнинг иши тасвир қилинган-да.

Васька унинг қўлидан бутни олди, ўйлаб-нетиб ўтир-

¹ Мана буни йигит дейдилар!

² Жуда соз!

май, бутун аъзойи баданини ҳаяжон чулғаган ҳолда, деди:

— Муқаддас дейсанми? Муқаддасидан ҳам фойдаланаверамиз.— Бармоғини туфуғи билан ҳўллаб, ўқиш учун бутдаги ёзувни артди. Бутда тавротдаги афсоналардан бири акс ёттирилган эди: худо Авраамнинг содиқлигини синаш учун ўғли Исаакни қурбонликка келтиришни буюради. Авраам бу буйруқни дарҳол бажо келтиради, ўғлини бир боғ ўтин устига ётқизиб, пичоқни қинидан чиқзади. Булутлар устидаги худо бу қурбонликка қараб мамнун томоша қилиб турибди. Бут янги — уни яқиндагина дўкондор Обаб черковга ҳадя қилган эди. Бир маҳаллар жуда бой бўлган, ҳозир эса шаҳарга Петербургдан қочиб келган машҳур рассом ярим пуд ун олиб, бу бутни чизиб берган эди. Епископ Макарийдан салбчилар ва Авраамнинг худога эътиқоди зўрлиги тўғрисидаги ваъзни эшитган дўкондор ҳам санийликда Авраамдан қолишмасликка ҳаракат қилганди. Ишқилиб, Авраамга ўхшасин-да: худо Авраамнинг қўлини баланд қилган...

Васька бутдаги ёзувни бармоғи билан кўрсатиб америкаликка ҳижжалаб ўқиди:

— «Авраам Исаакни қурбонликка келтирди». Жуда соз. Қулоқ сол! Мана бу, пичоқ ушлаб тургани буржуй. Қара, қорни қапнайган. Бу қорин устида занжирли соати ҳам бўлиши керак эди. Ёғоч устида эса қўли боғлиқ пролетариат ётипти. Тушундингми? Пролетариат.

— Пролетариат. Ишчи... мен... ишчи... — имо қилиб кўрсатди америкалик. — Auto... jam a worker from Detroit auto-works!¹

— Тушундингларми? — деб қичқирди Васька ҳаммага. — Ишчийкан! Буржуйлар уни мажбур қилиб сафарбар қилишган! — Васька америкаликка қараб муурожаат қилди: — Қара. Бизнинг пролетариатимиз ўтин устида ётибди. Буржуй уни сўяяпти. Мана бу ерда, булутлар устида эса худога ўхшаб, америкаликлар, японлар, инглизлар, империализмнинг ҳамма маразлари ўтириб олиб, урушга раҳнамолик қилишяпти! Бизларга қарши, тушундингми?

¹ Мен Детройт автомобиль заводининг ишчисиман.

— Империализм?— сўради америкалик.— Импе-
риализм йўқолсин!

— Тўғри! Йўқолсин!

— Даф қилиш керак уларни!

Васька фуражкасини зарб билан ерга урди.

— Буржуйлари билан империализм даф бўл-
син!

Син Бин-у америкаликнинг олдига югурди, иштони-
ни кўтариб-кўтариб қўйиб, ошиқиб гапира кетди:

— Рус ресипублика. Хитой ресипублика. Мерика
ресипублика. Яхши. Япон ямон. Қиззил ресипублика
яхши, керак. Керак...

У атрофига нигоҳ ташлаб, оёқларининг учида тур-
ди, бош бармоғини юқорига кўтариб кўрсатиб,
деди:

— Яхши.

Вершинин фармойиш берди:

— Овқатлантинринглар уни. Кейин йўлга олиб чи-
қиб, қўйиб юборинглар.

Кузатиб борадиган соқчи чол:

— Кўзини боғлаймизми, дейман? Шерикларини
олиб келмасмикин?— деб сўради.

— Кимнинг кўзини боғларканмиз? Ҳеч кимнинг
кўзини боғламаймиз: ўз совет еримизни қандай ҳимоя
қилаётганимизни кўриб қўйишсин.

Мужиклар ҳам кўна қолишди:

— Сотқинлик қилмас.

Васька эса томдан қичқирди:

— Тушунтириб қўйдим. Ҳаммага ҳам тушунтирса
бўлади. Фақат юрак керак.

У ашула бошлади, йигитлар унга жўр бўлишди:

Инглиз тамакисини чеккан,
Рус мундирини кийган,
Япон погонин таққан
Омскийнинг ҳокими...
Аравам — амирикон,
Мен алдамчи бир жонон!
Тамакиси тугади,
Мундири бўлди адо.
Погони тез титилди,

Ҳоким бедарак жилди...
Аравам — амирикон,
Мен алдамчи бир жонон...

Вершинин шу қўшиқни тинглаб тахта тўшмадан пастга, одамлар орасига тушди, одамлар орасидан қувонган америкаликни олиб ўтишаётган эди.

— Васька! — қичқирди Вершинин юқорига қараб. — Биров от қўйиб келяпганмиш, қара-чи. Мукленкадан-масмикин? Нега бедарак кетишди?

Васька пастга тушди.

— Мукленкадан ҳамон ҳеч ким йўқ. Бу бошқа биров, — деди секингина.

Вершинин бинокли билан қаради, уни кўзидан оларкан, юзида ташвиш аломати пайдо бўлиб, деди:

— Матрос Семёнов-ку, шаҳардан.

— Пеклевановнинг олдидандир?

— Бошқа қаердан бўларди? Юрагимга гулгула тушди, Васька, Пеклеванов интизом талаб қилади, бизларда эса. От қани, дейди? Замбаракларни қандай ташиймиз?

Шунинг учун ҳам Вершининнинг овозида қувонч ҳам, жиддийлик ҳам, ғусса ҳам бор эди. Семёнов уни мақтади, Пеклевановнинг мамнунлигини ва бутун ревком хурсандлигини айтди, Вершинин эса мийиғида кулиб, деди:

— Бекорга мақтаяпсан, бекорга. Мукленкадан ўтиладиган кўприкни портлатдик, хабар кутяпман, лекин дарак йўқ... Мужикларга бирор нарса демайсанми?

— Майли.

Семёнов шаҳардаги забастовка ҳақида, унинг умумий забастовкага айлангани, бутун РСФСР партизанларнинг интервентларга қарши курашини катта эътибор билан кузатиб тургани тўғрисида гапирди, у узоқ ва қизғин гапирди, шунчалик берилиб гапирдики, эгнидаги титила бошлаган ва қўнғирлашган чарм куртканининг елкалари нам бўлиб қорайди. Вершининнинг хаёли ҳамон Мукленкада, Сахаровнинг замбараклари ва отларида эди. От ҳали ҳам йўқ, йўқ. Семёнов нутқини тугатиб, ҳаяжондан қалтираб Вершининнинг ёнига туншаркан, унга ҳам:

— Мукленкадан дарак йўқ, хавотирланяпман,— деди.

— Ғалаба қозонолмаймиз деб қўрқяпсанми?

— Нега қўрқарканман?— жавоб қилди Вершинин.— Албатта, балки Семёнов, мен билан сени ер тишлатишар, лекин биз барибир ғалаба қозонамиз. Тўғриси айтсам, ҳаммадан кўпроқ қўрқадиган жойим, шундай мамлакатни қандай бошқара оларканмиз, деб қўрқаман.

Семёнов бурнини енги билан артиб жавоб берди:

— Урганамиз, Никита Егорич.

— Урганамиз! Олдин рўмолча тутини ўргансангчи, кейин мамлакатни бошқара оламиз деб мақтансанг ярашар. Васька, генералнинг рўмолчаларидан олиб кел бу ёққа.

Васька кетди. Вершинин Семёновга тушунтирди:

— Яхши йигит, лекин лақма. Нега Мукленкадан ўтиладиган кўприк бузилмай қолган бўлса ҳам майли, деяпсан энди?

— Шунинг учунки, Никита Егорич, ревком бронепоезд билан шу бронепоезд асраётган артиллерия снарядлари ортилган составларни қўлга киритишингни илтимос қиляпти,— Семёнов секин гапирди:— Генерал Сахаров снарядларнинг ҳаммасини тайгага жўнатган, лекин замбаракларнинг бир қисмини. Тушундингми? Шаҳарда қолдирилган замбаракларни биз қўлга киритимиз мумкин, аммо снаряд бўлмаса улардан нима фойда? Тушундингми?

— Тушунишга-ку тушундим...— Бир оз сукунатдан сўнг Вершинин сўради:— Сен, ўрганамиз, деяпсан. Узоқ ўрганамизми?

— Ким ўрганади?

— Сен билан биз?

— Беш йилча.

— Наҳот?

— Нима, камми?

— Йўқ, кам эмас. Шу вақт ичида мени ким боқади?

— Халқ.

— Нега?

— Хизматларинг учун.

— Ҳозирча хизмат қилолганим йўқ, қилолганим

йўқ ҳали!— Вершинин секингина сўради:— Исён қайси кунга белгиланган?

— Бугун якшанба. Чоршанба кунга. Тушунарлими? Нима дей бориб, Никита Егорич?

Вершинин бир зум сукут қилганидан сўнг деди:

— Илья Герасимичнинг соғлиги қандай?

— Ёмон эмас.

— Ақлли одам.

Яна бир зум жим туриб, илова қилди:

— Ревком нимайки топширган бўлса, ҳаммасини бажарамиз.

Тўрт ғилдиракли арава ғириллаб кетди. Семёнов жўнади. Окорок югуриб келиб, Вершининга бир боғлам рўмолча тутқизди. Вершинин қўл силкиди.

Вершининнинг олдида чаккалари боғланган мужик қўрқа-писа келди.

— Тезроқ келсанг-чи! Мукленкадан келдингми?— қичқирди Вершинин.

Чаккалари боғлиқ мужик югуриб келиб, худди тарсакидан қўрққандек, бошини орқага тортиб, Вершининга бўғиқ овозда шивирлади:

— Кўприкни, Никита Егорич, портлатолмадик.

— Портлатолмадик?— ғижиниб сўради Вершинин.— Гумбурлаган нимаиди?

— Йигитлар тажрибасизлик қилишди, уринишиб... Мен орқароқда эдим, тамаки халтамни қидириб қолгандим. Оқибат шундай бўлдики, ўзларини ўзлари портлатиб қўйишди. Югурдим. Қон билан шапкалардан бошқа нарса йўқ... Фақат мен соғ қолдим, Никита Егорич.

— Соғ қолармидинг?— деб сўради Вершинин, мужикка қарата ўқ узиб. Вершинин қўлларини мушт қилиб, лаблари қалтираб, ғазабдан қути ўчиб юқорига, жомхонага кўтарилди. У стол олдиғача борди, ўзини стулга ташлади, муштлири орасига бошини олиб, бор овози билан уввос солди:

— Шарман-далик! Биз, мужиклар, Илья Герасимични алдадик, мақтанчоқлик қилдик! Ҳолимизга вой! «Исён қилавер, Илья Герасимич, биз снарядларни олиб борамиз!» эмиш. Снаряд олиб борармишимиз-а! Шаҳарга бронепоезд бостириб боради энди.

У сакраб ўрнидан турди, қўнғироқнинг тили боғлаб

қўйилган қайишни узди. Алам аралаш ўзини йўқотиб, бақирди:

— Ҳамма жангга! Бонг уряпман, бонг!

Одамлар устида қўнғироқ овози ташвиш-ла янгради.

Туман Мукленка устидаги кўприкка, тепаликларга ёйилди, далани қоплади, партизанлар штаби жойлашган черков турган қияликка ҳам келди.

Оқшом. Сукунат. Керосин лампа алангаси бир текисда ёниб турибди. Стол атрофида — Вершинин, икки балиқчи, Син Бин-у, сал нарида — Васька Окорок, Настасьюшка. Вершинин партизанларга гапиряпти:

— Туман тушди. Денгиздан борасизлар. Ҳар қайсиларингиз алоҳида қайиқда. Син Бин-у, сен буларни денгизгача кузатиб қўй.

Вершинин қимир этмай, столга кўз тиккан. Кейин, партизанларга қарамай, секин гапирди:

— Илья Герасимичга айтинглар, чоршанбага етиб боришимизга кўзимиз етмаяпти.

— Қандай қилиб борамиз?— деди балиқчи Сумкин.— Ўзим тушунтираман.

— Кўприкка отряд юбордим. Лекин у ерда казаклар, пулемётлар бор. Камида уч кун жанг қилишга тўғри келади. Капитан Незеласовнинг замбараклари ҳам бор. Тагин туман ҳам. Нариди ёмғир, лойгарчилик...— Яна илова қилди:— Илья Герасимичдан илтимос қиламиз, ҳеч бўлмаса исённи уч кунгагина кечиктирсин. Яқшанбага белгиласа яхши бўларди.

У партизанларга кўз тикди:

— Шаҳарга етиб боролармикинсизлар ишқилиб?

Яна бир оз ўйга берилиб, хириллаб:

— Настасья!— деди.

— Мен бора қолай, Никита Егорич,— илтимос қилди Васька Окорок.— Жим тур, Настасья!

Стол олдида Настасья келди.

— Сен ҳам Илья Герасимичнинг олдида борсан. Нима дейишингни эшитдингми? Эсингдан чиқмасинки... Оқлар тутиб олса, томирингни суғуриб олса ҳам, дамингни чиқарма.

— Қачон индамаслик кераклигини биламан, Никита Егорич,— деди Настасьюшка.— Лекин саводим етарли эмас-ку...

— Бу ишда савод эмас, Настасья, юрак керак.

Бозорнинг саккиз дарвозаси денгиз бўйидаги кенг кўчага қараган, кўча майдалаб ёгаётган ёмғирдан ҳўл, бунга ҳеч ким аҳамият ҳам бермасди.

Сабзавотлар, арава ва сопол идишлар ёмғирдан ялтирар, дўконларда приказчиқларнинг қўлларида читлар ўйнар, қовоқхонадан карам шўрва ҳиди анқир, чилдирмага жўр бўлган дўли хотиннинг қўшиғи янграб эшитиларди. Балиқларнинг тангачаларида осмон, ғиштин уйлар акс этган. Сузгичларда ҳамон денгизнинг нафис ранглари — кўк ёқут-тилласимон, тўқ сариқ ва қуюқ кизил ранглар товланарди.

Хитойлар уюм-уюм гўштларга, худди ерга қарагандек, бепарво қараб:— Харидор бор?.. Бор, а?— деб қичқирешарди.

Кийимларига сув ўти ҳиди келадиган сарғиш лой сачраган Знобов зинапоялар тагида қайиқда ўтириб, матрос Семёновга нохушлик билан гапирарди:

— Бузишдан иборатми ишимиз, а? Буз-а, бузавриб, жонга ҳам тегди. Қачон қурамыз ахир? Бир саводли япон топилсайди!

Матрос Семёнов оёғини чўзиб тўлқинларга тегизаркан, сўради:

— Японни нима қиласан?

Матроснинг боши тухумдек силлиқ, юмалоқ, қатта-қатта қулоқлари кир, диккайиб турибди. У қайиқ турган денгиздек шалпиллар — йўл-йўл кўйлак, кенг шим, энглари ихчам. Қирғоқ, шаҳар ҳам шовиллар, жимирлаб турар эди...

«Қувноқ кишийкан,— ўйлади Знобов.— Ғам-ташвиши йўқ».

— Японни мен топиб бераман. Бу ерда япон кўп!

Знобов қайиқдан чиқиб матросга энгашиди, елкаси орқали қуроқлардан тикилган кўрпага ўхшаш оломонга, трамвайларнинг ғизиллаб ўтаётган вагонларига ва

хитойларнинг зангори-сарғиш қисқа кофтларига нигоҳ ташлаб пичирлади:

— Тузукроқ япон керак, бу ерда турмайдиган, хитобнома чиқариб туришга. Хитобномани босиб, шаҳарга ёпиштириб туришга уқувли. Уларнинг қўшинлари орасида ҳам тарқатса.

У нотаниш белгилар билан босилган сариқ қоғозни тасаввур қилиб кўрди, мулоим жилмайди:

— Уларни тушунишади!

— Бунақа японни топиш қийин.

— Мен ҳам шундай деяпман-да. Изласанг топасан-да.

Матрос оёқ учида туриб оломонга қаради:

— Қара, одам озми! Шуларнинг орасида яхши япон бордир, лекин уни қандай топасан!

Знобов хўрсинди:

— Топиш қийин. Лекин керак.

— Топамиз.— Матрос секингина сўради:— Пеклевановнинг олдига жўнайверсакмикин, дейман.

— Кейинроқ, ёмғир тинсин. Вершининнинг олдида ёмғир қалай?

— Ёға бошлади.

— Халақит беряптими?

— Қаттиқ қуйса, халақит беради.

— Мен шунинг учун ҳам хитобнома керак деяпман-да. Бизга ёмғир халақит беради; уларга — хитобнома.

— Тенг эканмиз-да бўлмаса, ха-ха-ха.

— Кулгинг қистаяптими?

— Куладиган пайт-да. Кулги яхши нарса, оғайни.

— Ҳм. Улар ҳам кулишяпти-ку, хурсандликлариданми?

— Кимлар?

— Анали интервентлар!

Озода кийинган канадаликлар қаттиқ кулиб ўтишди. Брюквадан йўнилган ўйинчоқларга ўхшаш японлар жим ўтишди. Шпорли, кумуш уқали атаманчилар қўшиқ айтиб ўтишди.

Денгиз харсангларга ҳорғин таянган. Қўпикдек нам шамол сочларни тўзитади. Кул ранг-бинафша кемалар, оқ бош хитой шхуналари, балиқчиларнинг қайиқлари

матого тикилган турли-туман гуллардек кўзга ташланади.

— Қовоқхона бу, Расия эмас!

Матрос эпчил сакради. Кулди:

— Шошмай тур, яғринларини ишқалаб қўямиз.

— Кетдикми?— сўради Знобов.

— Кетдик; шамол борида. Бейдевинд, ха-ха!

Улар Пекин кўчасидан тепаликка кўтарилишди.

Уй эшикларидан қовурилган гўшт, саримсоқ, ёғ ҳиди анқирди. Икки мол ташувчи елкаларидаги қайиш билан қаттиқ боғланган мато тўпини ўнғайроқ қўйиб, матросларга қарар, масхара қилиб хахолашарди.

— Ҳе-е, матросвойлар! Океан кимники ҳозир? Японларникими, американикими ёки ҳар ҳолда русларникимикин?

Жим ўтиб кетди: конспирация.

Знобов:

— Қаҳ-қаҳ уришади-я, аблаҳлар! Менинг эса кўнглим вайрон. Жонинг чиққурлар! Илож қани, тумшуқларига бир туширсанг, қанжиқларнинг!..

Матрос Семёнов қадини кериб, томоғини қирди.

— Ҳа, бир эзғиласанг!

Денгиз бўйидаги улкан шаҳар отдатдагича ҳаёт кечираётгани сезилиб турар эди.

Лекин мағлубият хунобгарчилиги кишиларнинг юзларига, ҳайвонларга, ҳатто уйларга из ташлаган. Денгизга ҳам ҳатто.

Френчлари сирилиб турган офицерлар кичик столчаларда худди қадаҳларни ўзларига санчмоқчи бўлаётгандек шошилиб коньяк ичаётганликлари кафэларнинг тиниқ ойналаридан кўзга ташланиб турибди. Елкалари ҳорғинликдан шалпайган. Жон бераётгандагидек аҳён-аҳёнда кўзлари юмилиб-юмилиб кетади.

Чўпдек озиб кетган, чекинаверишдан тинкаси қуриган отлар кир ички кийимлар тўла араваларни оқсаб-оқсаб зўрға тортади. Оқлар бу кийимларни снаряд ва қурол деб янглишиб Омскдан олиб келишган. Уликлардан ечиб олинганга ўхшайди.

Исён маҳалида вайрон бўлган уйларнинг харобалари совун кўпигидек кўзларни ачитарди.

Денгиз ҳам одатдагидан бошқачароқ чайқалаётгандек туюларди кишига.

Жаранглаб турадиган пўлат сим сингари олисдаги ингичка уфқдан шаҳарга эсаётган яшил океан шамоли ҳам бугун бошқачароқ. Семёнов шошилмай ва сал олифталик билан честь берди.

— Жосуслардан қўрқмайсанми?— деб сўради у Знобовдан.

Знобов японлар тўғрисида ўйларди, қуйилиб келаётган чуқур ўйларини тўхтатгиси келмай, бир оз шошин-қираб жавоб қайтарди:

— Олдинлари қўрқардим, кейин кўникиб қолдим. Энди большевикларни кутишади, қасосдан қўрқишади, танишлар шунинг учун ҳам сотқинлик қилишмайди.— У жилмайди:— Одамларни озмунча даҳшатга солдикми биз ҳам.

— Ўзларингиз ҳам қўрқдингиз!

— Ҳа-а!.. Сизлар томонда қамоққа олишмаяптими?

— Уч кишини қамашди.

— Э-э-э... Сен Пеклевановга бу тўғрида гапириб ўтирма: ташвишлантиришнинг нима кераги бор?

— У ташвишланмайди. Бундан ташқари, уни тетиклантирадиган хабар олиб боряпман.

— Қанақа?

— Эшитиб қоласан.

— Вершининданми?

— Йўқ, шаҳардан.

— Ростми?!

Пеклеванов пичоқчаси билан қалам тарошларди; кўзойнаги шишасида пичоқчасининг дами каби ўткир қуёш шуъласи ўйнар, худди кўзини ҳам ўткирлаштираётгандек, кўзлари янгича чақнарди.

— Сиз, ўртоқ Знобов, тез-тез келиб туринг,— деди Пеклеванов.— Жуда ҳам тез-тез. Э, Семёнов! Вершинининг олдига бордингизми?

— Бордим.

— Хўш?

Семёнов шамол ва сувдан ёрилган бармоқларини стол устига қўйди ва вазминлик билан деди:

— Халқ ишлашни истайди.

— Хўш?

— Ишлагани қўйишмаяпти. Ҳамма хуноб. Ҳайдашгани-ҳайдашган. Вай келинни аврагандек уларга гапириш қийин бўлди менга.

— Тушунарли.

Семёнов партизанларнинг кайфиятини ифодаларкан, ўзига хос бўлмаган жиддийлик билан гапини давом эттирди:

— Кутиш жонларига тегибди. Кутишдан ёмон нарса борми. Поездларни ўққа тут, ўт қўй, казакларни дўппосла... Бронепоезд ҳам турибди тагин, япон бўлса оловнинг ўзгинаси — ўнг-терсига қараб ўтирмайди.

— Тинчишади.

— Бидамиз. Тинчитишмаган экан, бекорга ўлиш керакми? Кўприкни портлатишмоқчи.

— Жуда соз. Ташаббус яхши. Яхши иш бўларди!

— Вершинин: «Исёни бошлайверинглар, мен вақтида етиб бораман», — деди.

— Худди шундай дедими?

— Худди шундай деди.

— Жуда соз! Шаҳар тайёр, а?

Знобов фуражкасини бошидан олди, шаҳарнинг нақадар тайёрлигини кўрсатмоқчи бўлгандек, сочини силади.

— Албатта.

— Бейдевинд, ҳа-ҳа!

— Нима? — сўради Пеклеванов.

— Яъни кема тўғри йўлда, ўртоқ ревком раиси.

Семёнов гапини давом эттирди:

— Сизни билмадим, ўртоқ раис, лекин менда шунақа фикр борки, биз шаҳарда ёлғиз эмасмиз.

— Бу ўз-ўзидан равшан! Биз — минг, неча ўн мингмиз.

— Йўқ, мен раҳбарлик хусусида гапиряпман.

— Бу нима деганингиз?

«Аҳа, тайёрлаб қўйилган қувонч ана шу» деб ўйлади Знобов, матрос Семёновга зўр қизиқиш билан қараб, Пеклевановнинг қизиқиши ҳам Знобовникидан кам эмасди.

— Яъни, Илья Герасимич, шаҳарда иккинчи большевистик марказ ҳам борга ўхшайди, пар... парал...

— Параллел ташкилот демоқчимисиз?

— Ҳа-ҳа!

— У нега керак экан? — сўради Знобов.

— Бери муваффақиятсизликка учраса, иккинчиси

У хурсанд жилмайиб қўйди. Бир варақ қоғоз олиб, перони қитирлатиб исён қилган ҳарбий қисмларга инструкция ёзишга киришди.

Знобов тор кўчадан катта кўчага чиқаркан, боғчада япон солдатини учратди.

Қизил фуражкали, сариқ қўнж кийган солдат узун сирли коса кўтариб кетаётган эди. Японнинг оғзи ўймоқдек кичкина, мўйлови эса игначининг қанотидек диккайган.

— Тўхта, ошна! — деди Знобов, унинг енгидан ушлаб.

Япон қўлини тортиб олди ва жаҳл билан бақирди: — Ҳа! Нага ёпишяпсан!

Знобов масхаралаб лабларини бурди ва:

— Хириллама! Чўчқайкансан-ку. Яхшиликча гапирмоқчи бўлсам, хириллайсан-а? Худога ишонасанми?

Япон кўзларини қисиб Знобовнинг у елкасидан бу елкасигача, кейин этигига қаради, этигидаги қотган сарғиш лойни кўриб, лабларини бурди ва хириллаган овозда:

— Яррамассан. Нимаиди?..

Ва косани қўлтигига қисиб, парво қилмай одимлаб кетди.

Знобов унинг камаридаги ярқираб турган тўқага қаради. Афсусланиб деди:

— Аҳмоқсан, азизим, аҳмоқ экансан!

Қишдагидек совуқ ёмғир уларнинг қизиган юзларига урила бошлади.

Япон кетиб қолди. Боғчада чумчуқлар бирига бири жўр бўлишиб, чуғурлашишга тушди. Знобов уларга қараб туриб, япон тўғрисида ўйлади. Япон ёлғиз бўлмай, кўп бўлганида, балки улар билан гаплашиш мумкин бўларди.

— Ёлғиз чурқиллайди-ю, чуғурлашолмайди!

Туман оралаб майда совуқ ёмғир ёғарди. Денгиз тўлқинлари майдалаша бошлади. «Қара-я, денгиз ҳам тинчиди, — деб ўйлади Настасьюшка, қайиқнинг бортидан ушлаб. — Балиқчиларда компас бормикин? Ишқилиб, адашиб кетмайлик-да».

Балиқчи Сумкин унинг хаёлидан ўтган гапларни тушунгандек, деди:

— Йўлдан-ку адашмаймиз, лекин анави япон катерлари адашади. Йигитлар, чаққонроқ эшкак эшинлар! Етиб олайлик.

Туман ичида олисдан ҳуштак товуши қулоққа чалинди. Сумкин ўрнидан туриб ҳуштак чалиб жавоб қайтарди. Бир дақиқадан кейин ингичка ва енгилгина бир қайиқ кўринди. Тўрға ўралган кекса бир чол яқинлашди. Пашша ҳайдаётгандек қўлларини силкитиб у бепарвогина:

— Қайт, Сумкин. Бойқаларга ҳам айт, қайтишсин. Ҳар йигирма саженда бир катер бор. Қаердан чиқсагинкин?— деди.

— Темир йўлдан ўтган тузукроқдир?

— Темир йўлдан ўтган тузук.

Қайиқ дарё қуйиладиган томонга бурилди.

Йўлда Настасьюшка билан Сумкин хитой Син Бинуга етиб олишди. Хитой майда қадам ташлаб елкасида семичка орқалаб борарди.

— Шаҳаргами, хитой?

— Йўғ,— деб хурсанд жавоб қайтарди хитой.— Мани яна станция юборди. Мани яна капитан Незеласовга, уни бронпойизига қарайди.

— Осишади сени, ўшанда яхшилаб қарайсан,— деди Сумкин.

— Сен мени билма, ўшанда ман осилмайди,— илгаригидек хурсанд жавоб берди хитой.— Сан ман билмай.

— Майли, майли, танимаймиз,— деб гапга аралашди Настасьюшка.— Сен фақат менга шуни айт: Никита Егориц замбаракларни ташишга от олдимми?

— От йўқ. Мужикларга айтди, замбаракларни ўзлари таши.

— Яхши бўлмабди.

— Яман, ямман,— ҳамон кулиб жавоб қайтарди хитой.— Хайил!

— Хайр!

Станция билан денгиз орасида тоғ ва тайга бўлишига қарамай, туман билан майда ёмғири денгиздагидек, фарқ қилмас эди. Тайгадан келаётган тутун туманга қўшилиб станциянинг ёғоч биноларига, бронепоезд ва

гонларига ва атрофларида қочоқлар тўдалашиб турган одам ташийдиган вагонларга қоронғилик бахш этарди. Брезент билан қопланган узун платформалар атрофларида соқчилар юришибди. Шу ерларда Син Бин-у кўзга чалинди. «Платформаларга снаряд ортилган бўлса керак, бўлмаса, нега ўраб қўйишибди?» деб ўйлади Настасьюшка.

Сумкин унга тугун тутқизди, Настасьюшка вагонга киришга интилди. Мўйна пальтоли хотин унга шикоят қила бошлади:

— Вагонимиз қайси станцияга келса, орқамиздан бронепоезд ҳам етиб келяпти-я. Бунинг устига, снаряд ортилган составлар ҳам! Вершинин келиб қолиб, бу снарядларни портлатса-я! Тайгада ёнғин ичида қолиб куйишдан ташқари портлаб кетамиз ҳам!

Прапоршчик Обаб гандираклаб келарди. «Вой, таниб қолади!— ўйлади Настасьюшка ваҳима босиб ва юзини тугуни билан беркигди. — Маст киши танишни тез пайқайди, қара, роса ичибди».

Мўйна пальтоли хотин Обабга қичқирди:

— Прапоршчик жаноблари, Вершининдан нима дарак бор?

— Америкаликлар бошлабди, — маст овозда жавоб қайтарди Обаб. — Шаҳарда одамларга айтинглар. Вершининнинг ярамасликлари тамом энди, жазосини олди. Ҳозир бронепоездга унинг жасадини келтиришади.

— Бизлар ҳам кўрсак бўлармикин?

— Бўлмайди, вақт зиқ.

«Алдаяпти! Ёлғон гапиряпти!» деб ўзини юпатди Настасьюшка.

Настасьюшканинг энди вагонга киргиси келмади, лекин оломон уни итариб вагонга тиқиб қўйди, поезд ҳам жойидан қўзғалди.

Перронда Син Бин-у бир сават семичкаси билан кўринди. У семичкани ҳовучлаб шопириб:

— Яхси семичка. Яхсиси, олиб қол, — деб бақирарди.

Бронепоезднинг машинисти Никифоров яна унинг олдига келди: фақат, бу гал ёрдамчиси Шурка билан бирга эди. Бадқовоқ ва ҳеч шошилмайдиган Никифоров чўнтагининг оғзини очиб туриб, одатдагича:

— Сол. Икки стакан, — деди.

— Иккита?.. Ҳо-о!.. Ман сани билган... Ники-полов-сан-да? Ҳа! Билган. Сан инстлуксияни билган.

— Инструкция? Башарангга бир тушираман, кейин инструкция нималигини билиб қоласан! Тушундингми? Қонун бўлмаса, одам нима ишлар қилиши мумкинлигини биласанми? Подшони ҳам ағдарিশади, ярамаслар! Мен сенга икки стакан сол, деяпман.

Син Бин-у икки стакан солди.

— Икки. Пули-чи?

— Нима?— тушунмаётгандек сўради Никифоров.

— Пул бер.

— Патентинг борми?

— Патин? Йўқ.

Никифоров мушт ўқталди. Шунга қарамай, Син Бин-у машинистга эргашиб, бутун станцияда унинг орқасидан қолмади. Ниҳоят, Никифоров соқчини чақирди, шундагина хитой ўзини орқага олди. Лекин унинг олдига Шурка югуриб келди. Хитой унга саватини тутди. Шурка хитойга тикилиб, ниманидир ўйлаб, секингина деди:

— Менга, хитой, семичка керакмас. Семичка чақадиган пайт эмас. Мен оқларга хизмат қилмоқчи эмасман, хизмат қилгим келмаяпти. Партизанларга қўшилмоқчиман.

Хитой ҳайрон бўлгандек, сўради:

— Қани, партизан?

— Лақиллатма! Мен сени биламан. Мен қочиб бормоқчи эмасман, бронепоезд билан бирга таслим бўлмоқчиман.

— Блонпойздда капитан бор. Сан машинист ёрдамчи. Сан таслим ҳуқуқ йўқ.

Шурка эса тез ва куйиб-пишиб гапирди:

— Қудоқ сол, хитой! Ҳозир йўлга чиқамиз. Туман, секин юрамиз. Сен йўлда бирор нарса қил. Масалан, темир йўл устига бирор молнинг танасини қўйсанг бўларди... Ёнида биров қимирлаб турсин... Инструкцияга кўра...

Ишончсизлик хитойга халақит бераётганди. Юраги ҳам ғаш эди. Хитой Шурканинг тутаққан юзига синчиклаб қараркан, юрак ғашлиги бир оз тарқагандай бўлди. «Йўғ-э! Сотқинга ўхшамаяпти. Ҳамма ёқни қоплаган тутун ва туман орасидан йигитнинг қалби ёруғ-

ликка талпиняпти, қувоняпти. Ҳа, унга ишонса бўлади».

— Машинист инстлукция яхши кўрган, а?

— Ҳа-да! Изга от-потнинг гавдасини қўйинглар. Товар поездининг машинисти уни кўриб, бронепоездни тўхтатади. У товар поездининг инструкциясига жуда ҳам риоя қилиб юрибди. Тушундингми?

— Гўшт йўқ. От йўқ. От топиш йўқ. Одам топиш бор.

— Майли, биров тура қолсин, бўлмаса.

— Мен ётсам бўладими? У мани таниган. Хитойни бандит ўлдирган, ўйлайди. Манга тушиб қарайди, а?

— Жуда соз, қарайди.

Никифоров аллақачондан бери Шуркани паровозга чақирар, Шурка эса хитойнинг қулоғига ҳамон шивирларди:

— Машинист бошини чиқарганда, унга ўқ уз. Тушундингми? Мен эса, хитой, ўзимни бронепоездни ҳайдай олмайдиган қилиб кўрсатаман.

— Шурка!

— Боряпман! Хитой, тушундингми? Бировни...

Шурка семичка билан тўлган чўнтагини шалдира-тиб югуриб кетди.

Незеласов купесида прапоршчик Обабини ноҳуш қаран билан кутиб олди. Хабарларнинг ҳаммаси бир хилда, телеграфистга қатнашдан нима фойда? Прапоршчик мастга ўхшайди-ку. Баттароқ, паришон ҳам.

Незеласов диванда ағанаб, деди:

— Ноқулай. Бу ерда ётиш ноқулай. Уруш мобайнида бу диванда қанча одам ағанаганини кўз олдингга келтирсанг, ваҳм босади кишини.

— Рухсат этинг, маълум қилишга.

— Майли, гапираверинг, азизим.

— Ваҳм босганларни тинчлантириш учун, полковник жаноблари, Вершинин ўлдирилган; жасадини тез орада бронепоездга келтиришади, деган хабарни тарқатяпман.

— Чакки эмас. Шаҳар билан телеграф алоқаси тикландими?

— Тикланди.

— Телеграмма юборинг. Контрразведкага — шифрланган, Варяга эса шифрланмаган бўлсин. Телеграмма

тёкстида сизнинг уйдирмангиздан фойдаланаман. «Вершинин билан алоқам бор нуқта Вершинин Пеклеванов турган ерни кўрсатишга розилик берди».

— Ахир, бу ёлгон-ку, полковник жаноблари!

— Ёлгон-ку?

Незеласов шифтга қаради, ўтирди, чека туриб хаёл сураркан, деди:

— Қаллигинг сочини ёйиб юрадими, ўрадими — барибир эмасми!

— Энди кесиб юрадиган бўлишган!— деб хитоб қилди Обаб жаҳли чиқиб.

— Кесиб юришади, ҳа, энди кесишади.

Незеласов мушти билан столчани тўқиллатиб қичқирди:

— Менга бирорта мужикни топиб келтиринглар! Телеграммада ифодаланган мақсад учун керак менга.

Обабнинг уйдирмаси Незеласовга маъқул тушди, Пеклевановга тааллуқли уйдирма эса янада тузукроқ эди. Шаҳар ҳамма вақт сергап бўлади, ҳамма ёқни ваҳм босган, шу маҳалларда эса ўн ҳисса кўпроқ сергап бўлиб қолган. Вершининнинг сотқинлиги тўғрисидаги миш-мишлар ниҳоятда фойдали. Пеклевановнинг тарафдорлари илгаригидек жонбозлик кўрсатишмайди, Незеласов эса бундан фойдаланиб вақт ютади. Вершининни у темир йўл изларига чорлайди, артиллерия ўти билан унинг тўдаларини тит-пит қилиб юборади, мужиклар ўз етакчиларидан кўнгли қолиб, уни тутиб ҳам берадилар. Мужими, снарядлар ортилган платформаларга партизанларни яқинлаштирмаслик керак. Ҳа, улар портлатиб юборишлари мумкин.

— Снарядлар ортилган платформаларга пулемётларни ўрнатиш керак!

— Рухсат этинг, капитан жаноблари...

— Обаб, сиз менинг мартабамни камайтирдингиз-ку, ҳа-ҳа!

— ...Полковник жаноблари, пулемётимиз кам, кейин, бронепоездни заифлаштириб бўлмайди.

— Партизанларнинг поездни снарядлари билан портлатиб юборишларига ҳам йўл қўйиб бўлмайди.

Незеласов солдатларнинг платформаларга пулемётлар қўйишларини томоша қилиб турди. Обаб югуриб келди:

- Тайёр, полковник жаноблари!
- Пулемётларми? Қани, тайёрлиги?
- Мужикларни, партизанларни келтиришди, дея-

ман.

Солдатлар уч мужикни олиб киришди. Мужиклардан бири, серсоч, серсоқол, йўғонроқ овозли, дьяконга ўхшагани қўрқиб кетиб ўзини Незеласовнинг оёқларига ташлади, бошқа иккитаси эса хотиржамгина тураверди. Незеласов ўшаларни Обабга кўрсатиб:

— Буларни отиб ташланглар, бу менинг орқамдан юрсин,— деди.

Серсоқол мужикни ўзига эргаштириб чиқди. Обаб капитаннинг орқасидан ўйчан тикиларкан, портсигарини чиқарди, папирос олиб у билан портсигарнинг қоң-қоңига уриб-уриб қўяркан, мужикларга хўрсиниб деди:

— Уҳ, жуда ҳам жонимга тегдинглар-да! Отишдан ҳам тўйдим. Купеда, Незеласовнинг қаршисида серсоч ва нуруний чол кўзларини ҳайрон пирпиратиб турар эди. Незеласов сўради:

— Тушундингми?

— Тушунолмадим, жаноблари.

Тўппончасининг қини тугмасини ўтказа туриб Обаб кириб келди. Незеласов мужикка ғазаб билан қараб, олдинги гапини такрорлади:

— Вершинининг олдига бориб: «Боғда калина»,— дейсан. У сенга: «Боғда малина» деб жавоб қайтаради. Шундан кейин унга Незеласов шошилаётганини тушунтир. Пеклевановнинг қаердалигини айтсин. Тушундингми?

— Тушундим.

Мужик ҳамон кўзларини жавдиратарди.

— Сен Покровский қишлоғидан эмасмисан?— тўппонча қини тугмасини еча туриб сўради Обаб, қаҳр билан.

— Покровскийданман.

— Мени биласанми?

— Билмайдиганга ўхшайман, жаноблари.

— Обабман.

— Дўкандор Обабнинг ўғлими?

— Савдогарнинг. Тушуниб ол, тентак. Вершинин сизларни менга маълум қилган эди, мен қишлоққа ўт қўйдим. Тушундингми?

— Вой, худо!

— Вершинин — сотқин. Тушунарлими?

— Тушунарли, эй худо!

Обаб деразадан бошини чиқариб, соқчига деди:

— Мужикни қўйиб юбориш керак. Қўйиб юбориб, орқасидан отадиган одатларингиз ҳам бордир. Ҳа, ай-тиб қўйай, бунақа қилиб ўтирманглар.

Серсоқол мужик ҳовлиқиб перронга югурди. Офицерлар унинг орқасидан қараб кулишди.

— Тўғри гапга ишонишмайди, ёлғонга ҳамма вақт ишонтириш мумкин, — деди Незеласов. — Бу ёлғонимиз жуда ҳам айёрона эмас, лекин, ишқилиб, усталик-да.

Незеласов дарғазаб тишириллаб, Обабнинг портсигарини оли, уни очди, ёпди, бронза бутни қўлига олиб, портсигар билан уни тиқиллатди. Юзлари ловиллаб ёнар, аъзойи баданини қалтироқ босган эди.

— Вершинин сотқинликда айбланаётганини эшитганидан кейин, энг муҳим пунктга ҳужум қилиб қолса керак, деб ўйлаяпман. Унинг фикрича, энг муҳим пункт қайсинисийкин, а?.. Мукленка! Яъни Мукленкадан ўтиладиган кўприк. Бу кўприкни портлатмоқчи бўлганди, эплай олмади, энди бутун кучини ўша ёққа ташлайди, ўзи ҳам боради, генерал Сахаровдан қўлга туширилган артиллерияни ҳам олиб боради. Бахтимизга, Вершининда артиллерия снаряди кам, замбараклари узоқ вақт отолмайди. Бу фикрларга нима дейсиз, Обаб?

— Фикрларингиз тўғри, полковник жаноблари.

— Шунақа бўлса, буюринг, бронепоезд Мукленка кўпригига жўнасин.

— Снарядлар ортилган составлар-чи, полковник жаноблари?

— Орқамиздан борсин.

Обаб ҳайрон бўлди.

— Ҳа?

— Туман. Хавфли. Яхшиси, составларга тегмасакми дейман?

— Станцияда қолдирамизми? Борса-ю, худо кўрсатмасин, партизанлар алоқани узиб қўйсалар, биз снарядсиз қолишимиз ҳам мумкин-ку? Биз шаҳарга снарядсиз қайта олмаймиз! Мени диктатор ҳисобламидиганлар ҳам топилиб қолади. Снаряд билан бирга бўлганимда — ҳамма ҳам қўрқади. Обаб, унутманг. Мен

сизни «Георгий»га тавсия қиламан. Сиз — поручик Обаба! Капитан! Мен гапингизга тушуниб турибман, Узоқ Шарқ ҳукумати менга инъом қилган ва унга мен янги ерларни қўшиб олган жойларда снарядларни сақлаш керак, демоқчисиз. Мен генерал Сахаровнинг мулкани кўзда тутяпман. Мен бу ерларда яйраб юраверсам ҳам бўларди, лекин шаҳар-шаҳар, денгиз-денгиз, денгизсиз шуҳрат бўладими? Мен денгизга ҳам чиқаман ҳали! Бўйсунмай кўришсин-чи, нима қиларкинман; девор тагига қатор қўйиб отираман, отираман!.. Мен — диктаторман! Мен Россияни қутқазиб қоламан! Мен!..

Незеласов бошини ушлаб, гандираклаб кетди. Обаба уни суяб, диванга ўтқизди. «Унинг тутқаноғи ҳам бор!»

— Ҳозир қайтади, полковник жаноблари.

Обаба сув берди. Незеласов ҳорғин овозда тўнғиллаб-тўнғиллаб сув ичди:

— Бу сассиқ, зах босган деворлардан, артиллериячиларнинг ландавур башараларидан бошқа, ароқдан, ярамасликлардан бошқа, бошқа ёруғ, осойишта, завқшавқли олам ҳам бормикин? Бор бўлса, қаерда, қани? Нега менинг теварак-атрофим бунчалик зим-зиё, бир хил, даҳшатли, ҳатто қон ҳам қизилга ўхшамайди?

У деразадан бошини чиқариб қаради.

— Уф, яхши эмас! Обаба, қаранг, хитой ўтирибди, а?

Узугини олиб қўйди.

— Кокаин беринг!— У кўзларини юмди...— Хотир-жамлик керак, озгина бўлса ҳамки дам олишим керак, керак.

Станция перронида семичка солинган савати олдида ҳамон хитой ўтирарди.

Вагон тебранар, титрар, силкинар, шундай бўлса ҳам тез юраётган эди.

Юрагида эрининг ташвиши бўлмаганда қандай соз бўларди! Қочоқлар ҳамма вақт ёлғон гапираётгандилар, шундан кўнгли сал таскин топарди. Вершинининг ўлдирилгани тўғрисидаги гап ҳам ёлғондир.

Тўрлик кенг шляпа кийган, сочлари оппоқ кампир айниқса тинимсиз ёлғон гап сотарди. Настасьюшканинг бу кампирга меҳри товланиб оғзи очилиб тикилиб қолди, кампир эса кўзларини чақнатиб, юзлари қиза-

риб, тинмай жаврарди. Москвани исён кўтарган ҳарбий мутахассислар аллақачон қўлга киритишган эмиш, Қримда иттифоқчилар Врангель билан бирга эмишлар, Украинани яна Петлюра ўз қўлига олганмиш...

Поезд тўсатдан тўхтади.

Новча темирйўлчи эшикни очиб, қочоқларга қувноқлик билан:

— Шу ерда тўхтаймиз,— деди.

— Вершининми?!

— Вершининми, Вершинин эмасми, яна бронепоездни ўтказиб юборишимиз керак.

— Ўтиб кетгандан кейин юрармиз, ахир?

— Номаълум! Бир бронепоездгина эмас, снарядлар ортилган составлар ҳам бор. Портлагудек бўлса, ҳамманинг ҳам кули кўкка совурилади! Жаноблар, таъкидлашдики, агар шаҳарга борадиган бўлсангиз, анави йўлдан кетаверинглар.

Ҳўл қайинлар орасидан кўп юришга тўғри келди. Ёмғир борган сари кучая бошлади. Тонг отганда дарё бўйига чиқишди. Кенг шляпали кампир қўлини сувга тикиб кўрди.

— Вой худо-ей, бунча совуқ!

— Куз-да, буви.

— Бу сувдан кечиб ўтолмайман, Григорий Петрович,— деди кампир чамадонини кўтарган укасига қараб.— Сенинг ҳам оёғингда бод бор.

Шунда Настасьюшка юбкасини кўтариб, сувга кирди.

— Ўзингнинг раҳминг келсин, худо!

Қочоқлар уни кечик жойни биларкан, ажралиб қолмайлик деб ўйлашди, совуқдан титрашиб, қалтирашиб, ҳаммаси унга эргашди.

Йўлга чиқиб олишди. Дарёдан ўтиладиган бошқа жой йўқ эди, қочоқлар тарқала бошладилар. Бозорга сабзи олиб бораётган бир мужик Настасьюшкани аравасида шаҳаргача олиб бориб қўймоқчи бўлди.

— Ярим соатдан кейин шаҳарда бўласан. Қаерликсан ўзинг?— деб сўради у.

— Олисданми,— деб жавоб қайтарди Настасьюшка.

— Олисданлигинг кўриниб турибди: чўчиб қолибсан. Киши шаҳардан қанча олисда яшаса, сенга айтсам, шунча қўрқоқ бўлади.

Аравакаш чакмонига ўралиб мудрай бошлади.

От бирдан ҳуркиб кетди, аравакаш уйғониб, югани маҳкам тутди.

Туман ичида шаҳар бинолари хира кўриниб турарди. Балки шаҳар эмасдир? Аравакаш яна чакмонга ўралиб уйқуга кетди. Яна от ҳуркди, аравакаш югани тутди, бошини кўтариб, чўқиниб қўйди.

Туман ичида арава олдидан қийшайиб қолган телеграф симёғочи чиққан эди, симёғочга осилган жасад ерга тегай-тегай деб чайқалиб турарди.

— Э худо!

Настасьюшка аравадан сакраб тушди. Озгин ва узун бўйинда оқ картон кўзга ташланди:

«Жосус ва партизан!»

Вершинин худди шу мужикни Пеклевановнинг олдига юборган эди. «Номи нимаиди?» деб ўйлади Настасьюшка. Қанча ўйламасин, мужикнинг исми ва фамилиясини хотирлай олмади, бутун аъзойи баданини қўрқув босди.

еттинчи боб

кўтармага!

Замбаракларни темир йўл кўтармасига аллақачон олиб бориб, бронепоезд кўриниши билан ўққа тутадиган пайт.

Лекин қани замбараклар, қанча от жўнатишган бўлса ҳам кам, отлар билан бирга жўнатишган артиллериячилар бедарак — сувга ғарқ бўлгандек. Худога шукурки, бронепоезд қаердадир имиллаб қолди!

— Никита Егорич, замбаракларни олиб келишса, қаерга жойлаштирамиз?

— Ҳамма замбарак Мукленкадаги кўприкка ўрнатилсин!

— Шу ердан ҳам яхшилаб зарба берсак бўларкан: яққол жой.

— Митингбозлик қилманг, буйруқни бажаринг!

— Митингбозлик нимаси, ўзи митинг қиляпмиз-ку?

Рост, тепаликка шошилишди, олисда у кўзга кўринганда қарашса, бронепоезддан дарак йўқ, шошилиш-

нинг ҳам ҳожати йўқ, ўз-ўзидан митинг бошланиб кетди. Паст бўйли бир чол: мужикларнинг ерига ким кўпроқ интиляпти, японми, оқ гвардиячими ёки америкаликми, деб сўраб қолди.

— Ким бўлсаям, ҳаммасини ҳайдаш керак!

— Ҳайданглар ҳаммасини, мужиклар!

— Рухсат этинглар, бир саволим бор, Россиядаги ерлар нима бўлади? Масалан, Москва яқинидаги ерлар?

— Нима, сенга бу ерлар Россия эмасми?

— Сўз беринг, граждандлар!

— Бўлди, кўтармага қараб юринглар энди!

— Гаплашганларинг етар энди!

— Ерларимизни японга берма, Никита Егорич.

— Бермайман ҳам. Сен ҳам бўш келма. Айниқса, ҳозир!

Партизанлар митинг бошлашди.

Васька Окорокнинг кунгабоқарга ўхшаш сариқ юзи одамлар орасида жон-жаҳди билан унга-бунга талпинар, иссиқдан ёрилган лаблари пичирларди:

— Халқ... Халқ миллионлаб, ўртоқлар!..

Новча, семиз, икки оёғи билан тик турган отга ўхшаш Никита Вершинин тўнка устида туриб бақирди:

— Мужими: бер-р-ма!.. Тез орада совет армияси келади, сен қўлдан берма, биродар!..

Тўрга илинган балиқлар тўрнинг тубига отилганидек, ҳамма бир сўзга ёпишди:

— Бе-р-ма-а!!

Бу азалий мустаҳкам сўз нураб тушиб, парчаланиб кетадиган, тайфунга ўхшаган тушуниб бўлмас бошқа бирортаси пайдо бўладиганга ўхшарди.

Шу пайтда қизил шойи кўйлақ кийган чўтир мужик бола қўлини қорнига босиб, овози борича қичқирди:

— Ишонаман, тўғри-да!..

— Чунки биз билан Питер... интернационал! Қўрқадиган еримиз йўқ!.. Япон нима, япон!

— Тўғри, йигит, тўғри гапинг!— деб қичқирди бола.

Минглаб кишидан иборат оломон унинг гапини такрорлади:

— Тўғ-ри!

— Берма!

— Ма-а!

— О-о!!!

Қизил шойи кўйлакли чўтир мужик бола Вершинининг пиджаги баридан ушлаб, бир чеккага тортиб, муҳим бир сирни гапираётгандек, пичирлади:

— Мен сенга тушуниб турибман. Сен мени ўтакетган тўнка деб ўйлайсан. Сен уларнинг қулоғига қуй, ишониб эргашиб бирга кетаверишади! Муҳими — одамга ишонч... Интернационал-ку?

У кўзини қисиб овозини янада пастлатди:

— Мен биламан, унда ҳеч гап йўқ. Бунақа доно гапларинг билан яхшилик тополмайсан. Сўз деган содда бўлиши керак, масалан — экинзор... Яхши сўз.

— Яхши сўзлар жуда ҳам жонимга тегди.

— Ёлғон. Ҳозир гапирдинг, гапирасан. Сен уларнинг миясига қуй. Кейин ортиқчасини яшириб қўйса бўлади... Ҳамма вақт ўзи шунақа қилинади. Ботмонлаб ўлчаб юрган одамга ўз ўлчови керак, шунақа. У ярамас, сени қадоқлабмас, ботмонлаб ўлчайди. Ўлчаса ўлчайверсин, аблаҳ. Ўз ўлчовингни ўзинг биласан-ку ахир... Ҳе-хе-хе!

Мужик бола Вершинининг елкасини ўзича қоқиб қўйди.

Вершинининг бадани қуришиб, иссиғи чиқаётган эди.

Митинг тугади. Артиллерияни кутиб ўтирмай, кўтармага бормоқчи, душманни имконлари борича тутиб турмоқчи бўлдилар, артиллерия балки лойга ботиб қолгандир.

Яна, худди йиғиннинг қарорини кутиб турган каби, дарё атрофларидаги ботқоқликлардан туман кўтарилиб, мужиклар томонга, йўлга ёпирилиб кела бошлади.

— Бу лаънати кўтарма қайси томонда ўзи? Ҳамма ёқни туман босди.

— Кўриняпти, Никита Егорич, — деди Васька Окорок, толзордан нарини, аллақаяёқни кўрсатиб.

— Ҳеч нарса кўринмаяпти. Хитойларингиз ҳам йўқ.

Вершинин тўхтади.

— Абрамов, Мятих, Беслов, бу ёққа келинглар!

Уч киши югуришиб келди.

Этиқлар сувда шалоқларди. Партизанлар ўтишяпти. Улардан бири ҳуштак чалмоқчи бўлди («Аравам амирикон...»), Вершининнинг жаҳди чиқиб унга бақирди:

— Жим! Бронепоездни қўлга киритсак, ҳуштакни кейин чаласиз.

У уч партизанга мурожаат қилди:

— Сизлар ҳам — шаҳарга, Пеклевановнинг олдига. Мабодо улар етиб боролмаган бўлса... Васька, негалигини тушунтириб қўй.

У милтигини елкасига ўнрайроқ қўйиб олди-да, отряднинг олдига чаққон одимлаб кетди.

Мана, ниҳоят, кўз илғамас ўтлоқлар устида юксалган темир йўл кўтармаси.

Лекин ўтлоқлар ҳам, тайга ҳам, тепаликлар ҳам кўринмас, буларнинг бари қуюқ туман ичида эди.

Кўтарманинг устида эса туман камроқдек.

Кўтармадан қўлларини силкита-силкита хитой Син Бин-у югуриб келарди.

— Велсинин! Никита Еголич! Никита Еголич!

Туман ичидан жавоб қайтмади. Қандайдир бир қуш учиб келиб кўздан ғойиб бўлди.

Хитой яна кўтарма устида югурди. Яна Вершинини чақирди.

Ниҳоят, олисдан унинг овози қулоғига чалинди:

— Хитоймисан? Син Бин-умисан?

— Ҳа, мен! Мен!

— Туш пастга.

Хитой кўтармадан югуриб тушди. Вершининнинг олдига, пастак буталар орасига чопди.

— Мужиклар, қаранг, хитой келиб қолди!

— Ростдан ҳам хитой-ку!

— Незеласов кетиб қолмадими, Син Бин-у? — сўради Вершинин.

— Кетмади. Стансия капитан Незеласов бор. Шибка блонпойиз бу ёқ ҳайдаман деди, ҳайдамади.

— Нима?

— Туман қўймади. Шошилиш унга керак йўқ, снаряд бор.

— Снаряд ортилган составларни тутиб туришибди-ми?

— Аҳа!

Партизанлар хитойни ўртага олишди, у билан бирга кўтарманинг этагига тушишди, Миша-студент эса хитойнинг сўзларини тушунтира бошлади:

— Бунинг таажжублантирадиган ери йўқ, граждандар! Чала маълумотли одам маълумотсиздан гўлроқ бўлади. Чала маълумотлига ўзи ўрганган арзимас техника фактлари катта ихтиро бўлиб кўринади. Ҳа, бронепоезднинг машинисти... фамилияси нима?

— Никиполов фамилия.

— Никифоров, қисқа айтганда, расмиятчи...

Вершинин Мишанинг гапини бўлди:

— Овоз! Бронепоезд келяпти.

— Йўғ-э, Никита Егорич, қулоғингизга шунақа эшитилибди, ҳеч гап йўқ. Жимжитлик. Яна қоронғилик яқинлашиб келяпти, қоронғиликда бронепоездни қўлга киритиш осон.

— Нега осон?

Нега осонлигини Мишанинг ўзи ҳам билмайди. Вершинин хўрсиниб, деди:

— Мукленка кўпригига томон юриш керак эди, тўғриси, жуда оғир. Замбараклар билан ҳимоя қилиш мумкин эди, лекин қани, замбарак? Уят бўлди! От йиғолмадиг-а...

— Бунақа лойгарчиликда, Никита Егорич, ҳеч қанақа от замбарак торта олмайди. Бу ерлар — семиз, баринларнинг ёпишаётгани бежиз эмас.

Вершинин кўтарма бўйида у ёқдан-бу ёққа бир неча қадам одимлаб, тўхталди:

— Гувиллаган овоз ҳам йўқ, тиқиллаган товуш ҳам, ҳуштак ҳам. Эшитилмайди ҳам, кўринмайди ҳам. Капитан Незеласов ухлаб, тушида қаллиғи билан гап-лашаётгандир... Васька, сенинг ҳам қаллиғинг борми?

— Йўқ, Никита Егорич.

— Миша, сенда-чи?

— Бор албатта.

— Тшш...

Ҳамма қулоқ солди.

— Йўқ, эшитилмаяпти. Нима қилсагикин, Никита Егорич? Дарахт кесиб, йўлни тўсиб қўйсак-чи?

— Тўхта! Олти карра етти — қирқ етти. Яна янглиш. Олти карра етти қанча бўлади, Миша?

— Албатта, қирқ икки, — деб жавоб қайтарди Ми-

ша ўз хаёли билан банд ҳолича.— Никита Егорич, сен хитойнинг гапини эшитмадинг, тушунмадинг, тагида катта гап бор.

— Нима?

— Инструкция.

— Нима бўпти инструкцияга?

— У инструкция ишон катта,— гапга қўшилди Син Бин-у.

— Бу районда товар-йўловчилар поездлари инструкциясига мувофиқ,— деб тушунтиришга киришди Миша,— изда биров турган бўлса...

Син Бин-у қатъият билан тушунтира бошлади:

— У пойизди албатта тўхтатади. Шула ёрдамчи ҳам манга айтди: албатта тўхтат керак!

Вершинин бир зум жимиб қолиб:

— Қизиқ. Ишонгим келмаяпти,— деди.

— Сан, Никита Егочич, яхши отади?

— Ота оламан.

— Изда одам бўлса. Масинист бошини чиқаради. Уни кўриш керак, изда нима ётган. Сан уни от.

— Изларнинг устига кўндалангига ёгоч қўйсакчи?— сўради Вершинин.

— Снарядлар сочилиб кетса, йўл бузилади.

— Йўлни тузатиш қийин эмас-ку.

Тайгада, тепаликлар орасида, партизанлар сўзлашаётган яйловдан ўн-ўн беш чақирим нарида эса туман ичида тез-тез гудок бериб бронепоезд келаётган эди.

Машинист Никифоров билан унинг ёрдамчиси Шурка тутатиб папирос чекишарди. Машинист кузатув тешигидан тез-тез қараб қўяр, Шуркага:

— Сен, Шурка, аҳмоқсан. Сен таълим олмагансан, мен, огайни, ердан таълим олган одамман. Ҳа, ер таълим беради кишига!— дерди.

— Ердан таълим олиш ҳам ҳар хил бўлади, Иван Семёнич.

— Гапирма! Менинг отамнинг юз десятина ери, батраклари бор эди... Большевиклар бойликларимизни ғайри қонуний тарзда тортиб олишди. Мен қонунни худодан ҳам кўпроқ ҳурмат қиламан, билдингми? Анави, олисдаги нима?

Шура кузатув тешигидан қаради.

- Хўш?
- Туман, бошқа нарса кўринмайди.
- Яхшироқ қара.
- Хотиржам бўлинг, машинист жаноблари.
- Шу кунларда жуда юмшоқ бўлиб қолдингми дейман. Менга ёқмаяпти бу.
- Ҳозир ҳаммага ҳам юмшоқман, машинист жаноблари. Обаб жанобларига кучук бола совға қилдим.
- Нима?
- Перрондан кучукча топиб олгандим, бронепоезд келаётганда. Офицер жанобларига совға қилсам-чи, деб ўйладим: машинист керак бўлганда мени эслар.
- Тилингга эрк бераверма, тўнка.
- Хўп.

Обаб купега кучук болани — ўралган нимжонгина гавдани олиб келди. Ўралган кучукча прапоршчикнинг кенг кафтидан каравотга судралиб тушаркан, увиллади.

— Бу нима керак эди сизга?— деб сўради Незеласов.

Обаб ўзига хос илжайди:

— Жонивор-да. Қишлоқда молимиз кўп. Мен Барнаул уездиданман.

— Бекорга... Ҳожати йўқ, прапоршчик.

— Нега?

— Уездингиз бу ерда бировга керакми?.. Сиз... мана... прапоршчиксиз, Обаб, елкангизга зар погон таққансиз, революция душманисиз. Бошқа нарсанинг ҳожати йўқ сизга.

— Хўш?— деди таажжубда Обаб.

Капитан сезиларли даражада чайқалиб, яйраб сайрай кетди:

— Революция душмани... бу демак... мажақлаб ташланадиганлардансиз. Йўқотиладиган!

Обаб тиззаларига, қўлларининг қуриган илдизга ўхшаш кенг бўғинли бармоқларига кўз ташлаб, гангигансимон чўзиқ овозда:

— Бекор гап! Уларни биз мажақлаб ташлаймиз!— деди.

Бронепоезднинг ичи дим. Баданларни тер босган, қўллар деворларга, скамейкаларга ёпишарди.

Пўлат рангли осмоннинг бир парчаси, клёнларнинг қуриган, синган шохлари кўзга ташланди.

Кучукча вангилларди.

Капитан Незеласов шошилиб вагондан вагонга ўтар, хуноб бўлиб сўкинарди. Солдатларнинг юзлари озгин, ҳорғин, капитан нафрат билан бақирарди:

— Жиминг, ярамаслар! Гапирманг, оғизларингни юминглар!

Солдатларнинг чекка суяклари янада бўртди, пайдо бўлаётган фикрларидан ўзлари ҳам чўчий бошладилар. Капитан бақираётганда интизомга риоя қилмайдиган биров пулемётлар, замбараклар олдида шикоят қилаётгандек туюлди уларга.

Улар шоша-пиша ўша ёққа қарашди.

Гугурт чўплари каби бир текисдаги ёғочлар устига ётқизилган пўлат излар шарққа, шаҳарга, денгизга, Мукленка дарёси устидаги кўприкка олиб борарди.

Кечаси ҳаво жуда ҳам дим бўлди. Қорамтир дала-лар устида, ўрмонда димлик ҳукм суради, нафас олаётганда қайноқ сув лабга теккандек қайноқ ҳаво қақраган лабларга урилар, нафаслар қисилар, кўкракда оғир лой каби кўнгилни беҳузур қиларди.

Оқшом шу ерларда жиннининг фаҳмидек қисқа бўлади. Бирданига қоронғилик чўкади. Осмонда учқун. Паровоз устида учқун. Паровоз изларни, қоронғиликни орқада қолдиравериби, маънос гувиллаб борапти.


Тепаликлар, ўрмон бир-бир ортда қоляпти.

Прапоршчик Обаба шундай пайтларда ҳамма вақт овқат ерди. Бўз халтадан тухум олиб, пўстини арчар, нон, ёғ, гўшти бирин-кетин оғзига тиқаверарди. Гўштни чала пиширтириб ейишни севар, гўштни олдинги тишлари билан чайнаган, оғзидан тупуклари кўрпага сачрарди. Лекин ичи ёнар, ҳеч тўймасди.

Деншик солдат спиртга чой қўшар, бекатларда саватда озиқ-овқат келтириб, ҳамма вақт:

— Шаҳардан, прапоршчик жаноблари, хабар йўқ, — деб такрорларди.

Обаба индамай саватни унинг қўлидан олар, чангакдек бармоқлари билан нонни бурдалар, егиси келмаса, эзгилаб улоқтирарди.





Обаб кучукчани полга қўйиб, унга қараб қимир этмай ётди. Аъзойи баданини тер босди. Айниқса боши терлаганда гаши келар эди.

Кучукча ҳам терлаб, чийиллади. Вагон ғилдираklarининг гупчаклари ҳам чийилларди. Пулат из парчинланаётгандек бетиним тўқилларди...

Незеласов купесида шабададаги гугурт каби гоҳ ёниб, гоҳ ўчиб тўнғилларди:

— Ёриб ўтамиз... жин урсин!.. Ҳе-ч қанақа буйруқ керакмас... Тупурдик буйруқларга!..

Лекин кечагидек, ҳар бир вёрст йўл босилганда, Обаб овқатга ёпишгани каби, у ҳам бронепоездга ошиқиб ва очкўзлик билан ёпишар, ҳеч қаноатланмасди. Стрелкачиларнинг будкалари бир-бир лип эгиб ўтиб турар, далалар, шамол ва денгиз жонга тегадиган бу йўлнинг нариги учида тушуниб бўлмас ва ваҳимали бир тарзда, сукут ичидаги шаҳар бор эди.

— Ёриб кирамиз,— деб тупурди капитан ва машинистнинг олдига югурди.

Юзлари қора, эпчил машинист бутун гавдаси билан силкиниб, Незеласовга бақирди:

— Кетинг!.. Кетинг!..

Капитан афтини сездирмай буруштириб, машинистга насиҳат қилди:

— Сиз хотиржам бўлинг... бу ерларда партизанлар йўқ... Биз ёриб кирамиз, ҳа, албатта... Сиз тезроқ... А... Биз барибир...

Кочегар қоронғиликни бармоғи билан кўрсатиб:

— Қизил белгида... кўряпсизми?— деди.

Капитан машинистнинг қурум босган кўзига қараб «қизил белги» тўғрисида хафа бўлиб ўйлади. Шу белгидан оширилса, паровоз портлаб кетиши мумкин.

— Ҳаммамиз... ҳа... паровозда...

Кўмир ва мой ҳиди сасиётганди.

Исён кўтарган ишчилар эсга тушди.

Незеласов тўсатдан паровоздан вагонга сакради-да, бақира кетди:

— От!..

Солдатлар негадир камарларини тарангроқ қилиб, пулемётлар олдига жойлашишди, қоронғилик қаърига қараб ўқ ота бошлашди. Аппаратларнинг жонга теккан ҳаракатидан кўнғиллар айнирди.

Обаб келди. Лабларида ёғ юқи, пешанаси тердан ялтирарди. Айнан бир сўзни такрорлаб сўради:

— Отишяптими? Отишяптими?

Капитан буйруқ берди:

— Тўхта!

— Ухланг, капитан!

Поездда ҳамма — нарсалар ҳам, одамлар ҳам югурар, чинқирарди. Прапоршчик Обабнинг кул ранг кучуги ҳам увлар эди.

Капитан сигаретини чекишга шошилди:

— Даф бўлинг!.. Енг... Хоҳлаганингизни... Сизларсиз ҳам эплаштирамиз.— Жаҳл билан чинқирди:— Пра-пор-шчик!

— Эшитаман,— деди прапоршчик.— Нимани қидиряпсиз?

— Ёриб кирамиз... Мен, ёриб кирамиз, деяпман!..

— Албатта. Ҳамма нарса етарли.

Капитан овозини пастлатди:

— Майли. Йўқотдик!.. Шайин бор... Лекин палласи ҳам, тоши ҳам йўқ... Қандай қилиб ўлчаркинмиз?..

— Қўйинг, мен уларнинг...

Капитан тўнғиллай-тўнғиллай ўз купесига кетди:

— Ер бу ерда... мана... кўриниб турибди... Сизлар... ҳозирча... у... сизни лаънатлаётгандир, а?..

— Нега бунча ичакдек чўзяпсан? Ёмон кўраман. Қисқароқ...

— Биз, прапоршчик, эртанги куннинг... мурдаларимиз. Мен ҳам, сиз ҳам, поезддагиларнинг ҳаммаси ҳам — хок-тупроқ... Бугун биз бировни кўмдик, эртага... ўзимизни кўмишади... Рост.

— Даволаниш керак.

Капитан Обабнинг олдига келиб тез-тез нафас ютаркан, пичирлади:

— Пўлатни даволашмайди, қайтадан қуйиш керак... Ишга яраб турганда... агар занглаб қолган бўлса... Бир умр эътиқод билан қараганим... Янглишган эканман... Хатони ўлим олдида... Мен ўттизгагина кирдим, Обаб. Ўттиз ёшдаман, қаллигим Варенька бор... Унинг тирноқлари пушти ранг, Обаб...

Обабнинг америкача этикнинг тумшугидек тўмтоқ фикрлари ҳар ёнга тўзиб кетди. У капитандан орқада қолди, жойига қайтиб, папирос олди, лекин чекмай ту-

риб, олдин полга, кейин ёпиқ турган деразага тупура бошлади, девор ва кўрпа-ёстиққа ҳам тупурди, оғзи қуригач, каравотга ўтирди, полда вангиллаб ётган кучугига ўйчан тикилди:

— Чувалчанг!.. У ёққа — сезяпти!..

Шунда Миша яна Вершининнинг олдига келди-да, унга:

— Никита Егорич, гапимга яна бир қулоқ солинг, — деди. — Биз хитой билан кўндан бери гаплашиб юрибмиз. — Миша ҳалиги гапни яна такрорлади: — Хитой станцияга бориб, билиб келибди: бронепоезднинг машинисти янги, у илгари товар-йўловчилар поездида ишлаган экан.

— Тезроқ гапирсанг-чи!

— Товар-йўловчилар поездининг инструкциясига биноан, машинист изда ўлик кўргудек бўлса, паровозни тўхтатиши керак.

— Олисдан кўрганида. Яқиндан кўрса-чи?

— Яқинда кўрсами? Поездни ҳайдаб ўтиб, кейин тўхтатиши, акт тузиши лозим!

— Акт? Ҳи-ҳи-ҳи! Шу кунларда акт билан ким бош оғритаркин?

— Йўқ, у тўхтатади. Жудаям расмиятчи тентак экан!

— Шошма, Васька, — деди Вершинин шартта. — Диққат қилиб тингла, Миша. Изда ўлик ётган бўлса-чи? Мужиклар, сизлар ҳам тингланглар! Бронепоезда эски қонунга риоя қилишади. Улар эски қонунлар билан яшаяптилар. Шундай қилиб, эски қонунга кўра, машинистлардан бири изда ўлик кўриб қолса... Хўш... Ўртоқлар, ким темир йўл изига боради... Билиб қўйсин: жуда ваҳимали... Бронепоезд елиб келяпти! Барибир ўламиз. Лекин, мен машинист тўхтатиб қолар, деб ўйлайман. Бронепоездни тўхтатиб, қараш учун бошини чиқаради, шунда мен ўша машинистни олмахондек кўзидан отиб ташлайман. Тўхтаса, одамни босиб кетмайди, хўш, ўртоқлар...

Мужиклар бир зумлик сукунатдан кейин чуғурлаша бошладилар:

— Кесиб кетади!

— Нега кесмасин? Раҳми келармиди!

— Ҳртоқлар!

— Ҳзинг бориб ёт!

— Ҳзим? Ҳзим-ку бораман-а.

— Никита Егорични юборманглар!

— Ким борарди мандаш бошқа?

Васька Окорок Вершининни кўтармадан нари итариб, милтигини ташлади...

Мужиклар қичқаришди:

— Келяпти!

— Ҳртоқлар! — Окорокнинг овози янгради. — Тўхлатиш керак!..

Мужиклар кўтармага томон югуришди. Шпалларга ётиб олишди. Милтиқлар ўқланди. Тайёр туришди.

Излар визиллай бошлади — бронепоезд яқинлашиб келмоқда эди.

Кимдир секингина:

— Ҳаммамизни кесиб кетади. Беҳудага ўқ ҳам отиб ўтирмайди, — деди.

Шуни ҳис этиб, ҳамма секингина ўзини издан буталар орасига олди. Кўтарма яна бўшаб қолди.

Тутун қуюқлашди, уни шамол титди, лекин туман ўрмон тепасида ҳамон ўжарлик билан суза бошлади.

— Келяпти!.. Келяпти!.. — деб бақаришиб Вершининнинг олдига мужиклар югуришиб келдилар.

Вершинин ва бутун штаб кийим-бошлари ҳўл бўлиб, буталар орасида ётишарди. Васька Окорок жаҳл билан ерга муштлади. Хитой чўққайиб олиб, нима қилишини билмай, ўт юларди.

— Ҳртоқлар! — қичқирди Вершинин. — Нима бу-у?!

Мужиклар жим.

Васька кўтармага сўдралиб борди.

— Қаёққа? — қичқирди Вершинин.

Васька жаҳл билан сўкинди.

— Сенларни!.. Аблаҳлар!

Ва қўлларини ёйиб, изга кўндаланг бўлиб ётиб олди. Дарахтлар устида тутун кўпик сингари узилиб-узилиб қўнғир-сарғиш тусга кириб бураларди.

Васька ўгирилиб, қорни билан ётди. Шпаллардан смола ҳиди келарди. Васька шпалга бир ҳовуч қум сеппиб, юзини қўйди. Қум иссиқ, донадор эди.

Мужикларнинг шамолда титраётган япроқларнинг

товуши каби овозларига тушуниб бўлмасди. Ўрмон бўйлаб изларнинг товуши гувилларди...

Васька бошини кўтариб, буталар орасига қараб деди:

— Ароқ йўқми?.. Ичим ёняпти!..

Сариқ соқол бир мужик эмаклаб унга чўмичда ароқ олиб борди. Васька ичиб, чўмични ёнига қўйди.

Кейин бошини кўтарди, юзларидан қумни қоқиб, қаради: дарахтлар ҳам зангори тусда шовиллар, зангори тусда излар ҳам зингилларди.

Васька тирсаги билан таяниб, бошини кўтарди.

— Йўқ! Чидай олмайман!..

Мужиклар жим.

— Тушунарли, Никита Егорич,— деди секингина Миша-студент.— Васька машинистнинг расмиятчи тен-таклигига ишонмаяпти, Син Бин-у ишонади. У машинистнинг ёрдамчиси билан ҳам гаплашган, Никита Егорич.

— Ўша ёрдамчи алдаган бўлса-чи? Йўқ, яхшиси, ўзим...

Вершинин ўрнидан сакраб турди. Партизанлар унга бақирди:

— Кесиб кетади!

— Кесгани ваҳимали эмас, изда ёлғиз ётиш ваҳимали!

— Рухсат эт, ҳаммамиз ётамиз, Никита Егорич!

— Бунга қўймаймиз,— деди кекса партизан Вершининга.— Сен бормаслигинг керак. Яхшиси, биз ҳаммамиз борамиз.

Хитой милтигини ташлаб, юқорига, кўтармага эмаклади.

— Қаёққа?— сўради Вершинин.

Син Бин-у унга қарамай деди:

— Васик қўрқяпти-да.

Бориб Васьканинг ёнида ётди.

Сариқ башараси кузги япроқдек қорайди, афти буришди. Издан йиғлаётгандек овоз чиқди. Син Бин-у ҳеч нарсани кўрмай, ҳеч қанақа товушга қулоқ солмай, бошини қўйди...

— Йў-ўқ, оғайнилар!..— деб уввос тортди Васька гастга судралиб туша туриб:

— Зарари йўқ, Васька,— деди унга Миша-сту-

дент.— Гап қўрқоқликда эмас, бу ерда, машинистнинг ишига ишонмасликда. Менингча...

— Бас қил!— деб қичқирди унга Вершинин.— Одамлар хуноб бўлиб турибди-ю, у сафсата сотяпти. Тирик қолсак, кейин файласуфлик қилаверамиз.

Майсалар нам, осмон нам...

Син Бин-у ёлғиз қолди.

Хитойнинг ясси боши шпалларга тегди, бир зум узилиб, тебраниб излардан юқорига кўтарилди... Аланглади...

Мужикларнинг бошлари ҳам буталар орасидан кўтарилди, муштоқ кўзлар йўлга тикилди.

Син Бин-у ётди.

Боши яна қимирлади, бир неча юз бош яна кўтарилиб буталар орасидан унга тикилишди.

Хитой яна бош қўйди.

Малла соқолли чўтир мужик унга бақирди:

— Чўмични ташла менга!.. Ливорверни ҳам қолдирсанг бўларди. Нима керак сенга у?.. Хе!.. От, менга керак бўлар!..

Син Бин-у бошини кўтармай, револьверни ёнидан олди, уни бута орасига улоқтирмоқчи бўлгандек, силкитди, лекин отмай, тўсатдан ўз гарданига ўқ узди.

Хитойнинг танаси изларга қапишиб қолди.

Қарағайлар орасидан бронепоезд чиқди. У кул ранг, квадрат шаклида кўринди, паровознинг кўзлари зарда билан қизаргандек. Осмон кул ранг моғор билан қопланди; дарахтлар зангори мовут тусда...

Хитой Син Бин-унинг жасади қимир этмас, изларнинг гувиллашига ҳам энди парво қилмасди...

Шурка — машинистнинг ёрдамчиси — кузатув тешигига бутун вужудини кўз қилиб тикиларди. Машинист Никифоров унинг думалоқ, қўрқувдан оқарган юзига қараркан, жаҳл аралаш сўради:

— Нимага қараяпсан бунча? Йўл тозами ё биров кўриняптими?

— Отмикин... ё бузоқ-пузоқмикин, машинист жаноблари.

У кўзини тешиқдан узиб, тез гапирди:

— Одам! Изда ётибди, қўлларини қимирлатяпти. Ярадорга ўхшайди.

— Тезроқ ҳайда!

— Нега тезроқ ҳайда, деяпсан, машинист жаноблари? Инструкцияга биноан...

— Мен сенга, Шурка, тезроқ ҳайда деяпман! Босиб ўтишдан қўрқаётган бўлсанг, мен пулемёт билан жонини олиб қўя қолай...

Машинист Никифоров нарвондан юқорига кўтарилди, у ерда паровоз тепасидаги будкада — пулемёт.

— Тегма!

Шурка машинистнинг камаридан тортди. Машинист уни тешиб юборди. Шурка гандираклаб кетди, лекин қўлини камардан қўйиб юбормади.

У гайка калитини олиб, машинистга ўқталди:

— Ота кўрма!

Калтафаҳм машинист ниҳоят дарғазаб бўлди:

— Ўлдираман, аблаҳ!

— Тўхтат машинани!

— Мен сенга кўрсатиб қўяман тўхтатишни! — у Шуркага бир мушт туширди.

Шурка ўзидан кетиб, эшик тагига йиқилди. Лекин тез эсини йиғиб олиб, бошини қўли билан ушларкан, бақирди:

— Ўлдирди!

— Кимни ўлдирди? Қаерда ўлдирди? — ҳовлиқди машинист.

— Қара! Бировни босиб ўтдинг, иблис!

Машинист Никифоров эсанкираб қолди. Шурка ёқасидан тутиб уни эшик олдига судради, эшикни зўрға очди:

— Қара!

Уқ узилди. Яна.

Машинист Никифоров эшикни ёпди-ю, қулади.

Бронепоезд ҳамон олға қараб кетаётганди.

Шурка оғир ярадор. Лекин у сўнгги кучини йиғиб, ричаг олдига зўрға судралиб борди.

Паровоз силкиниб тўхтади.

— Чатоқ, — деди Обаба. — Чатоқ, полковник жаноблари. Бу мужиқларни мен биламан.

— Нима, нима? Кимнинг иши чатоқ?

— Бизларники.

— Бу ёққа қаранг, — деди Незеласов Обабни энгидан тортиб.

Обаб кўйлаги йиртиғини кўрмоқчи бўлгандек елкасини пайпаслаб, ўгирилди.

— Отишяптими? Партизанларми?

— Эшитинг!..

Димликдан Обабнинг қовоқлари шишган, нам эди, кўзлари кўйлакнинг йиртиғидек ҳиссиз, жонсиз қаради.

— Одамлар орасида наҳотки менга ўрин йўқ бўлса, а, Обаб?.. Тушунинг... менинг хат олгим келяпти. Уйдан, а!

Обаб хириллаб:

— Ухлаш керак, жим кўйсангиз-чи! — деди.

— Уйдан... хат олгим келяпти... Менга хат ёзишмаяпти!.. Ҳеч нарсадан хабарим йўқ. Ҳеч бўлмаса сиз ёзсангиз-чи, Обаб!.. — Незеласов уят билан хихиллади. — Билдирмай... ёзиш мумкин-ку... а...

Обаб сакраб ўрнидан турди, қалтироқ кўллари билан катта этиғини соғисидан тортди, кейин эса хириллаб қичқирди:

— Менга хизматга доир гапни гапир, ҳа! Сен бунақа гапингни кўй! Менинг ҳам... Барнаул уездида... қаллигим бор!..

Пропоршчик парадда тургандек қаддини ростлади.

— Балки, замбараклар тозаланмагандир? Балки, буйруқ берайми? Солдатлар маст, сен эса бу ерда... ҳаққинг йўқ...

У кўл силкиди, қорнини ишқаб, деди:

— Мен билан нима ишинг бор? Сенга раҳмим келмайди, хоҳламайман раҳм қилишни!

— Юрагим гап, прапоршчик... Сиз... ҳар ҳолда... одамсиз-ку!

— Турмушинг ифлос. Ўзинг ҳам ифлоссан... Эркаланишни истаб қолдингми!

— Тушунсангиз-чи... Обаб.

— Хизмат буни тақозо этмайди!

— Илтимос...

Прапоршчик бақирди:

— Керакмас!..

У бу сўзни бир неча марта такрорлади, ҳар такрорлаганида бу сўзнинг оҳори тўкила борди; оғзидан қи-

рилиб чиқаётган бу сўз қочаётган армиянинг чинқиригига ўхшаш қўрқинчли, қаттиқ бақирриққа ўхшаб кетди:

— Ке-а-а-мас!..

Иккаласи ҳам бетиним, бир-биридан қолишмасликка ҳаракат қилиб, ваҳм билан то томоқлари қуригунча, овозлари бўғилгунча бақирришди.

Капитан тўшагига ҳорғин ўтирди, кучукчани тиззасига олиб алам билан деди:

— Мен сизни, Обаба, тош деб юардим. Муз экансиз, иссиқда эриб қолдингиз!

Обаб деразани очди, капитаннинг олдига сакраб келиб, кучукчани бўйнидан юлқиб олди. Капитан унинг қўлига ёпишди, қичқирди:

— Ташлай кўрманг!.. Ташламанг деяман!

Кучук виғиллади.

— Хе!..— шикоятнамо деди Обаба.— Қўйиб юбор!

— Қўйиб юбормайман, мен сенга гапиряпман!..

— Қўйиб юбор!

— Ол қўлингни!.. Мен!..

Обаб қўлини тортиб олди, оғир-оғир қадам ташлаб чиқиб кетди.

Кучукча секингина чийиллаб полда, кул ранг одеялда оҳиста юра бошлади. Тепадан у судралаётган ҳўл доққа ўхшарди.

— Ҳа, шўрлик,— деди Незеласов, тўсатдан негадир ўпкаси тўлди, бўғилгандек бўлди, йиғлади.

Мужиклар шапкаларини бошларидан олиб, марҳумнинг хотирасига чўқинишди.

— Энди окоп қазинглар!— деди уларга Вершинин.— Бронепоездни тўхтатдик, лекин ундан отиладиган ўқ ёмғирини тўхтатолмаймиз.

Мужиклар югуришиб окоп қазий бошладилар.

Вершинин сал букчайиб Васька билан бирга окоплар олдидан одимлади.

Шу тарзда у муюлишга чиқди, бу ердан Мукленка кўприги кўриниб турарди.

— Никита Егорич, рухсат эт... биринчи бўлиб бронепоездга чиқай!

Вершинин унга ҳеч нарса демай, юқорига кўтарил-

ди, шпаллар орасидаги ерга оёқларини қаттиқ босаркан, ғарбга томон чўзилган ялтироқ пўлат тасмага узок тикилди.

— Нима қилмоқчисан?— сўради Окорок.

Вершинин ўгирилди ва кўтармадан пастга туша туриб, қовоғи солиқ ҳолда сўради:

— Бизлардан кейин одамлар яхши яшармикин?

— Хўш?— деди Васька.

— Шу, вассалом.

Васька мамнуният билан деди:

— Бу уларнинг ўз иши. Мен ўйлайманки; улар яхши яшашлари шарт, аблаҳлар!

Тўрт мужик югуриб келиб, бирданига қичқиришди:

— Никита Егорич, от топдик!

— Ҳозир замбаракларни судрашади!

— Энди кўрсатиб қўямиз уларга!

Вершинин эса:

— Тўйдан кейинги ноғора бу,— деди.

саккизинчи боб

ҲУЖУМ

Соқоли олинган, оёқлари калта бир киши, оёғи гавдасини кўтара олмай қолгандек, бутун гавдасини столга тираб, хириллаб деди:

— Бу ишингиз яхши эмас, ўртоқ Пеклеванов. Сизнинг ревкомингиз Союзлар советининг фикри билан мутлақо ҳисоблашмаяпти. Исённи эрта бошлаяпсизлар.

— Сизларнинг Союзлар советингизда кўпчиликни меньшевиклар ташкил қилади,— деди унга Пеклеванов,— биз эса уларнинг фикри билан ҳисоблаша олмаймиз. Иш ташлаш деярли умумий эмасми? Деярли. Шундай бўлса, нега эрта бўларкан?

Бурчакда стулда ўтирган бир ишчи зарда билан деди:

— Японлар бетарафлик эълон қилдилар. Уларнинг оролларига жўнаб кетишини кутиб ўтирамизми? Ҳокимият бизнинг қўлимизда бўлиши лозим, ўшанда улар тезроқ жўнаб кетади.

Калта оёқ киши уқтира бошлади:

— Союзлар совети ёмонлик тиламайди, ўртоқлар, кутиб турсанглар бўларди.

— Японлар тагин бировни жўнатишгунча кутайлик-ми?

— Етади кутганимиз!

Говур-гувор бошланди. Пеклеванов чой ҳўплаб туриб, тинчлантирарди:

— Сал жиминглар, ўртоқлар.

Союзлар советининг калта оёқ вакили эътироз билдирди:

— Сизлар шароитни ҳисобга олмаяпсизлар. Тўғри, деҳқонларнинг авзойи бузук, лекин... Уездга агитаторлар жўнатгансизлар, деҳқонлар шаҳарга кетишяпти, японлар бетараф... Тўғри!.. Вершинин бронепоездни тутиб турганда ҳам, барибир, қўзғолон бўлмайди.

— Кўрсатиб қўйинглар унга!

— Ғарази бор!

— Менга сўз беринглар!

Калта оёқ сукунатдан фойдаланиб Пеклевановга секин деди:

— Орқангиздан пойлаб юришибди. Эҳтиётроқ бўлиш керак. Матрос Семёновни уездга бекор командировка қилибсиз.

— Нима қипти?

— Оғзида гап турмайдиган киши: худо билсин, нималар деб юрганикин? Ҳозирги пайтда кишиларни эҳтиёткорлик билан танлаш керак.

— У мужикларни яхши билади,— деди Пеклеванов.

— Мужикларни ҳеч ким ҳам билмайди. Ҳавойи одам улар, ҳавойилик, тўғри, уларга таъсир қилади. Ҳар ҳолда... Митингга борасизми?

— Қаерда бўлади?

— Депода. Ишчилар сизни кўрмоқчи. Сизсиз иш ташламоқчи эмас улар. Улар ўз оғзингиздан гап эшитишмоқчи. Контрразведка ҳам кузатиб юрибди... Кўрган заҳотлари отиб ташлашлари мумкин, шундай бўл-

са ҳам кўришмоқчи. Ишқилиб, биз биланмикинлар? Қўзғолонни, умуман, ҳужумни беқор бошлаяпсиз. Хатарли, — деб қўйди калта оёқ, ўйчан қиёфада.

— Қўзғолон, умуман, хатарли нарса. Хатарсиз қўзғолон бўлмайди.

— Вершинин билан таништириб қўйганингиз учун катта раҳмат. Партизанларнинг ажойиб етакчиси бўлиб қолди у.

Пеклеванов калта оёқдан узоқлашиб, Знобовни излади, унга секингина деди:

— Знобов! Борди-ю... қўзғолон-да, ҳар қанақа воқеалар бўлиши мумкин... Агар мен бу яқин орада Вершинин билан учраша олмасам, унга айтиб қўйинг: ревком қарор қилди, биз Москва билан алоқани тикласак, биринчи Узоқ Шарқ делегацияси составида Вершинин ҳам Лениннинг олдига боради. Нақадар яхши: Москва, Ленин! Рости, мен Москвага боришни истардим...

Ревком аъзолари ва қасаба союзларининг вакиллари кетишганидан кейин Пеклеванов деразага қараб туриб деди:

— Бу ерда, албатта, денгиз чиройли, лекин, менинча, Москва ундан ҳам чиройлироқ. Ҳа, ростдан ҳам, Москва кузидан кўркамроқ нарса бормикан? Айниқса, театр мавсуми бошланган пайтларда... Афишаларнинг тагида, босмаҳона номи кўрсатиладиган жойда, нам куз япроғи илиниб қолган, шамол увиллаб туради, лекин шамол япроқни юлқилаб олишга ожизлик қилади, сен бориб...

— Шаҳар жуда хатарли, Илья. Яна афишалар ёпиштиришибди. Сени тутиб берган кишига катта пул ваъда қилишган...

— Парво қилма, Маша. Ҳаммаси ўтиб кетади. Яна ёмғир ёғяпти. Томоғим оғриқ, уч кундан бери тумовман. Бу хитойлар рўмолча қилишни билмайдилар-да. Рўмолча эмас, океанга ботаётган қуёш. Рўмолча деган одмироқ бўлиши керак-да.

— Ҳар соат хавотирдаман. Булка олиб келгани чиқсам, уйимиз қаршисида бир япон сабатда қоғоз гул сотиб ўтирибди. Қоғоз гул эмас, шойи сотаётгандек кийими башанг.

— Айғоқчийкан-да. Ҳа... айғоқчилар кўп, лекин барибир тутишолмайди... Хавотирланаверма, хотиржам

бўл, Машенька! Юрагинг заиф, лекин ўзингни қўлга ол.

— Ўзимни қўлга оламану, биласанми, Илья, ҳеч кучим йўқ... Столингга муҳим қоғозларни, револьверингни қўйдим.

Пеклеванов револьверни чўнтагига сола туриб деди:

— Револьверни чиндан ҳам яшириб қўйиш керак. Юрагингнинг мазаси бўлмаса ҳам, Машенька, мен сенга бир шум хабарни айтишим керак... Бир ўртоғимизни...

— Нима бир ўртоғимизни? Нима қилишибди?

— Даҳшатли, ваҳшиёна жиноят. Бу хабарни Знобов топиб келди. Японлар Сергей Лазони паровознинг ўтхонасига ташлаб куйдиришибди.

— Худо-ей!..

Извош товушини эшитиб, Машани ваҳм босди:

— Энди сени тутиб олишади!..

— Хавотирланаверма, бу — Семёнов. У ҳамма вақт извошда олифтагарчилик билан юради, чалғитиш учун.

Буталар орасидан Семёновнинг сомон шляпаси, тиш чўткасига ўхшатиб текислатилган сариқ мўйлови кўринди, от пишқирди.

Пеклевановнинг хотини йиғлади. Унинг тишлари чиройли, юзи қип-қизил эди. Кўз ёшлари унга ярашмас, қизил юз ва дудоқларини хунуклаштирарди.

— Адойи тамом қилдинг мени. Ҳар куни кўзим эшикда — қамашга келишаётгандек... Худо билади, балки... Сен чиқма!..

Маша хона ичида югурар, ўзини қаерга қўйишни билмасди. У сакраб бориб эшикнинг тутқичига ёпишди, илтимос қилди:

— Чиқмайсан... Отиб, кейин сени менга қайтариб беришадими? Ревком? Ҳаммаси ҳам ордона қолсин!

— Мени Семёнов кутиб турибди.

— У ҳам бир аблаҳ. Қўймайман, эшитяпсанми, ҳеч қаёққа чиқмайсан! Эшитяпсанми?..

Пеклеванов кўчага бир нигоҳ ташлаб, эшик олдига борди. Хотини бутун гавдаси билан эшикни тўсиб турар, пайлари таранг қўлларини букиб, шамол деворга қапиштирган тахтадек. Пеклевановнинг таъби хира бўлиб, дераза олдига борди.

— Сизларни ҳеч тушунолмадим!..

— Сен ҳеч кимни ҳам севмайсан... Мени ҳам, ўзинг-
ни ҳам, Илья! Борма!..

Кўчадан Семёновнинг овози келди.

— Савдогар ока, Василий Максимич, тезроқ
чиқа қолинг! Қоронғи тушиб, магазинлар бекилиб қо-
лади!

Пеклеванов секин деди:

— Уят, Маня. Подколесинга ўхшаб мен ҳам дера-
задан сакрайми? Мен йўқ деёлмайман-ку, қўрқди, дейи-
шади.

— Улимга боряпсан ахир. Қўймайман.

Пеклеванов сочини силади:

— Сакрашга тўғри келади.

Этаги калта пиджагининг чўнтаklarини тимирски-
лаб, жилмайиб, деразадан пастга туша бошлади.

— Шу ҳам иш бўлди-ю... Яхши эмас...

Вершинин Настасьюшканинг орқасидан юборган партизан уни бозор олдида топди. У Настасьюшкага эр-
талабдан бери Пеклевановни қидириб юрганини, Пек-
леванов тўғрисида гап-сўзлар кўплигини, шаҳар иш
ташлаганини, иш ташлашга Пеклеванов бошчилик қи-
лаётганини, одамлар эса унинг ўзини кўрмай, тажанг-
лигини гапириб берди. Ва:

— Худодан қўрқадиган бир чолни топдим, Пекле-
вановникига ўша олиб бормоқчи. Мен борай, Настась-
юшка, сен кутиб тур,— деди.

— Кутиб тураман,— деди Настасьюшка.— Мен ара-
вадаман — қўрқинчли эмас.

Ёмғир томчилар, ҳаво хира, қирғоқ яқинларида ден-
гиз суви ҳам лойқалашган эди. Настасьюшка чакмонга
ўралиб олиб мудраётган эди.

Қоғоз гул сотаётган япон келиб аравага қаради, ке-
йин этик кийган, қўлида калта пўстин кўтарган кекса-
роқ бир хотин ҳам аравага қаради. У аравага қўлини
тикиб, титкиларкан:

— Нима сотяпсан?— деб сўради.

— Сотиб бўлдим,— деб жавоб қилди Настасьюшка.

Арава ёнидан шаҳдам-шаҳдам қадам ташлаб Вер-
шинин юборган партизан билан бирга ёшгина бир жу-
вон ўтди. Жувон Настасьюшкага шипшиди:

— Сиз, Настасьюшка, Илья Герасимовичнинг олди-га боролмайсиз... Кузатиб юришибди... Мен унинг хотиниман... Сиз ҳам тезроқ кетинг!

Жувон шундай деди-да, одамлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Настасьюшка атрофга қаради, аравадан сакраб тушиб қирғоққа, денгиз томонга шошилди. Хавфсизроқ!

Пеклеванов депога боролмади. У кемасозлик заводида нутқ сўзлади ва хотини бозордан қайтиб келган пайтда уйга келди.

— Ростдан ҳам Вершининнинг хотини шаҳардами? Ўзинг кўрдингми, Маша?

— Ҳа. Олиб келишга қўрқдим. Қоғоз гул сотиб юрган япон тагин изимга тушди.

— Ҳамма ёқда айғоқчилар изғиб юрибди, — Пеклеванов меньшевикларнинг таъсири кўпроқ бўлган депо ишчилари тўғрисида ўйлаб, деди: — Лекин, барибир, мен депога тезроқ боришим керак.

— Сендан жуда хавотирдаман. Илья! Шаҳарда яна афишалар пайдо бўлиб қолибди. Сенинг бошинг учун энди ўттиз эмас, икки юз эллик минг беришмоқчи.

— Оҳо! Пеклевановнинг нархи ошиб кетяпти-ку. Демак, Пеклевановнинг иши ҳам авж олиб бораётган экан-да!

Бир зум жим туриб, қатъий деди:

— Мен ишонаман!

— Нимага?

— Эсингдами, Семёнов шаҳарда иккинчи большевистик марказ бор деган эди?

— Хаёл.

— Борлигига мен ишонаман, Маша, ишонаман. Ёлғизлигим учун эмас, кучимиз кўплиги туфайли бу гапга ишонгинг келади. Мен, ўзинг биласанки, Симферополда ўқиганман. У ер серқуёш. Гимназияга чопасан, ҳамма ёқ равшан, руҳинг энгил, ўз соянгга қарайсан, худди туш билан бўялгандай, аниқ, ўзингга ўхшайди.

— Вершинин — сенинг соянг, лекин қўзғолоннинг у иккинчи маркази соянг эмас. Нима керак у?

— Ишимиз ўнгидан келмаса-чи? Ўшанда у ишни ўз қўлига олади!

— Параллелчиларсиз ҳам ишимизни ўнгидан келтирамиз,— бирдан ўзига хос бўлмаган қатъият билан деди Маша.

Пеклеванов унга тикилиб туриб, кулди.

Қоронғи туша бошлади. Портда, кемаларда чироқлар ёнди, кейинроқ шу чироқларнинг акси тушаётгандек, уйларда ҳам чироқлар ёнди. Ибодатхона пештоқида қуёш ёғдуси сўнгги бор ярақлади, қўнғироқлар у билан хайрлашаётгандек жаранглади. Фанзалар ортида эҳтиёткорлик билан қадам ташлашарди. Пеклеванов деразадан диққат билан қараб туриб, эшик томон юрди.

— Қаёққа, Илья?

— Ҳозирча полизга.

Полиздан соҳилга тушиладиган қиялик кўриниб турар, унинг ёнгинасида сув ювиб ўйдим-чуқур бўлиб кетган қумлоқ, бу ерда майда-чуйда кулбалар кўзга ташланар, қияликдан нари эса шаҳар боғи. Сўнгги кунларда туман оралаб эсан шамол дарахтларнинг япроғини тўккан, боғ энди тиканак сим девордек кўзга ташланар эди.

Жарликдаги кулбалардан бирининг эшиги очилди. Пушти ранг узун кўйлак кийган бир аёл катта самовар олиб чиқди, самовар унинг қўлида улкан олтин ёмбиси каби ярқирарди.

— Кўзингни узмайсан,— деди Пеклеванов Знобовга.

Знобов карамзорда ётарди. У осмонга қараб:

— Ҳа,— деди секингина.— Энди юлдузлар чарақлайдиган тунлар камдан-кам бўлади. Сиз бақираверманг, кузатиб юришибди.

Пеклеванов оҳиста кулиб:

— Чексак бўлармикин?— деб сўради.

Пеклеванов карам баргини юлиб олиб, қўлида ўйнаркан, деди:

— Шундай қилиб, Илья Герасимич, олдин...

— Олдин депо ишчиларини қўзғатиб, артиллерия омборларини қўлга киритамиз...

— Кейин юк ташувчилар олдига отланамизми?

— Ҳа, кейин портга ва қалъага. Хужум.

Орага бир зумлик сукунат чўкди.

— Илья Герасимич, бутун фикри хаёлимиз артиллерия омборларида бўлиб қолди-да,— деди Знобов.—

Замбаракларни қўлга киритсагу, Вершинин етиб келол-маса нима бўлади?

— Етиб келади.

— Олиб келади!— деб тасдиқлади, ўрмалаб кела туриб Семёнов.

Яна орага сукунат чўкди. Семёнов овозини ўзгартиб, деди:

— Вершининнинг хотинини қамоққа олишди, Илья Герасимич.

— Қўзғолонни тезлаштиришга мана яна бир сабаб.

— Чопар юборсакмикин-а? Вершининга. Шошилтирсакмикин, дейман? Хотини тўғрисида хабар етказсакми ё, яхшиси, индамайликми?

— Айтавериш керак! У — довжорак одам.

Пулемётлар ўқ ёғдирыпти, вагонлардан пулемётлар бетўхтов ўқ отиб турибди. Пулемётлар қон каби қизиб кетган...

Оғир жароҳатланган партизанларнинг буталар орасидан сакраганлари кўринади. Улар энди яширинмас, ўз юзларини душманга кўрсатиб қўйишдан қўрқмасдилар.

Лекин яраланмаганлари ўзларини панага олган.

Ўтлоқлар, кул ранг-тилласимон буталар, йўллардаги кўлмаклар, тепаликлар, тепаликлардаги ўрмонлар ҳаракатсиз. Бундоқ қараганда фақат бронепоезддангина ўқ отилаётганга ўхшарди.

— Балки, партизанлар бу ерга замбаракларни келтиришгандир?

— Йўқ, полковник жаноблари, уларда замбарак йўқ ҳали,— деб жавоб берди Обаба.

— Демак, улар орасида ҳали Пеклеванов ҳам йўқ экан-да?

— Жуда ҳам лойгарчилик, йўллардан юриб бўлмайди, бу ерда ҳеч қанақа Пеклеванов ёрдам беролмайди. Сиз, полковник жаноблари, унинг нархини опширверманг, бу ердагилар ўз кишиларимиз.

— Ўз кишимизмикин?

Незеласов поезддаги солдатларнинг афт-ангорларини кўрмаётган эди. Лампалар ўчирилган, кишиларнинг юзлари ҳам пиликларга ўхшаб сарғайиб кўринадиган холос.

Незеласовнинг гавдаси эпчил ҳаракат қилар, кескин гапирар, чап қўли эса ҳавода алланимани тимирскиларди.

У солдатларни юпатиш умидида нимадир демоқчи бўлди, лекин: «Ўзлари билади!» деб ўйлади.

Яна Обабага зардаси қайнай бошлади:

«Ўзимизникилар?! Ҳа-ҳа! Мана у Вершининнинг атрофидагилар ўзининг кишилари, деса бўлади, уни милён киши деса бўлади, ҳа! Бу кимнинг гапи? Отилаётганда мужик бола шундай деган эди шекилли. Нозиккина эди, нил ўзига қаратилганини, ўлиши муқаррарлигини англаб бақирганди: «Жаноб, ўқингиз етишмайди! Вершинин — милёнта». Йў-ға, бу мужик бола тўғрисида Обаба шундай деганди шекилли?»

— Э худо, бунча юрагим қисияпти! Комендантшикида ҳар сешанба зиёфат. Варя диванда ўтириб, китоб варақлайди... Бу кеча у қанақа китобни ўқиётганикин?..

Ҳа, бу кеча китоб ўқиш қийин!

Кечаси партизанлар гулхан ёқишди. Гулхан оқиш-сарик алангаланиб ёниб турар, унга яқин бориб ўтин ташлаш хавфли бўлганидан, партизанлар узоқдан туриб унга ўтин отар, шунинг учун ҳам гулхан ёйилиб, катталиги деҳқонларнинг уйича бўлган эди.

Йўлнинг икки томонида ҳам гулханлар ёнар, одамлар кўринмас, тайга ичидан ўқ овози келарди. Капитан худди гавдаси поезднинг бир томонини босиб ардараётгандек, ўртага қараб югурди.

У жиддий қиёфага кирмоқчи бўлиб:

— Патронларни... аяб ўтирманглар! Отаверинглар! — деб бақира бошлади.

Ўзига ўзи таскин бермоқчи бўлиб деди:

— Мен сизларга... сизларга отинг деяпман!.. Эшит-япсизларми ўзи? Патронларни аяб ўтирманглар!

Ўгирилиб, эшикдан кираркан, секингина кулди, чап қўлини силкитиб деди:

— Кўп чайналган ибора... «патронларни аяб ўтирманглар».

Капитан милтиқни қўлига олди, қоронғилик қаърига қараб ўқ узмоқчи бўлди, лекин бошлиқ бўлгандан кейин фармойиш бериши керак, солдатнинг ипини қилмаслиги лозимлиги ҳақида ўйлаб, соқоли қирилган

иягини силаб, ўзига ўзи шошилинич деди: «Нега керакман ўзим». У поезднинг ўртасига югурди.

— Буйруқсиз иш қилма!

Бронепоезд қалқондек турар, пўлат девор ичида солдатлар вагондан вагонга ўтиб, жой алмаштириб туришар, бир-бирларининг аппаратларида ишлардилар, улар терлаган кўкракларини артиб:

— Тавба! Қани бу мужиклар ўзи? Нимани кутишяпти?— дейишарди.

Ростдан ҳам, нимани кутишяпти, кимни кутишяпти улар?

— Пеклевановними?

— «Пеклевановнинг нима дахли бор?»

— Кимни бўлмаса?

— Ҳа, кимни?

— Полковник жаноблари! Биз ҳужум қилсак-чи?

— Обаб! Сиз — эсли одамсиз. Ҳужум қиладиган кучимиз борми ўзи? Ҳа, снарядларимиз бор. Одам-чи? Шавкатли оқ казакларимиз қани?

— Тарқалиб кетди!

— Иттифоқчиларимиз қани? Қани, японлар? Америкаликлар қани?

— Келишаётган бўлсалар керак.

— Шунақа-да! «Келишаётган бўлсалар керак»-миш?!. Қаёқдан келади? Кимнинг қошига келишади? Келганда ҳам, балки ўзларининг кемалари олдига келишар, бизларнинг бронепоездимизга келармидилар? Ҳужумга юборадиган одамим йўқ, Обаб!

Незеласовнинг машинист олдига боргани юраги дов бермасди. Ўзини қаерга қўйишини билмай, у бораркан, унга керак сўзни айтиш ўрнига, капитан бирдан:

— Аблаҳлар!..— деб бақириб қолди.

Оёқлари, тирсаклари алам аралаш типирчилади.

Капитан қўл силкиди:

— Аяманглар... дедим... Бу ерда эса... Аблаҳлар!.. Аблаҳлар!— У ер тепинар, кафти билан ёстиққа урарди. Капитан яна вагонларга югура кетди.

Солдатлар капитанга парво қилмадилар. Унинг таниш бесўнақай гавдаси ғижимланиб улоқтирилган қороздек йилт этди-ю, ғойиб бўлди.

«Ҳа, ҳаёт ваҳимали бўлиб қолди. Жуда ҳам! Ўзим

айбдорман. Ўзим? Кечирасиз. Мени ҳар томондан турткилашди! Ким сани турткилади, азизим? Ўйлаб қара».

— Фу, жин урсин! Гапани қара.

— Қанақа гап, полковник жаноблари?

— Сенга гапирмаяпман! Жим тур.

Жим туришга буюрди, лекин унинг гапирганидан мамнун эди. Эҳ, кошкийди, бу поездда бирорта қувноқроқ, тузукроқ одам бўлсайди... Тўхта, нима, мен тузук одам эмасманми?

— Ўт очинг! Снарядларни аяманг!..

Пулемётлардан ўтларга, дарахтларга, қоронғилик қаърига, гулхан алангалари акс этаётган тошларга тўхтовсиз ўқ отилаётганига олти соатдан ошди, партизанлар ҳам ўқ теша олмаслигини кўра била туриб, бронепоездга ўқ отаётганини тушуниб бўлмасди.

Капитан бошини ушлаб, қаттиқ чарчаганини ҳис этди. Этиги ҳам ёғочдан қилингандек, қотган, оёқларини қисаётганди.

Бош устида шифт айланаётгандек, деворлар букилиб кетаётгандек, куйган гўшт ҳиди димоғига урилди — қаёқдан бу, нега бунақа ҳид? Паровоз бетўхтов гудок бераётганди:

— А-а-о-е-е-и...

— Кутяпман, кутяпман... Кўз очиниш малол, бош оғир... Нега? — деб шипшиди ҳолдан тойган Незеласов. — Яшагим келяптими ёки ҳали номаълум оғриқдан қўрқаяпманми? Қийин, жуда қийин...

Хира, қабр зулматидек қоронғилик. Замбараклар залпининг ёғдуси бронепоезд минорасини ва атрофида артиллериячилар уйқу аралаш, ҳорғин ва маънос турган замбаракларни ёритарди. Уларнинг ҳаракатларидан тинкалари қуригани кўриниб турибди. Замбараклар атрофида бўшаган патронлар уюми.

Незеласов патрондан бўшатилган кул ранг яшик устида ўтирибди. Туннинг бўғаётган қаҳрли зулматидан халос бўлиш ташвишида прапоршчик Обаба мундирсиз, кир ва ҳўл кўйлакчан ҳолда замбараклар атрофида парвона бўлиб юрибди.

— Замбарак! Биринчи, иккинчи — ҳозирлан! — деб бақирди Незеласов телефонга. — Кўтарма томонга! Прицел ўттиз беш, трубка ўттиз беш. Ўт оч!

Ёруғлик чақнади. Замбараклар гумбурлади.

— Кимга қараб ўт очяпсиз, полковник жаноблари?— сўради Обаба, кузатув тирқиши олдида тўхтаб.— Зим-зиё қоронғилик-ку.

— Халақит берманг! Паровозда ишлар қалай?

Обаба тўнғиллади:

— Машинист ўлдирилган, ёрдамчиси қаттиқ яранган.

— Юнкерларни чақириш керак!

— Юнкерлар орасида паровозни бошқара оладигани йўқ, полковник жаноблари.

— Бошим ёрилгудек оғрияпти. Минг йил ухламаганга ўхшайман! Қалъа комендантиникида ҳозир зиёфатнинг айна қизиган пайти, бир оздан кейин қарга ўйнашга тушишади. Варя эса диванга ёнбошлаб, китоб ўқийди. Ҳа-ҳа! Ҳаммаси одатдагича.

Лекин ҳаммаси ҳам одатдагича эмасди.

Ростдан ҳам меҳмонлар комендант Катиннинг уйига одатдагича тўпланишди. Серёжа юнкер одатдагича меҳмонларга эшикни очиб турди. Подрядчик Думковнинг шивирлаб нималар деяётганини ҳамма эшитиб турар эди:

— Вершинин Пеклевановни тутиб беришга розилик берибди. Қаранг!

— Қанча олибди?

— Подшо тилла тангасидан бир пақир.

— Жаноблар, Вершининни сотиб олдик деб хом хал қилаверманглар,— Варянинг овози қулоққа чалинди.

— Тўхтаб, Варяхон,— деди Думков,— бу хабарни менга ўзингиз айтдингиз-ку!

— Бемаъни гап! Қачон?

— Жаноблар, меҳмонмиз, асабларингизни бузаверманг, қўйинг жанжалларингизни.

Серёжа юнкер полковник Катин квартираси эшигини хонимларга очиб, уларни ичкарига киргизди.

Бронепоездда туриб Незеласов ҳаммаси одатдагича деб ўйларди, аммо одатдагича эмасди.

Даҳлизда ҳеч ким йўқ. Надежда Львовна Варяга хафасимон нигоҳ ташлади:

— Бошлаб биз келибмиз-да?

— Сиз, Надежда Львовна, нуқул шошиласиз.

— Қўйинг бунақа гапларни, Варя! Сиз сўрашни унутманг...

— Биладан, биламан.

— Вершинин тўғрисида эмас, азизим. Вершинин мени мутлақо қизиқтирмайди, Америка кемалари бизларни олиб кетгани келармикин, бу ҳақда сўранг.

Худо-ей, бу кампир бунчалик аҳмоқ бўлмаса! Худди ўзининг уйида ўтиргандек уялмай-нетмай шанғилаб гапиряпти:

— Саша бронепоезда росаям пул йиққандир. Ўзига инъом қилинган ерларни ҳам сотган бўлса керак. Уруш жудаям жонимизга тегди, Америкага бориб бир айраймиз-да!

— Надежда Львовна, секинроқ...

— Нега секинроқ? Ҳамма ҳам Америкага бормоқчи, фақат бировлар секин гапиряпти, бошқа бировлар қаттиқроқ. Нима, полковник Катин Америкага бормайди деб ўйлайсизларми? Бир сўраб кўринг-чи!

Ётоқхонадан полковник Катин кабинет орқали меҳмонларга пешвоз чиқди. Стол устида дастурхон ёзиқлик, овқатлар қўйилган, диван олдида қарта ўйналадиган стол турибди, Варя китоб олиб, диванга ўтирди... Ҳаммаси одатдагича-ю, лекин жуда ҳам унчалик эмас.

Комендантнинг юзида хавотир, у хафа. У бирдан орқага ўтирилди.

Ётоқхона эшиги ғирчиллаб очилди, у ердан врач Сотин чиқди. Комендантнинг савол назари билан қарашига у елкасини қисиб жавоб қайтарди, хонимларга таъзим қилиб, жўнаб қолди. Комендант хонимлар билан саломлашишни ҳам унутиб, врачнинг орқасидан югурди. Яна савол билан тикилган қарашга врач секингина жавоб қилди:

— Афсус, қизингиз терлама билан оғрибди.

— Верочка-я?!

Комендант меҳмонлар олдига келди, уларга хиранигоҳ ташлади. Меҳмонлар мезбоннинг уйида кўнгили-хиралик борлигини фаҳмладилар, Надежда Львовна оғзига келган гапни қайтармади:

— Шаҳарда ҳамманинг оғзида гап: бизларни олиб кетгани Америка кемаси келаётганмиш.

Комендант шивирлади:

— Кечирасизлар, кутилмаганда... Қизим терлама бўлганга ўхшайди.

Тун, йўллар, ростдан ҳам ўтиб бўлмайдиган, белгача келадиган лой. Ана шу лойдан отлар, одамлар, замбараклар кетяпти; шатак қайишлари узилар, араварларнинг ўқлари, ғилдираклар синарди.

— Ҳар ҳолда, ёрдам, ўртоқлар!

— Замбаракларни Мукленкага етказиш керак!

— У ерда снарядлар тайёр турибди, сизларни кутяпмиз, ўртоқлар!

— Отларни алмаштир, ҳолдан тойди.

— Қамчи ур, қамчила!

— Кўрмаяпсизми, чарчаган.

— Отларни алмаштир, деяпман!

— Шошилинглар, ўртоқлар, бўлинглар! Незеласовга ёрдам келиб қолмасин тагин!

— Муҳими — замбараклар, тезроқ!

— Мукленкага беш чақирим қолди, холос!

— Шу беш — беш минг бўлиб кўриняпти!

— Ҳе, Ермил, жадаллатсанг-чи!

— Жадаллатяпмиз, Васька, куч йўқ. Никита Егорич соғми?

— Соғ. Сизларнинг тезроқ етиб боришларингни кутяпти.

— Ҳей, ҳей, мужиклар, жадаллатинглар!

— Елкалаб итар, елкалаб!

— Ғилдираклар остига хода ташланг, хода!

— Ҳаммаси ҳам лойга ботиб кетяпти-да, Васька!

— Мужикларни ёрдамга юборсаммикин?

— Мужикларда от ҳам кўпу, мана бу лой ёмон-да.

— Ботиб кетяпмиз, Васька!

— Мужиклар, замбаракларни итаринг, тезроқ бориш керак!

— Ўзимиз ҳам биламиз, лаънати лой ёмон!

— Вой худо! Лабезниковнинг оёғини босди!

— Оғай-ни-ларр!

— Э худо, бу ниманг!

Бронепоезд иттифоқчиларни кутиб, ҳамон ўқ ёғди-
рарди.

— Отавер, отавер,— лаблари қуриб бақирарди Вер-
шинин.— Тўхтаб тур ҳали, биз ҳам ўқ ёғдирамиз: му-
жиклар келишяпти.

Мужиклар бетиним келиб турар, улар араваларда
хотинларини ўрмонда қолдириб, сўқмоқлардан милтиқ
билан кўтармага эмаклаб келар, шу ерда окоп қазиб
жойлашиб олардилар.

Хотинлар чуввос тортиб йиғлашиб, ярадорларни
кўтиб олишар ва уларни уйга олиб кетишарди. Бақув-
ватроқ ярадорлар хотинларни сўқар, оғир ярадорлар
гапирмай, тўлғанар, қонли яраларини ҳавога ва тўки-
лаётган баргларга очишар, қон юқига барглар ёпишиб
қоларди.

Табаррук сув солинган чўмичли кичкинагина чўтир
бир кампир ўрмон этагида юрар, йўл четидан туриб
келаётганларга сепарди.

Ўтаётганлар кампирга ўгирилар эдилар.

Вершинин стрелкачининг будкаси ёнида аравада ту-
риб, штаб секретари ўқиётган хабарга қулоқ соларди.

Васька Окорок қўрқув билан унга шивирлади:

— Даҳшат, а, Никита Егорич?

— Нима?— бўғиқ овозда сўради Вершинин.

— Қоронғи тушди! Шаҳарга кечикамиз.

— Сенга барибир эмасми, от ўғри эмассан-ку. На-
чора!..

Хитойнинг ўлимидан кейин Васьканинг ҳавоси па-
сайган, одамларга тортиниб, айбдордек жилмайиб қа-
райдиган бўлиб қолганди.

— Жуда секин юришяпти-да, Никита Егорич. Кўнг-
лим хотиржам эмас.

— Жим юр — ўтиб кетади! Бир неча кечадан бери
уйқу йўғу, сен, Васька, сариқсан, маллавой, парвойи
фалаксан.

Васька секингина хўрсиниб қўйди:

— Қайси бир мамлакатда сариқларни солдатликка
олишмас эмиш. Мен эса подшога етти йил хизмат қил-
дим: тўрт йил ҳақиқий армияда, уч йил герман фрон-
тида.

— Яхшиям кўприкни портлатмаган эканмиз...—
деди Вершинин.

— Нима?— сўради Васька.

— Кўприкни портлатганда бронепоездни шаҳарга қандай қилиб олиб борардик?

Васька жингалак сочли бошини елкаси ичига қисиб, ёқасини кўтарди.

— Хитойга раҳмим келяпти! У жаннатга кирса керак, деб ўйлайман — деҳқонлар учун жонини қурбон қилди-да.

— Аҳмоқсан, Васька.

— Нима?

— Худога ишонасанми?

— Сен ишонмайсанми?

— Ишонмайман!..

— Сенинг ишинг, Никита Егорич. Эркинлик ҳозир. Лекин мен эътиқодсиз яшай олмайман — оиламдагилар ҳаммаси раскол дини¹га эътиқод қилишади.

— Художўйлар!

— Рухсат эт, Никита Егорич, мен ҳам бир милтиқ отай!

— Мумкинмас. Штабсан, шундай бўлгандан кейин штаб квартирасида ўтирасан.

— Снаряд, эшитдингми?

Ер титради, дераза ойнаси жаранглаб ерга қулади.

Вершининнинг бирдан жаҳли чиқиб, секретарини туртди:

— Утир! Қоронғи тушса, гулхан ёқишсин. Незеласов поезддан тушиб ўрмонга қочиб қолмасин. Мен бронепоездга яқинроқ борай.

Вершинин отни темир йўл бўйлаб бронепоезд томонга чоптира кетди:

— Қочолмайсан!

Итга ўхшаш сержун, қорни катта от аравани сакратиб-сакратиб чопа бошлади. Вершинин арава устида тик туриб, югани тортди:

— Ну-у!..

От чираниб чопқиллади.

Вершинин унинг тер босган яғринига қамчи босди. Васька будканинг остонасидан туриб бақирди:

¹ Раскол — XVII аср ўрталарида Россияда пайдо бўлган ва бир неча мазҳабни вужудга келтирган диний ҳаракат (тарж.)

— Ҳайда! Бутун штаб қўшинларни кўриқдан ўтказяпти! Анав пойиздаги капитанга тупурдик, ҳа! Ҳайда, чоптир, Егорич!.. Қамчила!

Арава окоп қазиб ётишган мужиклар олдидан ўтиб борарди. Мужиклар чўккалашиб, арава устидаги Вершининни кузатишар, кейин эса қўлларига милтиқни қўйиб кутиб ётишарди.

Васька қошларини чимирди:

— Яқин қолди, қара, уларга бирор бало бўлган шекилли, кўришмаяптгям!— Юзини тер босган, баҳайбат Вершинин бақирди:

— Бўш келманглар, ўртоқлар!

— Балли!— бақирди Васька.

Арава силкинди, филдираги бақани босганди, ўтирич остидан сомон силкиниб ерга тушди. Мужиклар буталар орасидан солдатларга хос бўлмаган овозда бақирди:

— Чакки эмас!..

— Бўш келма, ўлишга барибир ўламиз!

— Бораверамиз!

Соқин ёнаётган гулханлар орасида қоронғиликда гумбурлаб снарядлар ёрилди.

Аравадаги серсоқол киши эса фармойиш берарди. Мужиклар ёғочларни кўтармага кўтариб чиқаришиб, шу ёғочларни секин олдинга итара-итара ўрмалай бошладилар. Бронепоезд яқиндан ўқ ёғдирарди.

Ёғоч жасадга, жасадлар эса ёғочга ўхшар, шохлар ҳам, қўллар ҳам қисилар, дарахт танаси ҳам, одамларнинг танаси ҳам бақувват эди.

— Кеголмайсан!

— Замбараклар етиб келсайди...

— Етиб келади!

Осмон қоп-қоронғи, чўяндан қуйилгандек, ҳаво оғир, паровознинг тепадан ўкиргани қулоқларни қоматга келтирар эди.

Мужиклар чўқиниб олиб, милтиқларни ўқлар, ёғочларни олға сура бошлардилар. Ёғочлардан смола, мужиклардан тер ҳиди анқирди.

Васька будка ёнида эгилиб қаҳқаҳлади:

— Қочиб бўбсан, аблаҳ! Биз, биродар, қошингга етиб борамиз ҳали. Қочолмайсан. Сенга биз хитойни бекорга берганимиз йўқ!

— Эртага уларнинг суви тугайди. Албатта қўлга киритамиз.

Вершинин:

— Шаҳарга ёрдамга бориш керак,— деди.

Одамлар пишган мева шамолда тўкилган сингари тўкилар, ерни ўла туриб, сўнгги бор ўпишарди.

Энди қўллар ҳам ерга таянмас, гавдалар секингина қулар, йиқилишдан бирор ерлари шикастланмасди ҳам — ер аяётгандек. Бошда ўнлаб киши қулади. Урмоннинг яланг жойида турган хотинлар секин йиғлашди. Кейин юзлаб одамлар қулади — аста-секин аёллар чуввоси ҳам авжига чиқа борди. Жасадларни ташийдиган киши қолмади, ёғочларни олға томон суришга жасадлар халақит бера бошлади.

Мужиклар ҳадеб тирмашиб чиқишаверди.

Броневик чарчамай ҳамон ажал уруғи сочарди.

Мужиклар Вершининнинг: «Кетдик!.. Ўр-тоқ-лар!..» деган қичқирғини кутмай атака бошладилар.

— Шу пайт замбарак бўлсайди...

— Биттагина бўлса ҳам майлийди!

— Ҳозирча замбараксиз уриниб кўрайлик-чи!

— Чунки вақтида бориш керак-да! — қичқирди Васька. — Шундайми, Никита Егорич? Ваъда берганмиз, ваъдага вафо қилиш керак.

— Ваъдага вафо қилишимиз керак, Вася, керак!

Пўлат деворлардан чиққан қўрғошин ва мис парчалар баданларга, кўкракларга ажал бўлиб санчиларди.

Мужиклар:

— Во-о-о-й-й!! — деб бақирдишарди.

Ўтлар кўкракларга, қоринларга суқилар, буталарнинг шохлари юзларни тирнар, соқолларга ўралиб, юлқиб-юлқиб қоларди; терлаган, ҳўл соқол-мўйловлар орасидан лаблар бўртиб чиқиб овоз берарди:

— Во-о-о-й-й!!!

Гулханлар орқада қолди, олдинда омборларга ўхшаб қорайиб вагонлар турар, пўлат деворлар орасида яшириниб, ваҳм босиб турган одамларга йўл берк эди.

Партизанлар ғилдираклар остига бомба ташладилар. Бомбалар уларни отганларнинг ўз кўкракларига ҳам бир парча ажал уруғи қадаб, портларди.

Мужиклар чекинишди.

Тонг ёриша бошлади.

Тонг ёғдусида ўликларга кўзлари тушиб, худди бирдан елкаларига пичоқ санчилгандек додлашди ва яна вагонларга томон ўрмалашди.

Вершинин этигини ечиб, оёқ яланг бўлиб олди. Васька Окорок Вершининга хавотир билан қараркан:

— Сен, Никита Егорич, баҳодир экансан!— деди.

— Лекин қойил қилганимча йўқ, биродар.

Васьканинг қувноқ кўзларида завқ ёшлари йилтирарди.

Бронепоезддан ўқ отилди.

— Овозини ўчириб қўй!— деб қаттиқ бақирди Окорок ва бирдан чўккалаб жойидан турди, кўкрагини чангаллади ва биров хафа қилган боладек жингиллаган овозда:

— Э худо... мени ҳам!..— деди.

Қулади.

Партизанлар Васькага қарамай, улкан қабрга ўхшаш баланд, сарғиш кўтармага кўтарилдилар.

Васька доим қаергадир шошилаётгандек ҳовлиққан-намо типирчиларди.

Партизанлар яна чекиндилар.

Тонг отган пайтда шаҳар ревкоми юборган чопар етиб келиб, Пеклеванов қўзғолон кўтарганини, ишчилар яхши жанг қилаётганларини, кураш кураш эканлигини, Вершининнинг хотини Настасьюшка оқлар томонидан қамоққа олинганини, у қалъанинг ертўласига қамаб қўйилганини хабар қилди.

Кўкрагидан яраланган Васька алжираётганди.

Вершинин ярадор ёнида, унинг қўлини ушлаб тураркан, ҳамон илгаригидек япалоқ, сепкилли юзига, терлаганиданми, қизғиш кўринаётган сочларига қараб, сиқилиб деди:

— Унга, ҳар ҳолда, айтايки, менга қараганда оsonроқ. Одамлар шунча азоб-уқубатларга кимлар орқали гирифтор қилиняпти? Ким гирифтор қилиняпти?

Васька кўзларини аранг очиб илжайди, сал эшитиларли қилиб деди:

— Хитой яхши билган экан-а, Никита Егорич?.. Машинистни... Уни биз сен билан бирга... қойил қилдик...

Кейин эса ноаниқ қилиб гўлдиради:

— У эса... ҳе... бизларни... моқчийди...

Васька оғриқни енгиб, қўлини мушт қилиб чўзди:

— Мана сенларга.

Терлаб-пишган солдатлар бидонларни тарақ-туруқ қилиб, пулемётларни совутишаётганди. Уларнинг қирилган қўллари тортиниб, уялаётгандек ҳаракат қиларди.

Поезд бир титради, у қаттиқ иситмалаб алаҳсираётган беморга ўхшарди.

Қизғиш қоронғилик Незеласовнинг ғуссасини ошириб, бош оғриғига оғриқ қўшди. Чаккалари зирқиради, юраги увушди.

— Аблаҳлар!— бақирди капитан.— Бу нима гап?

— Жаноблари...

Незеласов мудроқ босган солдатнинг олдига бориб, уни этиги билан бир тепди:

— Ҳе, ҳайвон, ухлама!

— Жуда ҳам ҳолдан кетдик, жаноб!

Замбаракларга сув ҳам йўқ!

— Замбараклар, пулемётлар жуда ҳам қизиб кетган,— деб такрорлади Обаб.— Отиш хавфли, полковник жаноблари.

— Мен ухлай олмайман ҳам, ётолмайман ҳам. Юрагим бўм-бўш. Э худо! Биринчи, иккинчи, учинчи... замбаракларни жангга ҳозирланг! Ун иккинчи кўтармага мўлжаллаб сочма ўқ билан ўқланг! Ут очинг!

Бараварига ўқ узилди.

Унинг қўлига қаердандир кавалерия карабини тушган, затвори иссиққина эди. Незеласов карабиннинг қўндоғи билан вагонларнинг эшикларини очар, вагондан вагонга югуриб, бақирарди:

— Аблаҳлар! Аблаҳлар!

Фармойишга ўхшайдиган бирор сўз тополмас, ҳақоратловчи сўз унинг кайфиятига мос, тезда эсига келадиган сўзлардан эди.

Мужиклар ҳужумга ўтдилар.

Шинаклардан олисдан жун уюмларидек сарғайиб кўринаётган буталар орасидан мужикларнинг букри елкалари ва ёнларидаги тахтага ўхшаш милтиқлари

йилтираб кўринарди. Буталардан нари — ўрмон, аёл кўкрагига ўхшаган, қорамтир-яшил ёнар тоғ тепалик-лари кўриниб турибди. Буталар орасидан югуришиб ер бағирлаб келаётган елкалар ёнар тоғлардан ваҳималироқ. Солдатлар ана шу ваҳимани ҳис этиб, буталар орасидан эшитилаётган қичқириқларни босиш учун пулемётларни сайратдилар. Ҳеч нарса, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган даражада пулемётлар ҳам сайрай кетди. Капитан Незеласов бир неча марта ўз купеси ёнидан ўтди. Купесига киришга негадир юраги дов бермади; купенинг эшигидан Колчакнинг литографик портрети, Европа урушлари плани, Незеласовга кулдонлик хизматини ўтовчи бронза бут кўриниб турибди. Капитан купега киргудек бўлса, анави кучукча бир пайтлар эгасиз қолиб, бир бурчакда вингиллаб ётгандек, купенинг бурчагига ётиб олиб, йиғлаши мумкинлигини, кейин купедан чиққиси ҳам келмаслигини ҳис этиб, ичкарига кирмади.

Мужиклар ҳужум қилишяпти.

Неча марта ҳужум қилинганини Незеласов билмас, буни тан олиш ҳам унга уят, солдатлардан бу ҳақда сўрай олмас, уларнинг кўзлари ғазаб билан тўла эди. Бу кўзлар, винтовка затворларига ва пулемётларнинг тасмаларига қадалган, бу кўзлар ана шу затворлардан узилгудек бўлса жазосиз қолмасди — отиб ўлдиришарди. Капитан солдатлар орасида юрар, қўлидаги қарабини қамиш таёқча каби енгил эди. Аҳён-аҳёнда у ўрмонда шамол шов-шувини эшитаётгандек бўлади... Солдатлар милтиқ ва пулемётлардан қоронғилик қаърига ўқ ёғдириб туришибди. Пулемётлар бақириб турган баҳайбат гавдага санчилаётгандек. Оқиш сочли бир солдат лампага керосин қуйди. Керосин унинг тиззаларидан оқди, капитан унинг ёнида бир зум тўхталиб турган эди, димоғига олма ҳидига ўхшаш ҳид урилди.

— Кучукка сув бериш керак!.. — деди у.

Оқиш сочли солдат кучукни чақирди:

— Мма... мма... мма...

Этигини кияётган қўли калта бошқа бир солдат пайтавасини ўраб туриб, капитанга осойишталик билан:

— Бу керосин, жаноблари, бизларнинг посёлкамизда керосин жуда ҳам қиммат-да... — деди.

— Нима бўпти?

Солдат ҳеч нарса демади. Лекин унинг кўзлари: «Керосин қиммат, лекин солдатнинг жони жуда ҳам арзон. Нега бундай, полковник жаноблари? Ана шу нархни сиз белгилайсиз-ку!» деяётгандек эди.

— Ухламанглар, аблаҳлар, ухламанг! Уйқусизликдан, солдат, кўзларинг қизариб, юзларинг сўлиб кетибди, лекин сен ухлай кўрма. Тетик бўл! Хужум қилиш-япти. Эшитяпсанми, партизанлар хужум қиляптилар!

— Уртоқлар, олға!

Кимнинг овози бу? Наҳотки Вершининики бўлса? Балки Пеклевановнинг овозидир? Номаълум. Ишқилиб, партизанларники — бу маълум!

Пулемётларнинг товушини босиб, вагонга кучли ҳайқириқ эшитилди:

— Х-ў-ў-в-в!..

Нозик:

— Вой!.. Вой!—деган чинқириқлар ҳам қулоққа чалинаверди.

Юзлари сўлғин солдат:

— Ўрмонда уларнинг хотинлари йиғлашяпти!.. Биз учун эмас, эрлари учун йиғлашяпти!— деди.

Ва курсига ўтирди.

Ўқ унинг қулоғига тегди, бошининг нариги томонидан муштча яра очиб қўйди.

— Қоронғиликда нимани кўрибди бу?— деди Незеласов.— Гулхан ёқишган. Бу ёқ қоронғи бўлса керак. Тутун! Улар бизга тутун чиқаришяпти, сезяпсизларми?

Қоронғиликда гулханлар. Улар орқасида аёллар фарёди. Балки вулқон тепалари — ёнар тоғлар ўкиришаётгандир?

«Бекор гап!.. Вулқон тепалари ёняпти!..»

«Йўқ, бу ҳам бекор гап. Партизанларнинг гулханлари ёниб турибди».

Пулемётчи биқинини куйдириб олиб, болаларга ўхшаб йиғлади.

Полга ўхшаш серсоқол кекса бир кўнгилли нагандан ўқ узиб уни ўлдирди.

Капитан бақирмоқчи бўлганди, лекин негадир жим қолди, қоғоздек қақраган қовоқларини ишқаб қўйди холос. Ҳа, капитаннинг шаҳарда қаллиғи бор, у энди...

Кечаси ҳам тугай деб қолди. Тезда қуёш ҳам чиқади. Қаллиғи китоб ўқиб ўтиргандир. Балки китобга бош

қўйиб ухлаб қолгандир. Аёлларнинг кўзлари уйқуда нам бўлади...

Сочи оқиш солдат пулемёт олдида ухлаб қолибди, бошқаси мудраб-мудраб отиб турибди. Балки у эмас, қўшнисининг пулемёти отаётгандир. Ёки қўшнисининг пулемёти тинчиб қолган, қўшниси:

— Уни!.. Уни!..— деб бақираётгандир.

«Бу кеча қайси китобни ўқиётганикин?»

Бўғзидан то иягигача, худди терисини мих билан тирнагандек, оғриқ сездди. Шунда Незеласов ўз юзи олдида қир тирноқлари ўсиб кетган озгин қўлларни кўрди. Обабми?

Кейин буни ҳам унутди. Бу кеча кўп нарсалар унутилди... Ниманидир унутиш ҳам керак, оғирлик қилади... оғир...

Яна бирдан сукунат...

Вагон остоналаридан нарида, буталар орасида сукунат.

Ухлаш керак. Тонг отганга ўхшайди, балки кеч киргандир. Ҳамма кунларни эсламаслик керак...

Тепаликларда милтиқ отишяпти. Кўтармада қонга ботган мужиклар осойишта ётишибди. Уларга ётавериниш, албатта, ноқулай.

Бу ерда кўз олди қоронғи. Капитан ҳеч нарсани кўрмасди.

— Ҳеч қачон!

— Нима, полковник жаноблари?

— Мен, Обаб, ҳеч қачон деяпман. Бизларни чивилларга ўхшатиб тутун билан ҳайдашмоқчимизми? Ҳа-ҳа!

Незеласов телефон трубкасини қўлига олди:

— Алло! Замбаракларни отишга ҳозирланг! Биринчи, иккинчи, учинчи замбаракларни сочма ўқ билан ўқлаб, кўтармага тўғриланг! Ўқ узинг! Отинг, жин урсин!


Замбараклардан ўқ отилмади.

Обаб Незеласовдан трубкани тортиб олди.

— Башараларига сочма ўқ ёғдиринг, отинг, деяпман!

— Ҳа-ҳа! Ухлаб ётишибди. Бу артиллериячилар Россиядан кўра уйқуни яхши кўрадиганга ўхшайди. Баттар бўлишсин! Сиз ухлаб Россияни бой бердингиз,





мен уни америкаликларга, японларга бераман, қим-
матроқ тўлайдиганларга! Обаб, ўчиринг чироқни.

— Полковник жаноблари...— паришон ҳолда пи-
чирлади Обаб.

— Менинг кўзимга қаранг-чи, Обаб! Мен, албатта,
ақлдан озиб қолдим. Ҳа-ҳа!.. Шинель қани!

Обаб унга шинелни тутқизди. Незеласов карабинини
қўлига олиб, чўнтаklarини ўқ билан тўлатди, қўлтиқ-
ларига ҳам ўқ солди.

— Эшикни секингина қия очинг, мен ёнбошим би-
лан сирсам бўпти. Яхши қолинг, Обаб. Мен икки соат-
дан кейин, ё бир соатлардан кейин келаман, снарядлар-
ни олиб келаётган составнинг машинистини олиб кела-
ман.

— Вой, тавба-ей! Нега менинг эсимга келмабди бу!
Обаб чироқни ўчирди. Эшикни қия очди.

Незеласов тирқишга бошини, елкасини тикди. Пи-
чирлаб:

— Яна салгина очинг,— деди.

Қоронгиликдан ўқ овози келди. Незеласов гўлди-
раб:

— Қойил, қойил...— дея туриб йиқилди.

Обаб ўзини орқага, эшикнинг қарши томонидаги
деворга суяди. Эшикни ёпишга мадори йўқ эди.

Эшик борган сари кенгроқ очилаверди, худди ўзи-
дан ўзи очилаётгандек.

— Тамом,— гўлдиради Обаб.— Орден ҳам, ер ҳам,
шон-шухрат ҳам насиб қилмаган экан!

— Кўришадиган кун ҳам бор экан-да, а, Обаб Иван
Аристархович, жазоловчи? Мужиклар олдига чиқ:
улар сен билан гаплашмоқчи, кутиб туришибди!

— Чиқ!

«Вершининми? Ҳа, ўша!»

— Наганни тушир! Отиш сенинг галинг эмас, Иван
Аристархович, эшитяпсанми?

Бирдан беҳузур бўлди. Қорнигина эмас, оёқ, қўл,
елкалари ҳам бўшашди, капитан оёғи остида пичанни
сезди, тиззалари букилиб кетди.

Капитаннинг олдида кўйлак кийган серсоқол биров
гавдаланди, штикда погон ва бир парча гўшт...

Унинг, капитан Незеласовнинг гўшти...

«Чўчқа гўштидан котлет... «Олимпия» ресторани... Мексикалик негр руминларга дирижёрлик қиларди... Тортерақ... Куз...

Сен туфайли, Россия... олам... барча славянлар... осойишталик, тинчлик учун. Бутун ер юзида тинчлик учун...»

— Уравер, савалайвер, емиравер...

Уришар, савалашар, емиришарди...

Кўтармада бронепоезд йўқ. Демак, тун. Қўли остида бировнинг тер босган сочини сизди. Мовут парчадек йиртилган қулоқ: ҳа, худди мих тегиб йиртилиб кетгандек...

Қўлда — бута. Бутани бамайлихотир синдириш, ҳатто оғизга ҳам солиш мумкин. Қулоқ эмас-да.

Карабинни елкаси оша ташлаганди. Демак, кетибди-да?

Незеласов қувонди. Френчининг устидан боғланган патронли камар қаердан пайдо бўлганини хотирлай олмади.

Қутулганига ишончи комил эди. «Тирикман! Тирик! Етаман. Эришаман». Кулди. «Қаёққа энди — барибир менга!»

Бутадан иссиқ қон ҳиди анқиди. Тепалардан аччиқ шабада эсди, узун ва ҳўл шохлар орасидан эсди. Қонга бўялганми?.. Кимнинг қони? Уникимасми? Йўқ, Обабекидир!

Обаб кучугини қўлтиқлаб ўрмалади. Унинг галифеси араванинг гилдирагига ўхшарди. Нима, у ҳам тирикми?!

Оқин сочли солдат қадини ростлаб, секингина:

— Фармойиш берасизми, бронепоезд юрсинми, полковник жаноблари? — деди.

— Қоч, даф бўл!

Жигар ранг пальто кийган аёл унинг қулоғига шивирлади:

— Келишяпти! Келишяпти!..

Келишаётганини капитан Незеласовнинг ўзи ҳам биларди. Хужум! У қулай позицияни эгаллаши керак. У тепаликка ўрмалади. Карабинини кўтарди. Отди. Яъни, рости, отмоқчи бўлди...

Бир қўли йўқ экан. Тиззасига қўйиб отса ҳам бўлади. Лекин тиззада нишонга олиб бўлмайди... «Нега по-

ездда отмадим, бу ерда эса бирдан эсимга тушиб қолди, а?»

Бу ерда бир ўзи, улар эса эмаклаб келишяпти... Улар озмунча эмас, серсоқол аблаҳлар! Уқим тегмайди-да, текканида, отолганимда...

Капитан Незеласов ўқ тугагунча отди. Яъни, рости, отмоқчи бўлди, лекин қўли карабинни кўтара олмасди.

Карабинни ташлади. Тепадан бутага ўрмалади, юзини ўтга қўйиб, ўлиб қолди.

Унинг ҳужуми тугаган эди.

тўққизинчи боб

қадимий қалъада ва унинг яқинида

— Нега индамайсан, азизим? Нега?— деб сўради фон Кюн мулойимлик билан, лекин инструкцияга мувофиқ баланд овозда, қатъий қилиб.

Котиб билан турма врач и узун камеранинг эшигидан сал нарироқда туришарди. Фон Кюн бир хўрсиниб олиб, уларга қаради. Улар жим туришарди. Нега кўз олайтиришади улар? Ё у етарли даражада қаттиқлик қилмаяптими? Фон Кюн қўлларини чўнтақларига тикиб камерада у ёқдан-бу ёққа юрди.

Камера деразасидан денгизнинг бир чети кўриниб турибди. Иссиқ кунлар ўтиб кетди деб ўйлашганди, мана, кун бўйи шунақа иссиқ бўлдики, туман ҳам, совуқ шамол ҳам, ёмғир ҳам бўлмагандай. Лекин кечқурунга бориб қирғоқ, тош йўл, уйлар бирдан шундай совиб қолдики, иссиқ бўлгани унутилди. Тиниқ сувда бўш консерва банкалари куздагидек равшан кўриниб турарди. Нефтнинг юпқа пардасида қармоқлар ҳам тиниқ кўриниб турибди, лекин балиқчилар кўринмасди. Одамлар кўринмайди бу ерда, шунинг учун ҳам турмада!

— Нега гапирмайсан-а? Барибир билиб турибмизку, сен Верпининнинг хотинисан?

Кошки билган бўлишсайди! Билишмайди. Қўмон-

қонлик комендант Катинга унча ишонқирамай, тергов қилиш учун фон Кюн олдига юборишган, қўмондонлигининг фикрича, у, фон Кюн тоза виждони, фисқ-фасодларга тоқати йўқлиги билан фарқ қилади. Эҳтимол, лекин афсуски, фон Кюн эски чит кўйлак кийган, елкасига кул ранг жун рўмол ташлаган бу деҳқон аёлнинг ҳозир машҳур бўлган Вершининнинг хотини эканлигига ишонгиси келмасди. У хотинини нега шаҳарга юборади? Хатарли-ку. Жуда ҳам хатарли. Унинг номи ҳамманинг тилида, илгарилари унинг тўғрисида хаёлига ҳам келтирмаган кишилар хотинига эътибор билан қарашлари мумкин-ку.

Ароқхўрликдан серзарда, шишган, овози бўғиқ бўлиб қолган турма врач секингина фон Кюнни туртиб, эшикка имо қилди.

Эшикка чиқишгач, врач унга:

— Келинг, бўлар. Эси оққани кўпга бормас, деб ўйлайман. Уни чўчитмайлик, Михаил Михалич,— деди.

Улар даҳлиздан ўтишди. Ажримхона деб аталадиган баланд ва ёруғ хонада уларни комендант Катин кутиб турарди. У фон Кюннинг хафа ва зиқна юзига нигоҳ ташлаб, лабларини тишлаб, деди:

— Бу деҳқон аёл Вершининнинг хотини деган маълумот аниқланмаганга ўхшайди, Михал Михалич. Бу фикр кимдан чиқдидейкин?

Фон Кюн қуруққина қилиб жавоб қайтарди:

— Қўмондонлик агентлардан маълумот олган.

— Маълумот маълумот-да! Карантаев жаноблари ўзини осиб қўйганини сизга маълум қилишдими?

— Қанақа Карантаев жаноблари?

— Ўша-да. Ҳукуматимизнинг молия министри. Мен унинг квартирасига бордим. Пешанаси совиб қолган, устига кимхобга ўхшаш чойшаб ёпиб қўйишибди. Ҳа-а. Расмий ахборотда ўзини ўзи ўлдиргани тўғрисида айтишмайди, албатта. Квартирасида ладан ҳиди анқияпти, дьячок жаноза ўқияпти, ибодатхонада ҳофизлар репетиция қилишяпти, қўнғироқ чаладиганлар ҳам тайёргарлигини кўряпти.

— Мени ҳайратга солиб қўйдингиз, полковник.

— Узим ҳам ҳайратдаман.

— Агентларнинг маълумотлари, афсуски, ҳамма вақт ҳам жуда хилма-хил бўлади. Ҳа, айтгандек, агент-

ларингизга айтинг, Америка ва Япония кемалари шаҳарга яқинлашяпти, полковник Незеласовнинг бронепоезди ҳам... Шу хабарларни тарқатишсин.

Бир зум жим қолиб, хомуш қўшиб қўйди:

— Қизимнинг ҳарорати қирқ даража. Ёмон, ёмон...

Комендант фон Кюн билан хайрлашиб, яна лабларини тишлади, оғир хўрсиниб, истар-истамас уйига қараб кетди. Меҳмонхонада уни Варя кутиб турарди. У Веранинг аҳволи тузукка ўхшайди, ҳарорати пасайди, енгил нафас оляпти, терламаяпти, деди.

— Хатар бошландими?

— Хатарга ҳали узоқ, Варенька, анча бор.

— Сиз, полковник, Незеласовнинг Вершинин тўғрисидаги телеграммасини ўқидингизми?

— Ҳарбий ишларга аралашин нима ҳожат сизга, Варя?

— Биз қўмондонликка қўлимиздан келганча ёрдам кўрсатишимиз керак. Ҳатто миш-мишлар тарқатиш билан ҳам.

— Мен миш-мишлар тарқатадиган киши эмас, ҳокимият вакилиман...

— Қанақа ҳокимиятнинг? — совуққина қилиб сўради Варя. — Қоғоздаги ҳокимиятнингми, ёки ҳукмронлик қилаётган ҳокимиятнингми? Ҳокимият — қўлида етарли снаряди борники. Полковник Незеласовда снаряд кўп. Тушундингизми?

— Тушунмадим.

— Ҳокимият чинакам рус кишисининг қўлида бўлиши керак. Тушунарлими?

— Йўқ!

Комендант Катинга ҳамма нарса тушунарли, тўнтаришу фитналар унинг жуда ҳам жонига теккан. Нима бўларкин, э худо? Тил бириктиришлар у ёқда турсин, терламанинг тилини тополмай турибди... Худо-ей, қанақа бемаъни сўз ўйини бу ўзи!

Комендант сакраб ўрнидан турди, деразани очиб, бошини чиқарди. Чуқур нафас олиб у яна туман билан қопланган қалъа деворига хира назар ташлади.

Варя қўлига эринибгина китобни олиб, диванга бориб ўтирди. Қоғознинг шитирлаган товушини эши-

тиб, полковник орқасига ўғирилди. Варя унга осойишталик билан:

— Шаҳарнинг энг яхши, виждонли врачлари — Сотин. Анави хотиннинг соғлиғини фақат ўшагина аниқлаб бера олади, — деди.

— Қайси хотиннинг?

— Вершинининг хотини дейишяпти-ку. Сотин сизга ёрдам беради.

— Керакмас! Верочканинг ҳарорати қирқ. У менинг қизимни даволаяпти. Вақти йўқ! Умуман, Незеласовингиз — қуруқ!

Варя дивандан турди ва баттарроқ совуққонлик билан деди:

— Менинг йигитим, полковник, қуруқ бўлса, сиз — манфаатпараст ўликсиз. Незеласов отиб ташлайди сизни. Шунинг эсингизда тутинг.

— Сиз манфаатпарастсиз! Ҳа-а!

Худойим, ҳамма ёқ бемаънилик, ҳамма нарса жонга тегди! Катин Варянинг орқасидан югурди.

Тош йўлдан коляска ғилдирагининг тарақлагани эшитилди: шаҳарга кетаётган штабс-капитан Петров Варяни коляскага ўтқазиб олган эди. Ибодатхонанинг қўнғироғи чалинди. Ўзини осган министрни наҳотки дарров дафн этишаётган бўлса? Ҳали эрта-ю.

Врач Сотин бошини ҳам қилиб, худди нафас ҳам олмаётгандек, секин борар, қўнғироқ товушига қулоқ соларди.

— Беморимиз қалай, полковник?

— Ёмон.

Бирдан шу топда ҳеч кутилмаганда полковник деди:

— Меникига киришингиздан олдин у ерга бориб, қамоқдаги бир аёлни кўришингизни илтимос қилардим.

У турма томонга имо қилди.

— Турманинг ўз врачлари бор, полковник.

— Касал экан. Бундан ташқари, бу чигал ишни сиздан бошқа киши ҳал қилолмаса ҳам керак. Японияга командировка қилинган катта бир генералнинг хотини йўқолган. Уни партизанлар ўғирлашган, деб тахмин қилишяпти, хотин жинни бўлиб қолибди. Бу хотин ўшадир деб ўйлайман...

Сотин бошини батарроқ ҳам қилди.

— Кечирасиз, полковник. Шаҳримиз кичик, уруш вақти, менга ўхшаш обивателларга ҳамма нарса маълум.

— Жуда соз. Гапириб ўтирмасам ҳам бўларкан-да?

— Ҳа, гапириб ўтирмасангиз ҳам бўлади.

Сотин бошини кўтарди:

— Лекин менинг сизга айтадиган гапларим бор. Молини сотиш учун келган бир деҳқон аёлга сен Вершинининг хотини, дейишингиз, уни ақлдан оздириш учун кифоя. Бу бераҳмликнинг моҳиятига тушунинг! Бунинг устига, сиз тағин мен бориб унинг генералнинг хотинлигини «билишимни» истаяцсиз...

— Сиз менинг қизимни даволаб, ҳурматимни суистеъмол қиляпсиз.

— Қизингизни даволайман, лекин турмага бормайман!

— Қамаб қўяман сизни.

— Шаҳарда терлама тарқаган, врачларни қамоққа олишга ҳаққингиз йўқ!

— Қизингиз қаерда?

— Қизим шаҳардан ташқарида, танишларимизникида.

— Танишингизнинг фамилияси нима? Хўш-ш! Нега тилингизни тишлаб қолдингиз? Пеклеванов эмасми?

Сотин Верани кўриб, қизнинг аҳволи ростдан ҳам яхшилигини, у терлама эмаслигини, фақат безгак эканини айтгач, полковник Катин хўрсиниб:

— Жуда ҳам бемаънилик, доктор, лекин мен сизни қамоққа олишга мажбурман. Агар штаб қўмондонлиги сизни қамоққа олганида аҳволингиз оғирроқ бўларди: мен, ҳар ҳолда, сизни отиб ташламайман,— деди.

— Мақтанаверманг,— деди Сотин, лабларини буриб, киноя билан,— қамоққа олиш ҳақидаги буйруққа имзо қўйиб, адъютантингизни чақиринг.

— Бушман!

— Лаббай?

Сотин эшикдан чиқишидан олдин Катиннинг совуқ, хотиржам кўзларига қараб деди:

— Сиз мени қамоққа олганингиздан кейин, пол-

ковник, атайин ёлгон гапирганимни тан ола қолай: қизингиз безгак эмас, бориб турган терлама. Мана энди мени отсангиз керак.

— Аблаҳ!

— Кимнинг аблаҳлиги кейинроқ маълум бўлади.

Комендант ёлғиз қолиб, қизининг қизариб турган кўзларига қараб ичида деди: «Ростдан ҳам, ким аблаҳ ўзи?»

Пеклеванов полизни кесиб ўта туриб, кўзлари билан олисдаги депони изларкан, Знобовга деди:

— Икки томонлама — яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам олиб борадиган айёрликни қаранг! Незеласов Вершинин тўғрисида миш-миш тарқатибди, у Пеклевановни тутиб беришга ваъда қилган эмиш. Оқларнинг штаби энди хотиржам: Пеклеванов қўлимизда, деб ўйлашади. Жуда соз! Нега жуда соз, дейсизми? Темир йўл депоси билан қалъа ўртасида темир йўл бор. Оқлар Вершининнинг бронепоездда келишини билганларида, бу йўлни бузиб ташлардилар. Энди Вершинин Незеласовнинг дўсти, оқлар уларнинг иккаласини ҳам кутишади, темир йўлни бузишмайди. Шундай қилиб, бронепоездимиз қалъага бемалол кириб боради. Папиросдан яна битта беринг.

Худди шу топда Пеклевановнинг хотини Маша эшик олдида туриб, кунчиқар томонга, қоронғиликка нигоҳ ташларкан: «Полиздан омон-эсон ўтиб олганмикин, ё...» деб ўйларди. Денгиз катерининг товуши келиб турган гиштин дарвоза аркини туман босган. Катер роса соат олтида кетади. «Сен, Маша, тушундингми? Тушундингми, партиянинг фармойишига кўра, большевик керак бўлган пайтда ҳатто жонидан ҳам кечиши, ўз жонини ҳам қурбон қилиши керак. Сен эса калитни қўлингга олиб: «Чиққани қўймайман!» дейсан. Сен большевикнинг хотинисан, тушунишинг керак...— «Ҳа, тушундим! Калитни ола қол».— «Нима гап? Фу, жин урсин! Мен яхшиси деразадан чиқа қолай. Сен уни тутиб тур». Кимни? Саватида гул билан келаяётган анави японни. Эрталаб соат олтида-я, гул билан эшикка?!

— Нима керак?

— Ҳеччи,— деб жавоб қайтарди япон.

У гулни ерга қўйиб, ҳовлиқиб хонага кирди.— У ҳамма ёқни қараб, полиздан югура кетди.

— Ҳе, саватингиз қолди!

Маша қўлига револьвер олиб, японнинг орқасидан эргашди. «Фақат шовқинсиз, секинлик билан...»

— Яшин ургурлар! Ярадор бўлишларига қарамай, паровозни ҳайдаб кетишяпти-я.

— Мен ярадор эмасман-ку, бобо,— деди Миша-студент.

— Мен анави ҳақда гапиряпман,— деб Васька Окорокни кўрсатди чол.— Судралиб келди, худди ҳаммасини тушунадигандек, фармойиш беряпти.

Шурка тушунади, мен эрмак қиляпман.

Машинист ёрдамчиси Шурка яраланган, яраси боғланган ҳолда Незеласовнинг купесидан келтирилган креслода ўтириб, Миша-студентга ўргатиб турарди. Паровоз гудок берди.

Телефон жириглади. Васька Окорок трубкани олди, қулоқ солиб жавоб қилди:

— Тезроқ мумкинмас, Никита Егорич.— Трубкани қўймай туриб, Миша-студентдан сўради:— Ё, Миша, мумкинми, биласанми?

— Мен техника бўйича ўқиганман-ку. Мумкиндир.

— Мумкинакан!

Осилиб, туртиб чиққан қоялар остида бронепоезд тезлигини борган сари ошириб, елдек югурарди.

Васька Окорок тулки юзли чолдан олдинга ўтиб олиб, яқиндагина капитанми, полковникми, ишқилиб, барибир энди, Незеласов талтайиб ўтирган купега сакраб кирди.

— Югуртиряпмиз, Никита Егорич! Соатига юз чақиримдан.

— Худога шукур.

— Худодан жудаям хурсанд эмассан шекилли.

— Биласанми, унча ишонмайман. У марҳаматлику, кечирар!

Марҳаматли, лекин жуда ҳам эмас. Бир зумгина ёлғиз қолганида хотини эсига тушди, унинг тухумдек силлиқ юзлари, оппоқ бўйни, узун киприклари ва чи-

ройли кўзи, жаннатда ҳам топилмайдиган зулук қош-лари кўз олдига келди. Ишқилиб, Пеклевановни топган бўлсайди, ҳеч бўлмаса икки кунга қўзғолонни кечиктириб туриш кераклигини айтган бўлсайди. Вақтида етиб боролмасачи?

— Никита Егорич! Мужиклар айтди, анави прапорнинг запас иштонлари боракан, шу ерда.

— Бўлса бордир! Иштон дегани граната эмас, порталамайди.

— Мен кийиб кўрсам бўларди. Бўйим унинг бўйи билан тенг.

Купенинг эшиги олдида ҳалиги тулки юзли чол Обабнинг кенг галифесини кийиб кўриб, болаларникидек шўх овозда қичқирди:

— Ярамас-эй!.. Юбкага ўхшайди-я, болдир очиқ қолди-ку, бодирингдек!..

Столча устида кул. Деразадан тутун кирди.

Деразалар ланг очиқ. Эшиклар ланг очиқ. Сандиқлар ланг очиқ.

Хитой худоси полда ётибди, жилмайиб. Маскарабоздек куляпти.

Кўтарма нарисиди бошқа худо эса гилдиракларини янгротиб, тепаликлардан бурилиб, сарғайиб ўрмаларди...

Етилган пичанлар қорайиб кўринмоқда!

Одамларнинг қарашида мамнуният, хурсандчилик.

— Ҳе-ҳе-е!..

Тамом энди!

— Маз-за-а!..

Мужиклар паровозга ҳам чиқиб олишган, ёпишиб ҳам келишяпти.

Қизил кўйдакли бир мужик мушт ўқталди:

— Ҳали кўрсатиб қўямиз сенга!

— Кимга? Нимани?

Номаълум!

Ҳар вақт дўқ қилиш керак! Керак!

Кўйлак қизил, кул ранг шинелларнинг кўкрагидаги бантлар қизил.

Бант!

Ҳе-е-е!

— А-а-а!..

Бант.

14 — 69 бронепоезд қизил байроқ остида. Банг!..

Гилдирак ҳозир шу ерда бўлса, бир минутдан кейин икки чақирим нарида бўлади. Рельсларни ҳам ваҳм босган, гувилламаяпти, қўрққан!..

Аҳа!..

Тир-р-р... Тратата...

— Ҳайдаётганини қаранг!

— Тўхта, паровознинг тутуними тирқишдан кираётган?

— Оқлар тутун билан бўғади, ўртоқлар, уринг уларни!

— Ётар бақирганинг, тентак, туннелга келдик.

— Оҳо!

— Туннелни бир томоша қилсак бўларди-да...

— Кечаси-я?..

— Ҳа-я, кечаси бўлиб қолди-я!

— Тонг ёришяпти-ку.

— Ўртоқлар, орқамизда снаряд ортилган составлар ҳам келяпти, Пеклевановнинг фармойишига биноан. Жойида! Бу воқеа шарафига бир ичиш керак эди-да.

— Мужиклар, унга бир пақир сув беринглар, тўйиб ичсин!

— Қанақасидан, биродар, булоқникиданми, кўлникиданми, жаноб?

— Ҳа-ҳа!

Туннелдан бронепоезд ортидан снаряд ортилган составлар ҳам чиқди. Вагонларнинг томларида, пулемётларнинг олдиларида афт-башараларини қурум босган партизанлар. Улар бир-бирига қараб кулишяпти...

— Қоринларини ёрамиз иблисларнинг!

— Никита Егоричнинг таъби хира дейишяпти.

— Ростми? Хотинини соғингандир?

— Нима? Энди унга хотин кўп топилади... Тумшуққа уришга нима ҳаддинг бор?

— Гапиришдан олдин у ёқ-бу ёғини ўйла-да. Юм оғзингни, бўлмаса, яна ейсан!.. Мен ҳеч кимдан қўрқмайман, ҳақиқат тарафдориман, мендан худо ҳам қўл силтаган.

— О-о!..

— Ярамаслар!

— О-о!..

Колчакнинг литография усули билан босилган портрети полда. Буйруқлар, газеталар полда...

Одамлар полга парво қилмайди, юришади — сешишмайди...

— А-а-а!

14—69 қизил байроқ остида...

— Аҳа!

Улкан, басавлат поезд қизил материалнинг бир парчасидек шамолни кесиб сузмоқда. Қон рангли, жонли, о-о-о! — деб бақиряпти.

— Америкада иш ташлаш кундан-кунга авж олаётганмиш!

— Биламан... Бир америкалик буржуйга ўзим ташвиқот қилганман!..

— Ўргатиб қўйгандик!..

— Англияда, ўртоқлар!

Қўзғал, лаънат-ла тамғаланган...

— О-о-о-о!

Бронепоезд туннелдан чиқиб, денгиз ёқалаб югура бошлади.

Эҳ, аравам, аравам...

Купеда Вершинин, Васька ва яна бир неча партизан «бурун чўзиш»га қарта ўйнашяпти. Васька ютди.

— Қани, Никита Егорич, бурнингни тут-чи.

— Жудаям қўрқитди-ку бу! — истар-истамас кулди Вершинин.

Бронепоезд ҳуштак чалиб тўхтади.

Қўшиқ узилди.

— Нима гап? Ким? — сўради Вершинин.

Миша югуриб кирди:

— Чопар, Никита Егорич, Пеклевановдан. Ҳамма ёқда қўзғолонмиш...

Вершинин кўзларини юмди.

— Кечикибмизми?

— Ревком, ўртоқлар, кўзда тутгандики...

— Биламиз!..

— Бақириб куйлагим келяпти!..

Булбул, булбул, қушгинам,

Канарейкам!..

— Тўшакда—Вершинин; бир текисда чуқур нафас оляпти, ичи ёнаётгани сезилиб турибди — нафасидан купенинг ҳавоси оғирлашгандек, ҳолбуки эшик ланг очик. Мужиклар ерининг оғир нафаси.

— Миша! Студент! Шурка! Сиз — ким? Снаряд ортилган составларнинг машинисти? Қулоқ солинг. Ё беш соатдан кейин ҳаммамиз ҳам бўламиз, ё ҳаммамиз ҳам ўламиз! Наҳотки кўрсатолмасак? Паровозлар бурда-бурда бўлиб етса ҳам майли, фақат тезроқ олиб борсин. Йўлдан кўмир, ўтин ол, уйларни бузиб бўлса ҳам ёғочини ол. Фақат шаҳарга тезроқ бориш керак! Мамлакатни сақлаб қолишимиз керак, тушуняпсанми?

— Тушунамиз, Никита Егорич.

— Тезроқ!

— Ҳамма составлар ҳам тез бориши керак.

— Ҳа-ҳа!

— Шаҳарга бориб, қалъада куламиз.

Эҳ, аравам, аравам...

Тамакиси чекилиб,

Қочиб кетган ҳокими...

Эшикдан нарида кимдир мастликда йиғлади:

— Хитойни... аблаҳлар, Син Бин-уни ўлдиришди...
Уша хитой учун бештасининг қорнини ёрмасам... Аблаҳлар...

— Ярамаслар... Итлар...

— Мен уларни... хитой учун...

Вершинин қаради: тулки юзли чол ув тортиб йиғлапти. Ҳеч қачон у Син Бин-уни яхши кўрмаган, ҳозир эса унга муҳаббати уйғонибди. Ҳа, бу тунда кўп туйғулар уйғониши мумкин эди. Ерга қадалган киприклар остида айёрона, илиқ нигоҳ!

— О-о-й! Вой!

— Сенька, Стёпка!.. Кикимора-а!...

— Айт эртагингни!

Одамлар қуюқ бўкиришарди — улар пўлат кийимда, шўнга қувончлари ичларига сиғмаяпти шекилли, улкан паровоз титраб, силкиниб, олеа учиб боряпти, қоронғилик қаърида, зулматни кесиб овоз янграйди:

— Ҳув-в-в! Ув-в!..

14—69 бронепоезд!

— Йўлда, шаҳарда, бутун Россияда ҳамма билади...
Бойқолда, Обда ҳам ҳамма билади — бронепоезд ўзимизники.

— Аҳа!..

Пулемёт ленталари полда. Патронлар дондек сочилиб ётипти, пулемётларда партизанларнинг иштонлари қуриятпти. Пулемётларнинг нилида қон қотиб қолган, қизил шойи билан боғлангандек.

— Туркистонда Эрон шоҳи саёҳат қилиб юрган экан, инглиз қироличаси унга дуч келиб қолибди...

— Қанжиг-эй!

— Халақит бермасанг-чи.

Ҳамма жон қулоғи билан тинглаяпти. Ўзлари афсона яратишяпти-ю, буларга тагин афсона керак!

Станция. Перрон бўйлаб бронепоезддан совуқ шамол эсяпти. Ой тўлишмаган, бунинг устига, булут қоплаган, ой нурлари булутдан ўтолмаяпти, станция қоронғи, хафагазак. Синган ромларда пашшалар вижиллар, бўм-бўш буфет совуқ, станция олдидаги майдонда гулханлар ёқилган. Гулханлардан нарироқда кўчада ғалати палаткалар. Э, японлар-ку!

— Музокара олиб бормоқчи, Никита Егорич.

— Кирит уни бу ёққа.

Япон офицери қоронғилик қаъридан чиқиб, бир текисда бегона юриш билан бронепоездга яқинлашди. Қоронғилик яшириб турган аллақандай бир ёт куч сезилгандек бўлди ҳам хурсандчилик, совуқлик, ваҳима аралашди.

Вершинин унга пешвоз чиқди.

Офицер унга тез, эпчиллик билан қўл узатди ва талаффузни бузиб:

— Биз — бетаяп!.. — деди.

Кейин эса овозини баландлатиб, японча фармойиш бераётгандек бидирлади. Унинг овозида нафрат, менсимаслик сезилиб турарди, аллақандай зеркиш аломатлари ҳам бор эди.

Вершинин унга:

— Бетарафликларингиз — майли, фақат, кўпчиликмисизлар?.. — деди.

— Йигийма минг... — деди япон.

— Биз эса миллионлармиз, аблаҳ! — деди унга Васька Окорок, негадир ўз ярасига ишора қилиб.

— Тўхтаб тур, Васька, шошилма,— деди унга Вершинин ва японга ўтирилди: — Биз сизларнинг йигирма минг кишингизга тегмаймиз, лекин ораларингизда ротмистр Рибоков бор, ўшани бизларга келтириб топширасизлар. Акс ҳолда бетарафлик йўқ. Хўш?

— Рибоков деган йўқ,— деб жавоб қилди япон.

— Хоҳишингиз. Йўқ бўлса, йўқ-да. Бетарафлик ҳам йўқ экан-да,

— Йўқ. Биз йигирма минг киши, ҳа!

Япон кескин бурилди-да, ҳарбийларча одим ташлаб, покерак ва ёт юриш билан жўнаб қолди.

Вершинин ҳам кескин бурилиб, Васьканинг гапини такрорлади:

— Биз эса миллионлармиз, аблаҳ.

Ва кафтига жаҳл билан туфлади:

— Тағин қўл ҳам силкитади, аблаҳ!

— Бир йўл бор: ҳаммасини осиш керак!

— Замбараклар билан қириб ташлаш керак!

Партизанларнинг овозлари баландлашди:

— Ҳужумга буйруқ бер, Никита Егорич!

— От!

— Танияпсизларми? — деди Вершинин бирдан таажжубдан ҳайрон қолиб, перроннинг нариги ёғига имо қиларкан.

— Рибоковми?

— Ротмистрни олиб келишяпти!

— Никита Егорич,— перроннинг охиридан эшитилди,— жазочини олиб боряпмиз!

— Бўпти, гаплашамиз. Э, тўхта!

Юзлари қизларникидек қизил бир офицерни келтиришди, у йиғлаб келди. Йиғиси ҳам қизларникига ўхшарди — ҳам кўз, ҳам лаблари билан йиғларди.

Ифлос бир бўш қопни қўлига ташлаб олган чўлоқ мужик офицернинг олдида борди-да, бўш қўли билан унинг қаншарига туширди:

— Увиллама!..

Шунда уни олиб келаётган соқчи алланимани эслагандек орқага тисарилди, худди ҳарбий таълим пайтидагидек қилиб, штикни офицернинг елка кураклари орасига санчди.

Станция.

Фонарлар сариқ, қиёфалар сариқ, ер қора.

Тун.

— Биз — бетаял.

— Ишондим. Яхшиси, энди ўз оролларингизга жўнаб қолинглар.

— Буйлуқ бо.

— Тўғри! Хайрлашамиз, биз шошиляпмиз.

— Хайр, қўмондон жаноблари, — деди япон офицери, қандайдир ғалати жилмайиб.

«Нега бунчалик? Наҳотки уларни шунчалик қўрқитиб қўйган бўлсак? Ўзимнинг ҳам ишонгим келмайди. Йўқ, у хастага ўхшайди», — ўйлади Вершинин, бронепоезддаги идорасига қайта туриб.

У семиз котибга:

— Ёз!.. — деди.

Котиб маст эди, тушунмади: ким ҳам тушунарди?

— Нимани?

Вершинин тик туриб, бир зум ўйлади. Нимадир қилиш, кимгадир нималар тўғрисидадир гапириш керак...

— Ёз-чи, — деди у астойдил.

Маст котиб ўзига ўхшаш йўғон ҳарфлар билан ёза бошлади.

— «Буйруқ. Қарорга мувофиқ...»

— Керакмас буйруқ! Ёз: «Сўз берганмиз — ўз мурдаларимиз устидан ўтиб бўлса ҳамки, шаҳарга етиб борамиз! Сен, Илья Герасимич, бўш келма!» Қалай?

— Тузук, — деди котиб ва кнопкаларнинг излари қолган, сафсар сиёҳ тўкилавериб олачипор бўлиб кетган ингичка столчага гўштдор бошини қўйиб уйқуга кетди.

Вершининнинг сўзлари шу тарзда ёзилмай қолди, шу ажойиб кунларда рўй берган кўпгина воқеалар ҳам ёзилмади.

Илгаригидек чол Филонов қўлида тугуни билан депо олдида хафа-қол юрган эди. Слесарь Лиханцев унинг олдини тўсиб чиқди:

— Филонов, депога боришинг керак. Фахрли иш!

— Кимга керак эканман? Қанақа фахрли иш? — ғамгин сўради Филонов. — Уғлимга овқат келтирдим, қўйишмаяпти. Мени комендантнинг олди у ёқда турсин, ҳатто қалъага ҳам киритишмади.

Лиханцев Филоновни тезда депо гудокхонаси олди-га олиб борди.

— Тушунарлими?

— Нима?

— Филонов! Сен оқ гвардиячилар ҳаммадан кўп ранжитган киши бўлганинг учун гудок беришни сенга топширишди. Қўзғолон!

Филонов бош чайқади:

— Гудок бермайман. Пеклевановнинг ўзи келса ҳам барибир, гудок бермайман.

— Жин-пин урдими!

— Жин-пин сизларни урган, мени эмас! Қалъада ўғлим ётипти. Қалъани олсанглар, интервентлар ўғлимни отиб ташлашади. Нима, ўғлимга раҳмларинг келмайдими?

— Ростдан ҳам, гудок бермасин у, ўғлини ўлдиришади!

Ишчилар оломони ҳам унга хайрихоҳ, ҳам тааж-жубда шовқинлашарди.

— Унга мумкин эмас!

— Гудок бер, Филонов! Эсингни йиғ!

— Гудок беравер, чол! Начора: уруш.

Филонов полда ётган оғир болгани қўлига олди, гудок ёнига бориб, уни орқаси билан тўсди ва болгани кўтариб, хириллади:

— Ўзим ҳам гудок бермайман, сизларни ҳам қўймайман!

Кекса темирйўлчи Васин револьверини қўлига олди:

— Биз сен билан, Филонов, йигирма йил бирга ишладик, бирор марта ҳам уришганимиз йўқ, сени гудок олдига олиб келишни биринчи бўлиб мен айтгандим, сен эса... Йўқ деясанми?

— Пеклевановнинг ўзи келса, унга ҳам йўқ дейман.

Ниҳоят, полизлар ва бўш ётган ерлар тугади! Шошиб темир йўлни кесиб ўтишди, қандайдир платформа тагидан ўтишди, газаб ва алам билан бир кампирнинг жасадига тикилишди: жасад из устида ётар, оппоқ сочлари ҳурпайиб кетган, узун гилам ёстиққа ёпишган эди.

«Ким бу? — деб ўйлади Пеклеванов хафа бўлиб. — Бу кампир нима гуноҳ қилган бўлиши мумкин? Кимнинг дайди ўқи уни ўлдирдйкин? Бу жиноятчиларнинг танобини тортадиган кунлар келармикин тезроқ? Менинггина ғазабим камлик қилади, бўғзимга тиқияпти... Ростдан ҳам, параллел марказ керак...» Унинг фикрлари, сезиб турганингиздек, паришон эди, суҳбатлашиб уларни тартибга солиш учун у Знобовга мурожаат қилди:

— Параллел марказ тўғрисида ҳеч гап йўқми?

— Илья Герасимич, мен тушунмаяпман.

— Параллел марказ тўғрисида гапиряпман... Семёнов.

Депо жуда яқин қолган эди.

— Мана, етиб ҳам келдик, — деди Знобов, — Худога шукур, омон-эсон етиб олдик.

Бурчакдан, ҳа, шундоққина бурчакдан ўқ овози жуда ҳам қаттиқ янгради.

Знобов чаққон ўгирилиб ўқ узди. Япон худди биров тепиб юборгандек қулади. Лекин у Знобовнинг ўқидан эмас, Машанинг ўқидан қулаган эди. Маша бурчакдан қўлида револьвер югуриб келди.

— Кечикдимми?

— Маша, нима қилиб юрибсан бу ерда? Нега келдинг?

— Яраландингми, Илья?

— Енгил яраландим шекилли, — деди гуноҳкорона жилмайиб Пеклеванов. — Мени суяб туринг, Семёнов. Мен тайёргарлик тўғрисида бемалол гапириб бера оламан... Илтимос, митингни тезроқ очинглар, менга биринчи сўз беринг... Умуман, depo қўзғолонни бошлаши керак...

— Гудок бермайман!

Депонинг эшигидан Пеклевановнинг ўлигини олиб киришди.

Филонов шошиб Пеклевановнинг юзига қаради. Қўлидан болғаси тушиб кетди. Филонов жасадни тимирскилаб қараб, бутун depoга бақирди:

— Ўлдиришибди! Пеклевановни ўлдиришибди!

Депо ва станция устида гудок товуши янгради.

Ишчилар ўқ отиб, гранаталар улоқтириб, темир йўл бўйлаб артиллерия складига йўл олдилар.

— Пеклевановни ўлдиришибди!

— Ўртоқлар, улар бизни қўрқитмоқчи бўлишган...

— Кутганлари бўлмади-да!..

— Юнкерлар!

— Қани?

— Жангга тайёрланинг, ўртоқлар!

Складларга бостириб киришди. Юнкерларни қувишди, улар қочганда ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашди:

— Тўхтанглар, нимадир кўнгилдагидек эмас!

— Нима, Знобов?

— Нега бунақа, улар қочаётганларида складларни нега портлатишмади?

— Қўрқиб кетишди!

— Юнкерлар-а?

— Мен ҳаммасини биламан, айтишим мумкин, ўртоқлар! — қичқирди Семёнов. — Складларда снаряд йўқ-да! Ростдан ҳам генерал Сахаров ҳаммасини олиб кетган экан.

— Оқ гвардия-эй!

— Бандитлар деганча бор.

— Знобов, Знобов, бу ёққа кел!

— Боряпман.

— Снаряд йўқ, Знобов!

— Биламан, Вершинин олиб келади.

— Вершининдан дарак йўқ-ку.

Шаҳар уларни хотиржам кутиб олди.

Разъездда қоровул қўрқув аралаш:

— Ҳеч қанақа қўзғолондан хабаримиз йўқ. Балки бордир, биз, темирйўлчиларга, барибир. Маошимиз кам, шунинг учун ҳам...— деди.

Қоровулнинг соқоли моғорлаб кетган гўннга ўхшаб, оқиш кўринар, товуқхона ҳиди анқиб турарди.

Вокзалда офицерлар погонларини юлиб олиб, ваҳима билан комендантхонага югуришарди. Перронда юк машиналаридан шоферлар хурсанд бақиршарди. Деподан ишчилар хафа келишяпти.

— Вершининми?

— Ұша.

Юраги шув өтиб кетди. У ишчининг ажин босган, қўти ўчган юзига қаради:

— Кимсан?

— Филонов. Пеклевановни ўлдиришди, Никита Егорич. Депода ётипти, ёнида хотини турибди... Сен депога борасанми, қалъага? Қалъада ўғлим қамоқда.

Вагонлардан пулемётларини, милтиқларини қўлтиқлаб партизанлар тушишарди. Уларнинг ҳаммаси деярли шапкасиз, кўзлари қисилган маст.

— Ҳеч гап йўқми?...

— Қўй пулемётни...

— Машина бер, деяпман!..

Юк машиналари келди. Комендантхонада ойналар синиб тушди, револьвернинг товуши қулоққа чалинди. Қўти учган аллақандай хонимлар биринчи класс буфетига йиртиқ қизил байроқни тикка қилиб қўйишди.

— Сен мени даҳшатли кутиб олдинг, Илья Герасимич! — деб пичирлади Вершинин, Пеклевановнинг жасадига яқинлаша туриб. — Биз сен учун кўп ерларни жанг қилиб олиб, кўзимиз тўрт бўлиб келгандик...

Қарабинлар билан қуролланган ишчилар отряди тезда етиб келди. Паст бўйли, ягриндор, кўзойнак таққан, сочлари узун бир киши паст, йўғон товуш билан:

— Ургоқ Вершинин, қалъага киришга буйруқ берасизми? — деб сўради.

— Қаердансиз?

— Ёғоч арралаш заводи, складлар, шунингдек, қўзғолон кўтарган қисм қўшилди. Менинг ўзим эса — параллел марказдан...

— Нима?

Ростдан ҳам ғалати сўз! Ҳатто Пеклевановнинг хотини, мусибат ичида қолган Маша ҳам бошини кўтариб, бўйи паст кишига ҳайрон бўлиб қаради. «Параллел марказ? Демак, ростдан ҳам у бор экан-да?» Бироқ қайғу бўрони уни яна қамраб олди, у параллел марказни унутди. Фақат Вершининга:

— Балки у қалъададир? — деди.

— Ким у?

Вершинин Машани тушунди. У Настасьюшка тўғри-сида гапирган эди. «Анави аравадамасмикин? Йўқ, ҳаммаси солдатлар...»

Ўлдирилганларнинг жасадларини аравада келтиришди.

Пушти ранг рўмолли бир кампир йиғлади. Қамоққа олинган попни олиб келишди. Поп кулгили бир гап айтди, соқчилар хахолаб кулиб юборишди.

Шпаллар уюми устига соқоли қирдириб олинган бир америкалик сакраб чиқиб, кодаки билан бир неча марта суратга олди.

— Бу фотограф қаердан келиб қолди?

— Америкалик. Улар ҳам японларга ўхшаб ҳозиргина бетарафлик эълон қилишди.

— Шундай бўлса, майли, олаверсин суратини.

— Қўзғолон, қўзғолон!

— Пеклеванов билан Вершинин!..

— Бемаъни гап, ухлагани халақит берманг: бутун тун бўйи америкаликлар билан мудофаа планини ишлаб чиқдик...

— Улар бетарафлик эълон қилди-ку!

— Сизни жин урибди, азизим.

Ҳа, генерал Спасскийнинг штабида ҳеч нарсани билишмасди.

Серсоч қизлар машинкаларни тиқиллатишарди.

Шимларининг ён ҳошияси сариқ офицерлар зинапоаяларда ва скрипкадек овоз чиқарадиган даҳлизда у ёқдан-бу ёққа югуришар эди. Эшик олдида қафасда канарейка сайрар, ёғоч диванда дневалчи ухлаб ётарди.

Бирдан бурчакдан юк машиналари чиқиб келди. Оломон машиналардан сакраб тушиб, дарвозага ёпирилди. Трамвайлар ғизиллади, автомобиллар гудок берди, партизанлар зинапоаялардан югуришиб юқорига чиқишди.

Полда яна қоғоз, бузилган машинкалар, балки ўлдирилган одамлар.

Зинапоядан қулоқлари қизариб кетган оқ сочли генерални олиб тушишди. Охирги зинада уни ўлдириб, дневалчи ухлаган диванга чўзилтириб қўйишди.

Зинапоядан қўли билан қорнини ушлаб бир партизан югуриб туша бошлади. Унинг қути ўчган эди, зинапоаянинг ярмисидан ҳам тушмай туриб, бирдан қаттиқ бақирди ва тўсатдан бужмайди.

Аёл чинқирди.

Қафасдаги қанарейка ҳамон чақ-чақлаб сайрарди.

Офицерлар тўдасини подвалга олиб тушишди. Уларнинг бирортаси ҳам зинапоя ёнида ётган генералнинг жасадига парво қилмади. Қамоққа олинган офицерлар турган подвалнинг эшиги олдида оёғига зангори обмотка ўраб, ботинка кийган солдат соқчилик қилди.

Унинг қўлида инглиз бомбаси, унга: «Бирор воқеа бўлса, бомбани подвалга улоқтир, ўзларидан кўрсин!» — деб буйруқ берилган эди.

Подвалнинг эшигида тўрт бурчакли дарча, пастроқда — қора сочли бесўнақай бош кўзга ташланади. Эшикнинг нарёғида худди ибодат қилишаётгандек бидрлашарди...

Солдат ҳайрон, у: «Бомбани улоқтирганимда эшик олдидан қочсаммикин, ё қочмасам ҳам бўлармикин?..» деб ўйларди.

Солдат бўш вақтларида шеърлар ёзар, лекин бўш вақти жуда ҳам камдан-кам бўларди, у урушдан ҳар бири ўн олти мисрадан бўлган ўнтача шеър билангина қайтди.

Қалъа деворидан полковник Катин дурбин орқали шаҳарга қаради. У дурбинини адъютант Бушманга бера туриб сўради:

— Оқ байроқ, шекилли? Таслим бўлишяптими, Бушман?

— Албатта, полковник жаноблари. Бизларда снаряд бўлмагандан кейин уларда бўлармиди. Бундан ташқари, Незеласов яқинлашиб келаётгандир, дейман.

Полковник дарғазаб бўлиб муштини муштира урди:

— Снаряд керак менга, снаряд! Мен уларга оқ байроқни кўрсатиб қўярдим!

Овозини пастлатиб деди:

— Қизимнинг ҳарорати борган сари кўтарилмоқда, нуқул кўтарилмоқда...

Бир зумлик жимлик. Адъютант сўради:

— Оқ байроқ хусусида қандай буйруқ берасиз?

Улар гаплашмай девордан тушишди.

— Қанақа буйруқ бўларди? Улар билан гаплашиб кўринг. Бушман. Тирик қолдиришни ваъда қилинг.

— Тирик қолдиришни дейсизми, полковник жаноблари?

— Худонинг ўзи ҳам ваъдасига ҳар вақт вафо қилавермайди, бизлар, гуноҳкор бандалармиз-ку.

Уликлар ётган майдон орқали темир йўл изи бўйлаб оқ байроқ кўтаришиб Васька Окорок билан матрос Семёнов қалъа томонга келишаётган эди.

Уларга полковник Катиннинг адъютантни Бушман ва уч матрос пешвоз чиқди.

— Партизанларданмисизлар?

— Худди шундай,— деб жавоб қилди кулиб Васька,— Вершининнинг терма отрядиданмиз...

— ...ва қўзғолон кўтарган ишчилар синфи номидан,— деди Семёнов, Бушманнинг кўзларига кулиб ва дадил боқиб.— Биз бу ишнинг уддасидан чиқамиз, жаноб офицер.

Комендантнинг уйи олдида офицерлар ва юнкерлар саф тортган. Саф олдидан полковник Катин қўлини орқасига қўйиб букчайиб юраркан, ерга қараб дерди:

— Қизиллар бизга таслим бўлишни таклиф қилишяпти, аке ҳолда артиллериядан ўқ отиб яксон қиламиз, деб дўқ қилишяпти. Мақтанчоқлик бўлса керак. Биз ҳам шунақа дўқ қилолмаймиз, бизга, афсуски, ҳеч ким ишонмайди. Олий қўмондонлик бизга сотқинлик қилиб, қочиб кетди. Иттифоқчилар ёрдам бермаяптилар. Бизларда милтиқ ўқи ҳам шунчалик камки, ҳатто қамоққа олинганларни ҳам отолмаяпман. Уларни ёқиб ўлдиришга тўғри келади. Айтгандек, бир текшириб кўриш керак... Жаноблар, бирпас кутиб туринглар. Ярим соат вақтимиз бор ҳали.

Полковник сафдан узоқлашди. Қути ўчган кўзларида ёш. Қизи қаттиқ касал-да.

У турмага кирди. Юнкерлар турма даҳлизини қиринди, тараша, сомон, тахталар билан тўлатиб ташладилар.

— Керосин ҳам қуйинглар!

— Қуйганмиз, полковник жаноблари.

— Менга гугурт беринглар, мен чекмайман,— деди полковник.

У сомонга гугурт чаққанди, бирдан ўт олиб кетди.

Аланга тез кўтарилди, полковник ўзини орқага олди.

— Қизим ҳали ҳам алаҳсираб ётипти,— деб пичирлади у сафга яқинлаша туриб.

Офицерлар чекишаётганди. Кимдир: «Смирно!» командасини берди. Офицерлар папиросларини ташлашди. Полковник Катин гапини давом эттирди:

— Жаноблар, замбаракларимиз бору, лекин, снряд йўқ. Қўзғолон кўтарганларнинг аҳволи ҳам шунақа шекилли. Найзаларни ишга солишга тўғри келади. Лекин найзабозликда уларнинг қўли баланд келади. Шундай қилиб...

У бир зум жим қолиб, ерга қараб деди:

— Ё таслим бўлишимиз керак, ё ўзимизни ўлдириб қутулишимиз керак. Таслим бўлишни истаганлар икки қадам олдинга чиқсин-чи.

Беш офицердан бошқа офицер ва юнкерларнинг ҳаммаси буйруқни бажарди. Полковник қўли билан кўзларини бекитди, таслим бўлишни хоҳлаганлар қалъа дарвозасига томон юра бошладилар. Салбчи юнкерлар бораётиб кўкракларидаги оқ бутларни юлиб олдилар.

Полковникнинг адъютанти Бушман уч рангли байроқни ўради.

Полковник маънос овозда қичқирди:

— Капитан Колесин!

— Эшитаман!

— Капитан, биринчи ўқ сизга.

Колесин ўзини ўзи отиб, йиқилди.

— Штабс-капитан Григорьев! Штабс капитан Петров! Фон Кюн!..

Учала офицер ҳам бир вақтнинг ўзида ўзларини ўзлари отдилар.

Полковник адъютантга қаради. У тўппончасининг қинини еча бошлади.

— Бир секунд тўхтаб туринг.

Катин бир оз ўйлаб, кейин деди:

— Ҳозиргина қабул қилинган радиogramмани ёзинг.— У адъютантга диктовка қила бошлади:— «Ўн олти вимпелли, снрядлар ва замбараклар ортилган япон ва америка кемалари портга келяпти. Улар ўн икки километр нарида ҳозир. Хотиржамлик билан

ёрдамни кутишларингизни таклиф қиламиз. Поручик Бушман қабул қилиб олди». Йил, кун, соат, минут!

Катин адъютантга соатни кўрсатди:

— Поручик, энди қабул қилган радиогаммангизни чап қўлингизга олинг. Унг қўлингиз бўш бўлади. Алвидо!

Поручик Бушман ўзини ўзи отди. Полковник уч рангли байроқни олиб, уни офицерларнинг жасади устига ташлади, револьверини олиб, ўзига ўзи деди:

— Полковник Катин! Сўнгги ўқ — сизга. Эшитаман!

— Ўзини ўзи отди.

Қалъа дарвозаси орқали пўлат излардан снаряд ортилган составлар аста-секин кира бошлади. Яна денгиз устини туман қоплади.

Партизанлар снарядларни қалъа замбараклари олдига таший бошладилар.

— Артиллериячилар, замбаракларни ўқланг!— Вершининнинг овози эшитилди.

Замбаракларнинг юқорисида, тепаликда Пеклевановнинг жасади қўйилган замбил турибди. Бу ерда — Маша, Настасьюшка, Знобов, Семёнов, Хмаренко, врач Сотин.

Пастдан тепаликка қараб вазмин қадам ташлаб Вершинин кўтарилди.

У Пеклевановнинг жасади олдида тўхтади, бошидан шапкасини олди. Миша-студент унга яқиндагина полковник Катин диктовка қилган телеграммани бера туриб.

— Интервентларнинг кемалари яқинлашяпти, Никита Егорович!— деди.

Васька Окорок телеграфистларни олиб келганди, улар телеграммага қараб:

— Биз бунақа радиотелеграмма қабул қилганимиз йўқ,— дейишди.

— Аксинча, қалъани партизанлар ишғол қилганларини эшитишиб, интервентларнинг кемалари орқага, денгизга қайтди, деган хабар бор!

— Туман, Никита Егорич, ҳеч нарсани билиб бўлмайди.

Васька яна гапига илова қилди:

— Қиргоқ олдида баъзи нарсаларни кўрса бўлади, Никита Егорич. Қара, қочоқлар юкларини кемаларга юклашяпти. Бир ўқ узишга буйруқ берасанми?

— Нега буйруқ бермасаканман?!..

Вершинин команда бермоқчи бўлди-ю, тўсатдан эсига тушди:

— Йўқ. Пеклеванов қочоқларга ўқ отманглар деганди. Кетса кетаверишсин! Қочоқ, деган, оғайни, ҳар қанақа итдан кўпроқ ваҳима тарқатадиган бўлади.

У Васьканинг қўлидан дурбинни олди.

Юк ташувчилар снарядларни қалъа замбараклари олдига ташимоқда.

— Никита Егорич, отамиз! Сен менинг гапимга бир кир, Никита Егорич!

— Кираман, гапингга, Васька, отишимиз керак. Замбаракларни отишга ҳозирланг!

— Замбараклар, тайёрлан! Биринчи, иккинчи...

— Учинчи, тўртинчи...— команда берила бошлади...

— Шу команда остида туман қиргоқдан узоқлашиб, порт аниқ кўрина бошлади.

Қочоқларни денгизга олиб кетаётган катерлар кўринди. Туман тарқади. Уфқ топ-тоза.

Партизанлар ана шу тоза уфққа қарашаркан, хурсанд бўлишарди:

— Эҳ-е! Кетиб қолишди, Никита Егорич!

— Никита Егорич, туман интервентларнинг кемаларини ютди шекилли!

— Кўряпман,— деди Вершинин, чўнтагидан рўмолчасини олаётиб.

— Нақадар яхши,— деди у қуриган лабларини зўрға қовуштириб.

Қувончли, маънисиз бир нигоҳ билан у рўмолчага тикилди, қўлидан рўмолча тушиб кетди, кейин эса тер босган пешанасини ёнги билан артди.

— Нақадар, яхши! Йигитлар, хурсандчилик учун осмонга қаратиб отинглар.

Трамвайлар физилламади. Кўчада одам ҳам йўқ. Шаҳарни жазирама иссиқ элитгандек, туман иссиқ, бу ерда шунақа бўлади. Уйлар вулқон тепаларининг харсанглари каби ҳаракатсиз ва мунгли бир тарзда қўлтиқ атрофларида турибди.

Қўлтиқда эса яшил-зангори сувда «иттифоқчилар» нинг кемалари енгил ва эркин чайқалиб турибди.

Штаб йўлагиди канарейка тиниқ сайрар, одатдаги каби, аллақадан қулоққа йиғи овози чалинарди.

Ревштабнинг семиз котиби столлар бўш бўлишига қарамай, бир скамейкада ўтириб олиб, юзининг бир томони билан кулиб, алланималарни ёзарди.

Тўрт партизан секингина, ҳаяжон билан гаплашиб чаққон юриб кетаётганди. Улардан тер ва смола ҳиди анқирди...

Ревштабнинг котиби печатни қидирди, печать Вершининда кетган эди, котиб сиёҳдонни кўтарди ва бирровни чақирмоқчи бўлди...

Залл! Уқ товуши ҳамма ёқни ларзага келтирди.

Партизанлар югуришиб қайтиб келишди:

— Антервентларми, ўртоқ котиб?

Котиб телефон трубкасини қўйиб, кулиб жавоб қилди:

— Йўғ-э, ўзимизникилар отишяпти. Хурсандчиликка.

— Жудаям тўғри! Бунақа пайтда хурсанд бўласанкиши.

— Бўлмасам-чи!

Котиб хатини ёзиб тугатмоқчи бўлди, у хотинига душман бутунлай тор-мор этилганини баён қилиб, қурбонлар ҳам бор, уруш бўлгандан кейин бусиз бўлмайди, қабилида хат ёзарди. «Никита Егорич кейинги пайтларда ўзи ёқтириб қолган «нақадар яхши» сўзини такрорлаб, шудгор қилиб кузги бугдой экишга улгуриш ҳам мумкин, деди», деб ёзди.

— Рост, нақадар яхши!

— Ўртоқ ревштаб котиби, эртадан кейин парад бўлади дейишяпти, ростми?

— Ҳа, фармойиш бор.

Ишчилар билан мужиклар бирга ўтишди.

Ип бахмалдан тикилган кенг чолвар ва кўк кўйлак кийган кон ишчилари ўтишди. Юзлари озғин, сочлари мохга ўхшаш, кул ранг. Тошга ўрганиб қолган ботиқ кўзлари чақнарди.

Зея кўлининг балиқчилари ўтишди — қўллари узун,

тиззага етади. Уларнинг иштонлари, айтишларича, налим балиғи терисидан, сочлари баҳорги майсадек қалин, балиқ ҳиди анқиб туради.

Сихотэ-Алинь тоғининг чўпонлари ўтишди, юраве-риб чиниққан юзлари хитойларникига ўхшаш, кўзлари ингичка: қўлларида боболаридан қолган нили узун милтиқлар.

Кейин Хор дарёсининг ингичка лабли балиқчилари, муқаддас Ольга қўлтиғида балиқ овлаб, денгиз шамол-ларига кўникиб қолган яғриндор балиқчилар ўтишди...

Кейин текисликларда яшовчи қорамтир юзли деҳ-қонлар, чарчаган пода каби бир текисда ҳорғин қадам ташлаб ўтишди...

Олдинда автомобилда Вершинин хотини билан ўтди. Хотинининг гулдор матога ўралган бақувват ва катта гавдаси ёнарди. Шамолда ёрилган лаблари қиз-қизил, қорни дўшпайиб кўзга ташланарди. Улар қимирламай ўтирар, қарамас, ёнар тоғлар, денгиз ҳидини, денгиз тош ва ўтлари ҳидини олиб келаётган шамолда кўй-лаклари ҳилпирарди.

Тумбада фонарь устунига суяниб кичик ён дафтари-га алланималарни қалам билан ёзаётган америкалик мухбир турибди. У тоза ва силлиқ кийинган, намоён-га сичқондек тез-тез қараб-қараб қўярди.

Қаршида, кўчадан нари ёқда эса эғнига касалхона халатига ўхшаш шинель кийиб, оёғига зангори обмотка ўраган, инглиз ботинкаси кийган содда солдат турарди. У ўтувчиларнинг боши устидан америкаликка қарар, америкаликни хотирида сақлаб қолиш умидида эди. Америкалик эса сувдаги балиқ каби эпчил қимирлар, солдатнинг нигоҳига тутқич бермас, бу эса солдатнинг жаҳлини чиқарарди, у шоир эди, у шу кунларда рўй бераётган ажойиб, юксак воқеаларни жуда ҳам хотирда сақлагиси келарди.

1921—1956 йиллар.

Петроградга 1921 йил бошида келдим. Сибирлик шоир ошнам Иван Ерошин мени Петроград Пролеткультига — ишчилар синфидан чиққан ёзувчи, рассом, актёрлар ташкилотига олиб борди. Бу ташкилот ўзига хос пролетар маданиятини яратиши керак эди. Тўғриси айтсам, унинг фаолияти билан танишиб, анча ҳайрон қолдим. Пролетар маданиятининг моҳияти нимадан иборатлигини ўзимиз ҳам яхши билмас эдик.

Пролеткультичи шоирлар актив ҳаёт кечирардилар: газеталарда замонавий темаларда уларнинг шеърлари босилиб турар, фабрика ва заводларда, ҳарбий қисмларда ўз шеърларини ўқиб беришар, кичик бўлса ҳамки, ўз наشريётлари, ҳатто «Грядущее» деган журналлари ҳам бор эди. Улар мени ўзларига яқин олиб, бирга юришга таклиф қилишарди. Мен ҳам ўз асарларимни ўқигим келарди, лекин асарларим ҳали тингловчиларни қизиқтирмаслигини билиб, «бошқарувчи»лик вазифасини ўтар эдим.

М. Горький мени «Санъат уйи»даги «Серацион муридлари» ёш ёзувчилари гуруҳи билан таништирди. Бу гуруҳ ўз номини машҳур немис ёзувчиси Э. Гофманнинг романи шарафига шундай деб атаган эди. Мен у пайтларда «Серацион муридлари» романини ўқимагандим. Бу романда бир неча ёш дарвиш Серационникида йиғилишиб, бир-бирларига турли-туман воқеий ва фантастик воқеаларни ҳикоя қилиб беришади, дейишган эди. Нима қилти! «Санъат уйи» ҳам етарли даражада хилватхона бўлиб, бу ерда икки-учта серсоч дарвиш бор эди; мен ҳам кўпгина воқеаларни билардим. Бундан ташқари, пролеткультичилар шоир бўлганликлари туфайли проза санъатини эгаллашда менга кўмаклаша олмасдилар. «Серацион муридлари» эса асосан прозаиклар бўлиб, мен «Серацион муридлари» гуруҳига аъзо бўлдим.

Горький менинг турмушимни яхшилашга ҳар томонлама ғамхўрлик қилиб турганига қарамай, унинг ёрдамидан камроқ фойдаланишга ҳаракат қилардим.

«Серациончи», ҳозир Горькийнинг машҳур биографи бўлган И. А. Груздев ўша вақтларда Петроград ҳарбий округи Культпросвети билан алоқадор эди, мени шу ерга лектор қилиб жойлаштирди. Мен Петроград атрофларидаги ҳарбий қисмларга

бориб, Пролеткультнинг адабиёт студиясида лекциялардан олган конспектларимни такрорлай бошладим. Бу конспектлардан асарлари мени ҳаддан ташқари ҳаяжонлантирган Лев Толстой ижодини тушунтиришда фойдаландим.

«Партизанлар» деган повесть ёздим. М. Горький уни «Красная Новь» журналининг редакциясига топширди. Мен «катта» қалам ҳақи олдим. «Партизанлар» повестига Сибирда эшитган бир воқеани асос қилиб олган эдим, граждандар уруши йилларида Сибирда яшаган ва бу ерда кўпгина кулфат ҳамда қувончларни бошдан кечирган эдим.

Биринчи, нисбатан йирик асаримни ёзиб тамомлаганимда, одатда ўз кучига етарли даражада ишончи бўлмаган ёш ёзувчиларда бўладигандек, бутун турмуш тажрибамдан фойдаланиб бўлгандек ҳис этдим ўзимни.

Турмушни кузатишларим доираси ўша йиллардагига қараганда анча кам бўлса-да, ҳар кунни туғилиб турадиган фикрларнинг сон-ҳисоби йўқ.

Бу — кузатишларим камлигидан ёки кузатиш доирам торлигидан эмас, аксинча, кўп эди, мен у пайтларда энг муҳим фактни танлаб, ўз кузатишларимдан маълум мақсадда фойдалана билмаслигимдан шундай бўлган эди. Фактлар бошимга қўйилиб келар, айна пайтда аҳамиятсиз ҳам бўлиб кўринаверарди. Мен у пайтларда санъат, ҳатто биринчи қарашда арзимас бўлиб кўринган фактни ҳам катта воқеага айлантира билишдан иборат бир нарса эканлигини яхши тушунмас эдим.

Лекин ҳаёт актлари, адиблар: «серациончилар», шунингдек пролеткультчилар билан, гарчи улар адабиётдан турлича баҳраманд бўлсалар, адабиётда турлича иш тутсалар ҳам, менга ўргатишди, мени рағбатлантиришди.

1921 йил баҳорида мен Лев Толстой ижоди ҳақида навбатдаги лекцияни ўқиш учун бронепоезд командаси ҳузурига бордим. Боши берк кўчада турган, пистоқи ранга бўялган бу баҳайбат нарса мени ҳайрон қолдирди. Мен умуман, яхши лекция ўқий олмасдим, агитвагонда ўқилган бу лекция эса яхши чиқмаганди.

Шунга қарамай, лекциямни диққат билан тинглашарди. Бронепоезднинг командири кекса, ақлли матрос менинг кайфиятимни яхши тушунди. У тингловчиларга мени тавсия қилар экан: «Бу ёш ёзувчи Лев Толстойнинг яқин таниши, Максим Горький билан ҳам ҳозир шахсан таниш, ўз таассуротларига таяниб, сизларга лекция ўқийди», деди.

Лекция тугагандан кейин эса командир граждандар уруши даврида бронепоезд Украинада қандай ишлар қилгани тўғрисида гапирди. Шаҳар чеккасида турган поездга қайтганимда ўзимга танишдек бу бронепоездга зўр диққат билан тикилганимнинг сабабини фаҳмладим.

Сибирдаги дивизия қизил аскар газетаси ёдимга тушди. Шу газетада мен 14—69 бронепоезди тўғрисида биринчи марта ўқиган эдим. Газетада партизанларнинг жасоратлари тўғрисида расмий маълумот босилганмиди, митинг ҳақида очерк ёки оддий ҳисобот босилганмиди, эсимда йўқ, фақат қаҳрамонлик тўғрисида кишини ҳаяжонга соладиган қисқароқ бир нарса босилгани хотиримда.

Берданка ва винтовкалар билангина қуролланган сибирлик партизанлар отряди оқларнинг зирҳланган бронепоездни бутун замбарак, пулемёт, гранаталари ва тажрибали командаси билан биргаликда қўлга киритгани тўғрисида ёзилган эди. Ҳақдай учиб келаётган бронепоездни, бир зумгина бўлса-да, тўхтатиш учун отряднинг жангчиси хитой Син Бин-у, яъни чор ҳукумати ёллаб, оқол ишлари учун фронтга жўнатган кулилардан бири изга ётган ва бронепоезд уни босган. Шу хитой ётган изга қараш учун бронепоезддан бошини чиқарган машинистни партизанлар отиб ташлаганлар. Бронепоезд тайга ичида тўхтаб қолган. Партизанлар унинг атрофларидаги изларни бузиб, тутун буруқсатиб, бронепоездни қўлга киритганлар.

Мен дивизия газетасида ўқиганимдан кейин, бу ҳақда олдин ҳам икки ёки уч ярадор қизил аскардан эшитганларимни, ўзимнинг партизанлар билан учрашувларимни хотирладим.

Ғарбий Сибирь партизанларининг оқ гвардиячилар билан кураши, бронепоезднинг қўлга киритилиши тўғрисида ёзгим келди!

Мен Лев Толстой тўғрисида лекция ўқиш учун, шу билан бирга, махсус ҳарбий билимни ўрганиш учун ҳам шаҳар чеккасидаги станцияга, бронепоездга тез-тез бориб турдим, мен армияда ҳеч қачон хизмат қилмаган эдим, Қизил гвардияда бир неча ҳафтагина бўлганим билан ҳарбий ишда билимдон бўла олмаган эдим.

Автопоездда тингловчилар борган сари камайиб борди, лекин кўз ўнгимда повесть борган сари равшанроқ намоён бўлаверди.

Яна икки-уч лекциядан кейин повесть ҳаёлимда тайёр бўлади деб турган пайтларда, тўсатдан бронепоезд Узоқ Шарққа кетадиган бўлиб қолди. Бронепоезднинг кетиши менга энди халақит беради деб қўрқдим.

Лекин аксинча бўлиб чиқди.

Унинг кетиши фантазиямни қанотлантириб юборди.

Интервент — оқ гвардиячилар билан Ғарбий Сибирда тугаган уруш ҳамон Узоқ Шарқда давом этмоқда эди, воқеани мана шу ёққа кўчириш керак!

Байкал яқинида, Ғарбий Сибирь воқеалари асосида ўйланган бўлаверсин, бунинг зиёни йўқ. Шахсий кузатишларим асосида тузилган воқеаларда бир оз ноаниқлик бўлар, ахир мен Узоқ Шарқда ҳеч қачон бўлмаганман, лекин биринчидан, воқеа кенглиги ва миқёси жиҳатдан, денгиз, интервентларнинг кемалари, оқ гвардиячиликнинг бутунлай ва узил-кесил тугатилиши акс эттирилиши жиҳатдан, иккинчидан, актуаллиги жиҳатдан яхши бўлади. Уша кунларнинг шиорларини ўз шеърларига киритган пролеткультчи шоир ўртоқларимнинг таъсири повестнинг сиёсий актуал бўлишига ёрдам берди. Адабиётда фантазия ва форманинг таъсирчан бўлишини яхши кўрган «Сералион муридлари»нинг таъсири эса повестимни диққатни тортадиган ҳаракатларни кўрсатиб, қизиқарли ёзишимга, бўёқ беришимга кўмаклашди.

Поэзия, сиёсат ва, албатта, ёшликнинг уйғунлашиб ижодга бунчалик муваффақиятли таъсир этгани менинг адабий ҳаётимда бошқа бўлмаган чиқар!

Мен кўпроқ халқ оmmasини кўрсатишга ҳаракат қилдим; бронепоездни яхши замбарак ва пулемётлар билан қурооллан-тирибгина қолмай, командирини оқил, эътиборли, урушда қийналган оқ гвардиячи бўлса ҳамки, иродали киши қилдим. Бронепоезднинг партизанлар томонидан қўлга киритилиши денгиз соҳилидаги шаҳар ва портнинг тақдирини ҳал қилди, большевиклар партиясини раҳбарлик қилган ишчилар қўзғолонига ёрдам берди, бу қўзғолоннинг муваффақияти эса оқ гвардиячилар ҳукуматининг ағдарилишини таъминлади, бу ҳукуматни ҳимоя қилаётган интервентларни Советлар мамлакатидан чиқиб кетишга мажбур этди.


Мен шу тема устида кўп ишладим, бу темага тез-тез қайтиб турдим. Шундай қайтишларнинг бирида «14—69 бронепоезд» пьесаси яратилди, бу пьеса ўз вақтида Москва Бадий театрида ва мамлакатимизнинг бошқа театрларида, шунингдек, чет элларда саҳнага қўйилди. Яқинда мен «Бронепоезд» деган сценарий ҳам ёздим, шу сценарий асосида фильм ҳам яратилса керак.

Повесть менга кўпгина ижодий қувончлар, ҳаётда тез-тез бўлиб турадигандек, хафагарчиликлар ҳам келтирди.

Ижодий хафагарчиликлар қувончларга қараганда анча оз бўлди. Ўз дўстларим ва ўртоқларимнинг озмунча янги китобларини завқ-шавқ, қувонч билан қўлга олдимми! Бу китоблар кўп бўлди, улар тез-тез пайдо бўлиб турди, улар хилма-хил ҳам эдилар! Бу навқирон совет китоблари ёш совет китобхонларининг қалбларига озмунча озуқа, ҳарорат бахш этдимми! Шу нарсани ҳис этиш қувончлидирки, бу китобларнинг завқ-шавқи, уларнинг қувончи ҳозирда ижод қилаётган ёш совет ёзувчиларининг китобларига ҳам кўчди!

1956 йил, октябрь.

Всеволод Иванов



На узбекском языке

Всеволод Иванов

БРОНЕПОЕЗД 14—69

П о в е с т ь

Перевод с издания «Детгиза», 1957

Редатор М. Раҳмон

Рассом М. Қагаров

Расмлар редактори Н. Холиқов

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректор Ш. Собирова

Босмаҳонага берилди 19/VII—1972 й. Босишга рухсат этилди: 20/X 1972 й. Формати 84×108¹/₃₂. Босма л. 5,75. Шартли босма л. 9,86. Нашр л. 9,75. Тиражи 15000. Рафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 217—67.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида № 1 қозонига босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30, 1973 йил. Заказ № 1781. Баҳоси 45 т.

Иванов Всеволод.

Бронепоезд 14—69. (Нурбек тарж.)

Т., Адабиёт ва санъат нашриёти

1973.

184 бет. Тираж 15 000.

Иванов В. Бронепоезд 14—69.

P2

Индекс 7-3-2